

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ.

НАВРЎЗОВА.Г., ЮНУСОВА Г.

**БАРЧА МУТАХАССИСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН**

“ЭТИКА-ЭСТЕТИКА”

**ФАНИДАН МУСТАКИЛ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА.**

БУХОРО-2005.

Услубий қўлланма кафедра йиғилишида муҳокама қилиниб нашр қилишга тавсия қилинган (феврал 2004 йил мажлис баённомаси).

Институт Ижтимоий гуманитар фанлар кенгашида муҳокама қилинган ва нашр қилишга тавсия этилган. (2004 йил феврал баённомаси).

ТУЗУВЧИЛАР: ф.ф.н. доц. Г.Н.НАВРЎЗОВА

ўқитувчи Г.С.ЮНУСОВА.

ТАҚРИЗЧИЛАР: Фалсафа кафедраси доценти Азимов М.А.

Фалсафа кафедраси ўқитувчиси Зоиров Э.Х.

Ахлоқшунослик ва Нафосатшунослик курсидан ҳар бир мавзу учун зарурий бўлган таянч иборалар ва мавзуларга оид кўргазмали материаллар киритилган ва таърифлар берилган ушбу услубий қўлланма кундузги бўлим талабалари учун тайёрланган. Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2000 йилда Абдулла Шер муаллифлигида чоп этилган "Ахлоқшунослик" маърузалар матни ва Э.Умаров муаллифлигида нашр этирилган Эстетика ўқув қўлланмаси, Олий ўқув юртлари учун "Ахлоқшунослик" ўқув дастури асосида тайёрланган.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича баҳолашнинг "таянч" ибораларга асосланган ёзма иш усули тўғрисидаги 1999 йил 12 март 67 сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 5 октябр 87-01-392 сонли "Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича баҳолашнинг "таянч" ибораларга асосланган ёзма усулини тадбиқ этиш бўйича йўриқ хати"га мувофиқ барча олий ўқув юртларида "таянч" ибораларга асосланган ёзма иш усули кенг тадбиқ этилмоқда. Бу услуб ижобий натижалар бераётганлигини, хусусан талабаларда ўз билимини доимий равишда ошириб боришга интилиш кучайганлиги, мустақил ишлаш, вазифага ижодий ёндашиш, қўшимча адабиётлардан фойдаланиш, ўз фикрини ёзма равишда аниқ ва лўнда ифодалаб бериш каби хусусиятлар шаклланиб, тез ривожланиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Шу мақсадда дарс жараёнларида ушбу ўқув қўлланмасидан фойдаланиш ижобий натижалар беради деб ўйлаймиз. Маърузани бошлашдан олдин ҳар бир мавзу таянч тушунчаларини талабаларга ёздирилса, дарс давомида шу таянч тушунчаларни мантиқий боғланган ҳолда тизимли тушунтирилса, тингловчилар диққат билан хотираларида сақлайдилар. Шунингдек, ушбу таянч тушунчаларни мавзуини мустаҳкамлаш учун, дарс охирида савол сифатида берилса, реферат мавзулари сифатида берилса, яхши натижалар беради, деб ўйлаймиз. Ушбу ўқув қўлланмаси Абдулла Шер муаллифлигида 2000 йилда чоп этилган "Ахлоқшунослик" маърузалар матни асосида тузилди. Ўқув қўлланмаси ахлоқшунослик фани ўқитиладиган олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

1. АХЛОҚШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШ ҲАМДА ЎРГАНИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Ахлоқшуослик фанини ўқитиш ҳамда ўрганишнинг мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ахлоқ ва ахлоқий тафаккурнинг пайдо бўлиши ҳамда тараққиётини, ахлоқнинг давлат, фуқаролик жамияти, шунингдек, шахс ҳаётида тутган ўрнини талабаларга илмий нуқтаи назардан тушунтириш:

- олий қадрият бўлмиш ахлоқнинг миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятларини таҳлили этиш, унинг маънавият тизимидаги юксак мавқеини тушунтириш;

- талабаларда эзгуликка эътиқод, Ватанга, миллатга, инсониятга муҳаббат ҳиссини шакллантириш ва юксак даражага кўтариш;

- ҳалол, пок, ростгўй мутахассислар бўлиб етишишда ахлоқ ва одобнинг аҳамиятини талабаларга теран англашиш;

- ахлоқшуослик фанини ўқитиш ва ўрганишда ижодийлик, чуқур илмийлик, тарихийлик ҳамда олимона, холислик тамойилларига амал қилиш;

- маъруза ва амалий машғулотларда, мустақил таълим жараёнларида талабаларнинг имкон борича кўпроқ манбаларга мурожаат қилишларига эришиш;

1.1 АХЛОҚШУНОСЛИК ФАНИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЛИМИГА, ЎҚУВИГА ВА КЎНИКМАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.

Ахлоқшуослик фани бўйича талабаларнинг билимига, ўқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

-ахлоқшунослик фанини ўрганишда талабалар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги", деган фикрини дастуриламал деб билишлари зарур;

— талабалар замонавий баркамол инсон шахсини шакллантиришда ахлоқнинг муҳим омил эканлигига ишонч ҳосил қиладиган даражада назарий билим ва амалий кўникмага эга бўлишлари лозим;

- талабалар мустақилликнинг моҳиятини, мустақиллик туфайли миллий ахлоқий қадриятларнинг тикланаётгани ва бойиб бораётганини чуқур англай билишлари керак.

1. НАФОСАТШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШ ВА ЎРГАНИШНИНГ МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИ

Нафосатшунослик фанини ўқитиш ҳамда ўрганишнинг мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- эстетик тафаккурнинг вужудга келиши ва тараққиётини, санъатдаги, саноатдаги, турмушдаги, табиатдаги гўзалликнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини талабаларга илмий нуқтаи назардан тушунтириш;

- эстетик қадриятларнинг миллий ва умумбашарий жиҳатларини таҳлил этиш ҳамда уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш;

- талабаларда гўзалликка, улуғворликка нисбатан муҳаббат ҳиссини шакллантириш;

- талабаларга ҳақиқий санъат асарларининг миллат ва жамият ҳаётидаги улкан маънавий ҳодиса эканини ўқитиш, уларда санъатни чуқур тушуниш малакасини ҳосил қилиш;

- техника нафосатшунослиги ва унинг амалий кўриниши бўлмиш дизайннинг, саноатни гўзаллаштиришнинг эркин демократик жамият тараққиётидаги беқиёс аҳамиятини талабаларга англатиш;

- нафосатшунослик фанини ўқитиш ва ўрганишда ижодийлик, илмийлик, тарихийлик ҳамда олимона ҳолислик тамойилларига амал қилиш;

- маъруза ва амалий машғулотларда, мустақил таълим ва мустақил иш жараёнида талабаларнинг имкон борича манбаларга кўпроқ мурожаат қилишларига эришиш;

- жаҳонга юз очган Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси шахс сифатида ҳам, фуқаролик жамияти аъзоси сифатида ҳам - ҳар жиҳатдан гўзалликка ошно бўлиб етишуви лозимлигини талабалар онгига сингдириш.

2. НАФОСАТШУНОСЛИК ФАНИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЛИМИГА, ЎҚУВИГА ВА КЎНИКМАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Нафосатшунослик фани бўйича талабаларнинг билимига, ўқуви ва кўникмасига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий ва умумбашарий маънавий меросга муносабат ҳамда эстетик қадриятлар борасида билдирган фикр-мулоҳазаларини, “Дунёни эзгулик қутқаради”, деган тамойилини талабалар нафосатшунослик фанини ўрганишда дастуриламал деб билишлари лозим;

- талабалар ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида, замонавий баркамол инсон шахсини шакллантиришда нафосатшуносликнинг муҳим омил эканини англаб етадиган бўлишлари керак.

- талабалар Ватан ва жаҳон санъати тарихи, замонавий санъатининг энг муҳим йўналишларидан хабардор бўлишлари, гўзалликка нисбатан фидойиларча муносабатда бўлишга ўрганишлари зарур.

- талабалар мустақиллик моҳиятини англашлари, мустақиллик бахш этган эркин тафаккур қилиш - санъат ва нафосатшунослик тараққиётининг зарур шarti эканини билишлари керак.

3. НАФОСАТШУНОСЛИКНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Нафосатшуносликни ўқитишда, айниқса, санъат турлари мавзуидаги маъруза ва семинарларда аудио, видео, кино аппаратураларидан, компакт дискларидан; музейлар, меъморий ёдгорликлар ҳақидаги қисқа метражли ва ўқув фильмлар ҳамда слайдлардан фойдаланиш мумкин. Дизайнга бағишланган мавзулар, табиийки, компьютарни талаб этади. Шунга кўра кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг талабларига мувофиқ ҳар бир мавзу бўйича видеолекциялар тайёрлаш мумкин. Ушбу видеолекциялар талабаларнинг мустақило фикирлаши учун кенг имкон яратади ва уларнинг дунёқарашини кенгайтиришда катта хизмат қилади.

4. УМУМИЙ ВА ЎРТА ЎҚУВ ИШЛАРИ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ҲАЖМИ

Нафосатшунослик ва Ахлоқшунослик курсининг умумий ҳажми 40 соат бўлиб, аудитория машғулотлари 20 соатни ташкил этади; 20 соат маъруза.

1-Машғулот.Қадимги дунё ахлоқшунослиги. 2 соат.

Режа:

- 1.Қадимги Шарқ дастлабки ахлоқий таълимотлар бешиги сифатида (Сомир (Шумер).Бобелон, Қадимги Миср).
- 2."Авесто" - Қадимги дунёнинг ахлоқий қомуси.
- 3.Ҳинди-Хитой минтақаси мутафаккирларининг ахлоқий таълимотлари (ведачилик, буддҳачилик, даочилик, конфуцийчилик).
- 4.Қадимги дунёнинг мумтоз ахлоқшунослиги (Юнонистон, Румо).

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Ахлоқшунослик, этика, одоб, хулқ, ахлоқ, ноосфера, этосфера, биологик ахлоқшунослик,"Авесто"да ахлоқий қарашлар,фазилат, иллат, руҳ, изтироб, адолат, донишмандлик, дўстлик, машшойийунчилик, тасаввуф, ҳаёт ва мамот, ихтиёр эркинлиги, муҳаббат, ният, кадр-қиммат, лаззат, мақсад, восита,ақл, панднома, бурч, муомала одоби, касбий одоб, қалб, манфаат, эзгулик, ёвузлик, ихтиёр эркинлиги, бурч, ахлоқийлик, қониқиш, муҳаббат, бахт, виждон, изтироб, ало одам, ҳаё, уят, инсоф, ватан, ватанпарварлик, ҳалоллик, ачиниш, шафқат, ғайри зўравонлик, руҳий таҳлил, экзистенция, қўрқув, мавжудлик, жўмардлик.

АХЛОҚШУНОСЛИК

АХЛОҚШУНОСЛИК

Ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини,
кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий
муносабатларини ўрганади.

АҲЛОҚ


ХУЛҚ

ОДОБ

ЭТИКАНИНГ АСОСИЙ БЎЛИМЛАРИ



АХЛОҚШУНОСЛИК ФАНИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ



ҚАДИМГИ ДУНЁ АХЛОҚШУНОСЛИГИ



- Қадимги Мисрдаги ахлоқий қарашлар
- Турон ва Эрон халқлари ахлоқий қарашлари – “Авесто”
- Қадимги Ҳиндистондаги ахлоқий қарашлар – Буддхачилик, Ведалар.
- Қадимги Хитойдаги ахлоқий қарашлар – даочилик, конфуцийчилик.
- Қадимги дунёнинг мумтоз ахлоқшунослиги – Сукрот, Афлотун, Арасту, Эпикур ахлоқий таълимотлари.

АХЛОҚШУНОСЛИК - ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишининг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади. "Ахлоқ" сўзи арабчадан олинган бўлиб, "хулқ" сўзининг кўплик шаклидир. "Ахлоқ" ибораси икки хил маънога эга: умумий тушунча сифатида фаннинг тадқиқот объектини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва ҳатти-ҳаракатининг энг қамровли қисмини билдиради. Ахлоқни умумий тушунча сифатида олиб, уни доира шаклида акс эттирадиган бўлсак, доиранинг энг кичик қисминим одоб, ундан каттароқ қисмини хулқ, энг қамровли қисмини ахлоқ эгаллайди.

ЭТИКА - Ахлоқшунослик бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий фан. У бизда "Илми равиш", "Илми ахлоқ", "Ахлоқ илми", "Одобнома" сингари номлар билан атаб келинган. Оврўпода эса "Этика" номи билан машҳур, биз ҳам яқин-яқингача шу атамани қўллар эдик. Уни биринчи бўлиб юнон файласуфи Арасту муомалага киритган. Арасту фанларни тасниф қиларкан, уларни уч гуруҳга бўлади: назарий, амалий ва ижодий. Биринчи гуруҳга у фалсафа, математика ва физикани; иккинчи гуруҳга - этика ва сиёсатни; учинчи гуруҳга эса - санъат, ҳунармандчилик ва амалий фанларни киритади. Шундай қилиб, қадимги юнонлар ахлоқ ҳақидаги таълимотни фан даражасига кўтарганлар ва "Этика"(taethika) деб атаганлар.

Француз материалист философи П.Гольбах, ЭТИКА кишилар ўртасида мавжул бўлган муносабатлар ҳақидаги ҳамда ана шу муносабатлардан келиб чиқадиган масъулиятлар ҳақидаги фан, деб атар экан, у бутунлай ҳақдир. Зеро инсон атрофида бошқалар ҳам борлигини унутмаслиги лозим. Ана шунда кишида ўзига нисбатан талабчанлик, масъулият ҳисси пайдо бўлади. Бу ҳис унда ирода кучи ва характер кувватини туғдиради. Бундай одам қийинчиликлардан кўркмайди, турмуш оирликларини дангал кўтаради. Бинобарин, инсон қийинчиликлар олдида эгилиб қолмаслигини, муваффақиятга эришганда эсанкирамаслигини ўзида тарбиялаб бориши лозим.

ОДОБ - инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли ҳатти-ҳаракатларни ўз ичига олади. Уйғуннинг куйидаги шеърӣ мисраларида одоб ҳақида шундай дейилган:

Унинг одобида, унинг хулқида

Инсоний камолот мавжуд, барқарор. (Муқимий ҳақида)

Хўш, одоб маданияти деганда нимани тушунамиз? Одоб, соддароқ қилиб айтганда, инсоннинг ҳатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва юриш-туриши ва улрани доимо назорат қила билиш даражаси, кишилар ўртасидаги муомала муносабатларидир. Одоб, шунингдек, кишининг ўз ҳатти-ҳаракатлари меъёрини англашдир. Абу Али ибн Сино ёзганидек, ахлоқ ҳар бир киши учун ўз-ўзини идолра қилиш илмидир. Бу илми эгаллаш ўз-ўзидан бўлмайди, балки кўникма натижасида, характер кучи, қуввати оқибатида бўлади. У ёки бу одоб қоидаларининг мақсадга мувофиқ бўлиши учун уларнинг зарурийлигини англаб етмоқ лозим. Одобилик нимадандир кўркиш оёибати, ёки кимгадир маъкул келиб, яхши кўриниш эмас, балки эҳтиёж, ички талаб натижасидир. Ана шундай одоб жамият кишиси учун норма, қоида бўла олади. Алишер Навоӣ "Маҳбуб-ул-қулуб" асарида ёзганидек, ОДОБ - улуғлар кўнглида ёшларга меҳр уйғотади ва у одобли ёшларга бўлган муҳаббат кўнгилда абадий қолади. Ёшларни кўзга улуғ қилиб кўрсатадиган феъл-атвори одобдр, одоблиларинг юриш-туришида халқ улуғворлик кўради...

Одоб уруғини эккан одамнинг ҳосиллик жавоҳири бўлади. Одобли ва гўзал хулқли одамлар кўпаяверса халқнинг дўстлиги, уларнинг бирбирига бўлган меҳр-муҳаббати борган сари ривож топади. Агар киши одоб ва тавозеъ каби яхши хулққа эга бўлса, ўзи ҳам халқнинг иззатҳурматиға сазовор бўлади.

ХУЛҚ - оила, жамоа, маҳалла-қуй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний ҳатти-ҳаракатларнинг мажмуи.

Абдулла Авлониёнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида хулқ бобида муфассал маълумот берилган:

"Инсон икки нарсадан мураккабдур. Бири жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айирур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур. Жасаднинг сурати ҳаммага маълум бир нарсадурки, ҳар вақт кўзга кўриниб турадур. Аммо нафснинг сурати кўзга кўрунмайдурган, ақл ила ўлчанадурган бир нарсадурки, буни хулқ деб аталур. Агар бир киши ёшлигида нафси бузулуб тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, "аллоҳу акбар", бундай кишилардан яхшилик кутмак ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабидур. Расули акрам набиййи мухтарам саллолоҳу алайҳи васаллам афандимиз:

"Бир тоғнинг ўрнидан кўчиб кетганини эшитсангиз, ишонингиз, аммо бир одамнинг хулқи бошқа бўлди деб эшитсангиз, ишонмангиз", - демишлар.

Хулқи ёмон юз, кўзлидин на суд,
Юз, кўзли хулқни қилмас кашуд.
Хулқ маризига, даво истасанг,
Марг давосин берилур қистасанг.

Хулқи ёмонинг кетулар кўп зарар,
Хулқинг ўзи бошингга калтак урар.
Хулқи фано бўлса дегил алҳазар,
Хору залилликда қолур дарбадар.

ЯХШИ ХУЛҚ, ЁМОН ХУЛҚ

Ахлоқ уламози инсонларнинг хулқларини иккига бўлмишлар: агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликга тавсиф бўлуб "яхши хулқ", агар тарбиятсиз ўсуб, ёмон ишлайдурган бўлур кетса, ёмонликга тавсиф бўлуб "ёмон хулқ" деб аталур.

Жаноби ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани айирадурган қилуб яратмишдур. Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга еткурмак тарбия ила бўладур."қуш уясинда кўрганин қиладур".Инсон жавҳари қобилдур.Агар яхши тарбият топиб, бузук хулқлардан сақлануб,гўзал хулқларга одатлануб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар.Агар тарбиятсиз, ахлоқи бузулуб ўсса, аллоҳдан кўркмайдурган, шариатга амал қилмайдурган, насихатни қулоғига олмайдурган, ҳар хил бузук ишларни қиладурган, нодон, жоҳил бир расвойи олам бўлиб қолур.

Расули акрам набийи муҳтарам афандимиз:"иймони комил бўлган кишилар яхши хулқли бўлурлар, сизнинг энг яхшиларингиз хотунларига яхшилик қилганларингиздур",-демишлар.

Худонинг раҳмату файзи ҳамма инсонга яксардур,
Ва лекин тарбият бирла етушмак шарти акбардур.
Турғуб тошлов ила бўлмас бола, бўлғай бало сизга,
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.

Темурчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,
Бузулса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлғуси солим. Ёмонларга қўшулди
Нухнинг ўғли ўлди беимон,
Юруди қаҳф ити хублар ила бўлди оти инсон.

АХЛОҚ - жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий ҳатти-ҳаракатлар йиғиндисидир.

Ахлоққа келсак, масала жиддий моҳият касб этади: дейлик, бир туман ёхуд вилоят прокурори ўзи масъул ҳудудда доимо қонун устуворлигини, адолат қарор топишини кўзлаб иш юритади, лозим бўлса, ҳокимнинг ноқонуний

фармойишларига қарши чиқиб, уларнинг бекор қилинишига эришади; оддий фуқаро наздида на факат ўз касбини эъзозловчи шахс, балки ҳақиқий ҳуқуқ посбони, адолатли тузум тимсоли тарзида гавдаланади; у - умрини миллат, Ватан ва инсон манфаатига бағишлаган юксак ахлоқ эгаси; у, ўзи яшаётган жамият учун намуна бўлароқ, ўша жамиятнинг янада тараққий топишига хизмат қилади. Агар мазкур прокурор, аксинча, қонун ҳимоячиси бўлатуриб, ўзи қонунни бузса, шахсий манфаати йўлида оқни қора, қорани оқ деб турса, у ахлоқсизлик қилган бўлади: оддий фуқаро наздида биргина киши прокурор-амалдор эмас, балки бутун жамият адолатсиз экан, деган тасаввур уйғонади. Бу тасаввурнинг мунтазам кучайиб бориши эса, охир-оқибат ўша жамият ёки тузумни таназзулга олиб келади.

Инсонларни яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур.

Ахлоқ илмини ўқуб, билиб амал қилган кишилар ўзининг ким эканини, жаноби ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ўз айбини билуб, иқрор қилуб, тузатмакка саъй ва қўшиш қилган киши чин баҳодир ва паҳлавон кишидур. Расули акрам набиййи муҳтарам афандииз: "Мезон тарозусига қўйиладурган амалларнинг ичида яхши хулқдан оғирроқи йўқдур. Мўъмин банда яхши хулқи сабабли кечаси ухламасдан, кундузлари рўза тутуб ибодат қилган кишилар даражасига етар", демишлар.

Сўйласанг сўйла яхши сўзлардан,

Йўқса жим турмоқинг эрур яхши.

Ўйласанг яхши фикрлар, ўйла,

Йўқса гунг бўлмоқинг эрур яхши.

Ишласанг ишла яхши ишларни,

Йўқса бекорлигинг эрур яхши.

НООСФЕРА - Маълумки, юзлаб асрлар мобайнида инсон кичик биологик олам сифатида катта биологик олам ичида, унинг бир парчаси, жонли организилар подшоси, оқил ва ҳукмрон қисми сифатида яшаб келди. XIX асрнинг охиридан бошлаб, айниқса XX асрда у ўз тафаккур қуввати билан, илмий-техникавий инқилоблар туфайли ана шу биосфера ичида ноосферани-техникавий муҳитни яратди. Мана, ҳозирги кунда, қаранг, эрталабдан кечгача биз ўз техникавий кашфиётларимиз ичида яшаймиз-еймиз, ичамиз, юрамиз, ухлаймиз уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Булар метро, автобус, телевизор, радио, телефон, эскалатор, плейер, лифт, компьютер, поезд, тайёра, теплоход, газ плиталари, элктр асбоблари, заводлар, локаторлар, кимёвий дори-дармонлар ва ҳ.к. Бугун видео телефонда гаплашар эканмиз, юзлаб чақирим наридаги суҳбатдошимизни кўриш ва у билан гаплашиш учун от-уловда ёки пиёда борадиган бўлсак, неча кунлаб йўл босишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб ўтирмаймиз, тўғрироғи, бу эсимизга ҳам келмайди. Чунки техника бизнинг яшаш муҳитимизга айланиб қолган.

Фақат бугина эмас. Инсон эндиликда ўзи яшаётган буту бошли сайёрага таъсир кўрсата бошлади. Ер тарихида инсон биринчи марта улкан геологик куч бўлиб майдонга чикди. Инсоний тафаккур биосферадаги ўзгаришларнинг асосий сабабига айланди. Бу ҳақда ноосфера таълимоти асосчиларидан бири буюк рус олими

В.И.Вернадский шундай деган эди: "Бутун геологик давр мобайнида яратилган, ўз мувозанатларида барқарорлдашаган биосфера инсон илмий тафаккури босими остида тобора кучлироқ ва теранроқ ўзгаришга киришди... Афтидан, инсон илмий тафаккури ҳаракатининг бу томони табиий ҳодисо бўлса керак... Ҳозир биз биосферадаги янги геологик эволюцион ўзгаришларни бошдан кечиряпмиз.

- Биз ноосферага кириб боряпмиз".Аммо ноосфера фақат ижобий эмас, балки салбий ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Атом,водород, нейтрон бомбаларининг кашф этилиши, ядро каллакли баллистик ракеталарнинг яратилиши ана шундай салбий ҳодисалардандир. Бундан ташқари, ноосферанинг вужудга келиши атмосферани, оламий океанни, ер ости ва ер усти сувларини, набототни, ҳайвонотни, ҳатто инсонни ич-ичидан кимёвий захарланишга олиб келди.

БИОЛОГИК АХЛОҚШУНОСЛИК - Мазкур ҳодиса сўнгги бир неча ўн йиллик ичида соф табобат муаммосидан тўлақонли ахлоқий муаммога айланди: эндиликда, бировнинг муайян аъзосини бошқа беморга жарроҳлик операцияси йўли билан ўтказиш орқали киши ҳаётини сақлаб қолиш ахлоқий нуқтаи назардан қандай баҳоланади деган саволкун тартибида долзарб бўлиб турибди. Биологик ахлоқшуносликнинг анчадан буён кўпчиликка маълум муаммоси, бу - аборт. Маълумки, тўртинчи ҳафтанинг охирида ҳомилада дастлабки юрак уриши пайдо бўлади.Саккизинчи ҳафтанинг охирида эса мия танасининг электрофизиологик фаоллигини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай аборт, халқ таъбири билан айтганда, жонлини жонсиз қилиш, тирик организмни тирикликка бўлган ҳуқуқдан маҳрум этишдир. Хўш, абортни ахлоқсизлик тарзида баҳолаш керакми ё йўқми? бу саволларга ҳам ахлоқшунослик жавоб топмоғи лозим. Бизнинг фанимиз олдида ана шундай глобал вазифалар турибди. Айнан шу вазифаларни бугунги кунда ахлоқшуносликнинг аҳамиятини белгилаб берувчи барометрлар, дейишимиз мумкин.

"АВЕСТО"даги ахлоқий талқинлар инсоннинг реал ҳаёти билан боғлиқ эканлиги диққатга сазовор. Ундаги эзгулик руҳи - яратувчилик, ижодкорлик қуввати, Ёвузлик эса бузиш ва бузғунчилик кучи тарзида намоён бўлади.

Ахура - Мазда қиёфасидаги бу эзгулик -ҳаёт рамзи, ерни инсон, ҳайвонот ва наботот билан бойитади, инсон уларни моғлиқ куч-қудрат, бахт, шодлик, умид,

ишонч, гўзаллик, фаровонлик ёрдамида мунаввар қилади.Ахриман қиёфасидаги ёвузлик эса қурғоқчилик, очарчилик,касаллик,моллар қирғинини, жисман ва руҳан ҳалокат сингари офатларни келтириб чиқаради.

"Авесто"да умри давомида эзгулик, яхшилик, поклик ва тозалик,тамойиллари билан иш кўрган одам ўлгандан сўнг унинг руҳи роҳат фароғатга бўлиши, гуноҳкор, фосиқ кишиники эса аксинча: азоб-уқубат ҳамда хунуклик комига маҳкум этилиши айтилади.Буни профессор Тилаб Маҳмудов ўзининг "Авесто" ҳақида" деган катта мақоласида атрофлича ёритади: солиҳ одам ўлгач, руҳининг жони уч кун унинг бошида завқ-шавқ, роҳат-фароғат оғушида туради, кейин хушбўй ўсимликлар юзига қалқиб чиқади. Уни ажиб бир шабада, муаттар насим қаршилайди. Шабада қўйнида ўн беш яшар, барча гўзалликлардан ҳам гўзал қиз намоён бўлади. Бу гўзал қиз эзгулик ва поклик, савоб ишларнинг тимсоли. У руҳга қарата:"Мулойим эдим, янада мулойимроқ қилдинг, чиройли эдим, янада гўзал қилдинг, баландда эдим, эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу аъмол билан мени янада баландда кўтардинг", дейди.

Мезоний тушунчалар орасидаги яна бир жуфтлик - эзгулик ва ёвузлик, эзгулик ахлоқшуносликдаги энг асосий категориялардан. У инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатади - Тангри иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоён бўлади."Эзгу ўй,эзгу сўз, эзгу аъмол" учлиги "Авесто"дан тортиб, барча муқаддас китобларда етакчи ўринни эгаллаши ҳам шундан.

Эзгулик ва ёвузлик ҳақида гап борганида, яхшилик ва ёмонлик нима, бу икки жуфтлик мазмунан бир эмасми, деган савол туғилади. Бу табиий. Чунки ҳозиргача бизга маълум ўзбек тилидаги барча ахлоқшуносликка доир адабиётларда эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчалар сирасига киритилмаган, у бор - йўғи яхшилик ва ёмонликнинг синоними тарзида тақдим этиб келинган.

ФАЗИЛАТ - бу исонларда мавжуд бўлган яхши хулқлар мажмуидир. Шунга кўра инсон мавжуд олам каби дао қонунлари асосида вужудга келган, у табиатнинг бир қисми, унинг вазифаси ФАЗИЛАТ (дэ) йўлидан бориш,

хар қандай сунъий аралашув, табиатнинг мувофиқлик тартибини ўзгартиришга интилиш - одамлар учун ҳалокатли, барча ёвузликларнинг, сон-саноксиз бахтсизликларнинг манбаи табиат жорий этган қонунлардан чекинишдадир. Шу сабабли Лао-цзи наздида фаолият даога қарши қаратилган ва халққа зарар келтиради, унинг асосий ахлоқий тамойили "увэй" - фаолиятсизлик; донишанд кишининг "дао"си, бу - курашсиз фаолият. Лекин бу курашсиз фаолият аслида табиатга қарши бўлмаган фаол ҳатти-ҳаракат, фақат даога хос, табиат қонунларига мос фаолият.

Даочиликнинг асосий рақиби ҳисобланмиш конфуцийчиликда фазилат тамоман бошқача талқин қилинади, яъни конфуцийчиликнинг ахлоқий идеали цзюн-цзи ҳимматли жўмард. Унинг юксак фазилатлари - фидойилик, софдиллик, садоқат, адолат. У муомла бобида мулойим юксак мартабалиларга ҳурмат билан мурожаат қилади, халққа нисбатан эса ҳимматли, адолатли муносабатда бўлади.

Фазилат эгаси бўлишнинг конфуцийчиликда икки хил йўли аниқ кўзга ташланади: халқ учун - урф-одатларга сўзсиз, ўйлаб ўтирмасдан бўйсуниш; ҳимматли жўмард учун эса ўзини ахлоқий жиҳатдан такомиллаштира бориш ва ахлоқий бурчини онгли равишда бажариш. Конфуцийчиликнинг ҳимматли жўмард тарбияси тизимидаги ҳикматлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўотган эмас.: "Устоз дебди: Ю, сен олти иллатнинг олти босқичини биласанми" Цзин-Лу: "Йўқ", деб жавоб берибди. Устоз дебди; "Унда бўлса, ўтир айтиб бераман. Инсонпарварликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу - бефаросатликка олиб келади, донишмандликни севиш-у, илм олишни севмаслик иллат шундаки, бунда инсон ў умрини майда ишларга сарфлайди, ҳақиқатгўйликни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу - ўзига зарар етказишга олиб келади, тўғрилиқни севиш-у, илм олишни севмаслик, иллат шундаки, бу - қўполликка олиб келади; мардликни севиш-у илм олишни истамаслик, бу - исёнкорликка либ келади, катъийликни севиш-у, илм олишни истамаслик, бу - бошбошдоқликка олиб келади".

ИЛЛАТ - инсондаги салбий хислатлар мажмуи. Масалан, илм истамаслик, жаҳолат, қабоҳат, риёсизлик ва ҳ.к. қуйида Ҳожи Садриддин Салим Бухорийнинг шеърий парчасидан намуна келтирдик:

Иллат излаганга иллатдур дунё,
Ғурбат излаганга, ғурбатдур дунё,
Ҳар ким не изласа топгай бегумон,
Ҳикмат излаганга ҳикматдур дунё.

Ушбу шеърий мисраларда шоирнинг даъвати шундакиб у инсонларни илм-маърифатга, яхшиликларга чорлайди.

РУҲ - кишининг ички ҳолати, қалб кечинмалари, ҳис-туйғулари, ички дунёси, маънавий қиёфаси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслак кайфияти каби маъноларни ифодалайди. Кўчма маънода кибр-ҳаво, димоғ, файз, куч, завқ тушунчаларини билдиради. Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисаларнинг кичишидаги белгили хусусиятни ҳам англатади. Масалан, маърифатга интилиш замон руҳи деймиз. Шунингдек, маслак, таълимот, ҳужжат ва шу кабиларнинг асосий моҳияти, улар негизидаги белгиловчи ғояга нисбатан руҳ сўзи ишлатилади. Масалан, қонуннинг руҳи адолат ўрнатишдир ва ҳоказо.

Бу муқаддас каломни поклик ҳолатларида, эҳтиёт бўлиб ва ўз ўрнида ишлатмоқ лозим. У тилимизда ўз маъносида кенг қўлланилади.

Диний таълимотга кўра Руҳ киши ҳаётида у билан бирга, киши вафот этгч, танадан чиқиб абадий яшайдиган илоҳий асос. Руҳ танадан тамоман мустақил ҳолда мавжуд. Руҳ танадан чиққач, тана ўлади. Руҳ табиатдан олдин мавжуд бўлган. Руҳ кишининг танасида бўлганда, унга ҳаёт бағишлайди, уни табиат ва жамиятнинг фаол аъзочи бўлишига имкон яратади, феъл-атвор беради. Руҳ ҳеч қачон ўлмайди, уни Худо ато қилади ва Худо қайтариб олади. Туш кўришни руҳнинг танадан ва вақтинча кўчиши билан изоҳловчилар ҳам бор.

Ислом динига ихлос билан эътиқод қилувчилар Арвоҳлар мавжудлигига тўла ишонадилар ва ўтган аجدодларининг Рухларини унутмай, Арвоҳ хотири қилиб турадилар. қабристонларни, қадамжоларни зиёрат қиладилар. Буюк ишларга қўл уришда ота-боболарининг руҳларидан мадад сўрайдилар.

ИХТИЁР ЭРКИНЛИГИ - Ибн Рушд бутун ислом олами учун доимо муҳим бўлиб келган ихтиёрий эркинлиги муаммосига ҳам катта аҳамият берган. У, инсонга мутлақ ихтиёрий эркинлиги берилганлигини ҳам, инсон ҳатти-ҳаракати мутлақ олдиндан белгилаб қўйилганини ҳам инкор қилади. Чунки, агар инсонлар тақдири мутлақ олдиндан белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда уларнинг жонсиз нарсалардан фарқи қолмасди, улар деҳқончилик, харбу зарб, тиббиёт сингари бахтни қўлга киритиб, ёвузликни узлуксиз йўқотиб боришни таъминлайдиган ҳунар ва санъат турлари билан шуғуллана олмас эдилар. Асл бахтга эса фақат ҳайвоний куч ҳатти-ҳаракатларини руҳнинг ақлий қисми назорат қилиб турганидагина, инсон ўзи интилиши лозим бўлган нарсаларга амалий ақл қай ватда ва қай тарзда интилишини лозим кўрса, қшандай интилгандагина эришиш мумкин.

ИЗТИРОБ - қаттиқ ҳаяжон; руҳан эзилиш, сиқилиш. Изтироб чекмоқ (тортмоқ). Инсон изтироб чекганда қаттиқ азобланади ва қайғуга ботади. Одатда шоир, олим, санъаткорлар ана шундай дамда буюк асарлар яратиб, юрагидаги қайғу ва аламини ифода эта олади. Ишқ йўлида азоб чекиб, қаттиқ изтиробда қолган шоҳ Машрабнинг куйидаги мисралари фикримизнинг яққол далилидир:

Агар ошиқлигим айтам, куюб жону-жаҳон ўртар,

Бу ишқ сирий баён этсам, замину-осмон ўртар...

АДОЛАТ - бошқаларнинг мол ва номусини риоя қилмакни айтилуру. Адолат яхши хулқларнинг феъли, зулмнинг муқобилидур. Адолат ва марҳаматли кишилар ўзига лойиқ кўрмаган бир ишни ўзгаларга раво кўрмас. Киши адолат ва инсоният вазифасини ёлғиз ўзи бузуқ ишлардан сақланмак ила адо қилолмас. Балки ўзи ила баробар жинсдошларини хато ва фаноликларни тузатмак ва яхши

йўлга саъй қилмак ила адо қила билур. Адолатга риоя қилган кишилар ҳеч бир кишига жабру зулмни хоҳламас ва жонли нарсаларга бекорга озор бермас. Ақл ва шариатга мувофиқ равишда ҳаракат қилур. Жабру зулм ила бошқаларнинг дилини озор қилган кишиларнинг ёқалари жазо қўлидан қутула олмас. Зеро, жаноби ҳақнинг адолати золимларнинг жазо ва сазосини бермакдадур. Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: "Аллоҳ ризосини истар эсангиз, болаларингиз ҳаққинда ҳам адолат қилингиз! Яна, мазлум кишининг дуосиндан кофир ҳам бўлса сақланингиз! Чунки мазлумнинг дуоси доимо мақбулдир" , - демишлар. Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси, давлат ва ҳукуматларнинг узун яшамоғи адолатга боғлидур. Адолатдан айрилган подшоҳларнинг давлатлари йўқ бўлиб, тарих саҳифаларида фақат исмлари қолганлиги ҳммага билгулидир.

Адл ўлса подшоҳнинг оёғ остида палос,
Бошингда бўлғусидур онинг тожи барқарор.
Ғолиб бўлурга чиқса, агар енгидан қўли,
Бўлғай насиб гарданиға ҳийладан тумор.

Кошифий адолат тушунчасига, айниқса, батафсил тўхталади ва ўзига хос шарҳлайди. Мутафакир адолатни инсоннинг энг яхши фазилати, адолатсизликни эса ёмон одамлардаги энг ёмон иллат тарзиджа тақдим қилади. Шунингдек, Кошифий адолатнинг ижтимоийлик хусусиятини ҳам назардан қочирмайди. "Адл натижаси, - деб ёзади у, - мулк боқи-ю, мамлакат васиғ ва ҳазона маъмур, кентлару шаҳарлар обод бўлмоқдадур. Ва зулм самарси мамлакат завол топмоғи эрур". Кошифийнинг фикрига кўра, жамият табақалари бир-бири билан мустаҳкам ижтимоий боғлиқликка эга; агар жамиятда адолат ҳукм сурмаса, заифлар йўқолади, заифларсиз эса зўравонларнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Яъни, адолатсиз тузумда жамият таназзулга учрайди. Адолат - инсоний жамиятни бахт-саодатга олиб борувчи йўл.

ДОНИШМАНДЛИК - Афлотун донишмандликни олий фазилат, руҳдаги ақлий қисмнинг намоён бўлиши деб билади ва давлатни бошқаришга лойиқ ягона тоифа сифатида донишманд - файласуфларни тан олади. Ёвқурлик - кўриқчиларга, давлатни ҳимоя қилувчи аскарларга хос. Руҳнинг хирсли қисми билан боғлиқ бўлган мўътадиллик ҳунарманд-косиблар, деҳқонларга яъни халққа хос. Улар аввалги табақага бўйсунити шарт. Улардан сўнг қуллар туради. қуллар ахлоқдан ташқарида, ҳар қандай фазилатдан йироқ, зотан уларнинг руҳга эгалиги гумон. Бундан ташқари, Афлотуннинг фикрига кўра, адолат-шахсий фазилат эмас, давлатга хос фазилат. Шу сабабдан у: "Биз табиатга кўра учга бўлинган табақаларнинг ҳар бири фақат ўз юмуши билан шуғулланган давлатнигина тан оламиз", дейди. Шунингдек, тижорат фуқароларни йўлдан оздирадиган соҳа бўлгани учун, у билан адолатли давлатда хорижликлар шуғулланиши керак.

Афлотун ахлоқшуносликнинг муҳим хусусияти шундаки, унда ахлоқнинг асоси, ахлоқий намуна сифатида илоҳийлик олинади. Файласуфнинг фикрича, кимда-ким Худонинг марҳаматига эришмоқчи экан, унга иқтидо қилмоғи, ундан намуна олмоғи керак; Худо барча нарсалар учун мезон; фақат Худога ишонувчи ва тақлид қилувчи кишигина донишманд бўлиши мумкин. Хуллас, Афлотуннинг ахлоқшунослиги қатъий диний табиатга эга. Айни пайтда у кўп жиҳатдан ведачилик ахлоқшунослигидаги ғояларни ўз ичига олади ва уларни ривожлантиради.

ДЎСТЛИК - ўзаро меҳр, маънавий яқинлик, уммий манфаатлар бирлиги оқибатида вужудга келадиган кишиларнинг чинакам иттифоқи. Чинакам дўстлик айрим ўринда қариндошлик алоқаларидан ҳам мустаҳкамро бўлади. Дўстликнинг куч-қудрати энг оғир пайтларда, машаққатли онларда яққол кўзга ташланади. Дўстлик бир-бирининг фазилати, ақли ва иқтидорига тан беришда ҳам кўринади. У беғараз ва беминнат бўлиши керак. Ўз дўсти учун инсон ҳамма нарсага қодир бўлмоғи, унинг учун ҳар қандай фидойиликка тайёр турмоғи

лозим. Халқимиз дўстинг учун заҳар ют, дейди. Дўст сенга меҳр қўйган ва сенга яхшилик қиладиган одам, бу билан сени барчани севишга, ҳаммага яхшилик қилишга ўргатади; Дўст сени ҳимоя қилишга тайёр, бу билан у дунёдаги барча ёмонликлардан нафратланишни ўргатади; дўст сендан ўзида йўқ нарсани қидиради, сен эса ундан ўзингда йўқ нарсани излайсан, дўст - сенинг янада яхши бўлишингни истайди; сен қанчалик ақлли, кучли, сахий қалб меҳри оташ бўлсанг, бу хислатлар фақат унинг учун эмас, балки барча одамлар учун қилинаётганлигини мамнуният билан маъқуллайди, ғалабангдан қувонади, мағлубиятингдан хафа бўлади. У сени ҳаммадан яхши тушунади, сенга ишонади, бундай дўстликдан доимо нур ёхилиб туради, ундан яхшилик уруғлари униб чиқади. Мирзо Абдулқодир Бедил айтганидек:

Дўст бирла ҳаёт - роҳат, танҳо яшамок оташ,

Гулханга тушар шоҳа айрилса дарахтидан.

Дўстликни ўргатувчи фан йўқ. Аммо одамгарчилик қоидалари бор, бу қоидалар бир-бирига яқин кишиларнинг юксак маданиятини, айнаи вақтда ўзаро масъулиятини ҳам талаб этади. Ўзаро масъулият эса фидойиликни, талабчанликни, принципиалликни тақозо этади. Носир Хисрав ёзганидек:

Чинакам дўст айтган ҳар ўғит, масал -

Сирти - заҳар эрур, томири - асал.

2-Машғулот. Ўрта асрлар мусулмон шарқи мутафаккирларининг ахлоқий таълимотлари. 2соат.

Режа:

- 1.Ўрта асрлар мусулмон Шарқи ахлоқшунослигида машшоййунлик ва тасаввуф йўналишларининг ўрни (Фаробий, Ар-розий, Ибн Сино, Ибн Рушид, Ғаззолий).
- 2.Темур ва Темурийлар даври ахлоқшунослиги (Навоий, Кошифий,).
- 3.Машхур пандномаларнинг ахлоқий моҳияти ("Калилла ва Димна"), "Қутадғу билик", " Гулистон" .

Ўрта асрлар мутафаккирларининг ахлоқий таълимотлари.

- Диний - ҳадисий йўналиш ахлоқшунослиги (Ал бухорий, Ат-Термизий
- Турон ва Эрон халқлари ахлоқий қарашлари – “Авесто”
- Қадимги Ҳиндистондаги ахлоқий қарашлар – Буддхачилик, Ведалар.
- Қадимги Хитойдаги ахлоқий қарашлар – даочилик, конфуцийчилик.
- Қадимги дунёнинг мумтоз ахлоқшунослиги – Суқрот, Афлотун, Арасту, Эпикур ахлоқий таълимотлари.
- Қадимги Румо ахлоқшунослиги – Тит Лукреций Кар, Сенэка, Эпиктет.

АРИСТОТЕЛНИНГ ИЖТИМОИЙ ҚАРАШЛАРИ.

“Давлат”, “Сиёсат”, асарида баён этган.

Фазилатлар ичида инсон учун зарур бўлган нарсa – **бойлик**.

Бойлик кўзлаган мақсадимизга етишиш учун курул.

Бойлик маълум мақсадда хизмат қилса у ахлоқий жиҳатдан қимматлидир.

Бойликка эга кишилар 3 гуруҳга бўлинади.

2 гуруҳи фазилатсиз

Исрофгарчиликкай
ўл кўйиб,
тежамкорлик
ҳақида ғам
емайдиган.

Хасис бўлиб,
меъёридан ортиқ
иқтисод қиладилар.

Энг яхши киши ўртача сарф ва иқтисод йўлини тутади. Сахийлик олийжаноб кишилар фазилати. Сахий фойдали нарсадан энг яхши усул билан фойдаланади.

АРИСТОТЕЛНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ.

У биринчи бўлиб, у этикани мустақил фан сифатида киритган.

Этика – “инсонлар ўртасидаги муносабат доираси ва оқил ижтимоий ҳайвон – индивиднинг ахлоқини ўрганувчи фан”.
“Никомах этикаси” асари.


Фазилатлар.

Жасурлик, довюраклик.
Мўътадиллик (лаззатланишда).
Сахийлик.
Савлатли бўлиш.
Ҳимматли бўлиш.
Мулойимлик.
Тўғрилиқ (ҳақгўйлик).
Дилкашлиқ.
Меҳрибонлик.
Адолатли бўлиш (иқтисод бўйича).
Қонунга биноан адолатли бўлиш (умумий фазилат).

Иллатлар.

Қўрқоқлик,
Ўзини тия билмаслик,
Эҳтироссизлик,
Исрофгарчилик, хасислик,
Такаббурлик, пасткашлиқ,
Мақтанчоқлик, ҳимматсизлик,
Қўполлик,
Камситиш,
Масхарабозлик,
Қўполлик,
Бемаънилик, тошбағирлик,
Адолатсизлик (тўғри тақсимламаслик),
Адолатсизлик (ўзига етарлича қарамаслик, мол-дунёга берилиш).

Маънавий баркамол инсон ақл билан фазилат бирлигига амал қиладиган кишидир.



Эпикур (мил.ав. 341-270 й.).

- Демокрит фалсафасини янги поғонага кўтарган.

- Олам модий, материя абадий ва чексиз. У атомлар ва бўшлиқдан ташкил топган. Атомлар бўлинмасдир. “Геродотга ёзган хати” да буни ёзган. Атомлар шакл, ҳажм ва оғирликка эга.

- Атомларнинг ички ҳаракати мавжудлигини кашф этган.

- Ҳиссий ва ақлий билиш.

- Танадан ташқарида жоннинг мавжудлигини рад этган.

- Ҳаётнинг мақсади **роҳат-фароғат хурсандчилик**. Бу инсон бахтининг аввали ва охридир.

- **Роҳат – фароғат** – жисмонан азоб-уқубат ва руҳий хавфдан қутулиш.

- Яхшиликнинг боши инсоннинг ақли бўлишидир.

- Кекса ва ёшлар фалсафани ўрганишлари лозим.

- Ахлоқий қарашларида адолат, дўстлик ва одиллик категориялари асосий.

- “Ижтимоий битим” назарияси мавжуд. Давлат кишиларининг ўзаро келишуви асосини тузиши зарур.

Ўрта асрлар мутафаккирларининг ахлоқий таълимотлари.



- Диний – ҳадисий йўналиш ахлоқшунослиги (Ал Бухорий, Ат – Термизий).
- Машшойийун файласуфларининг ахлоқий таълимотлари (Форобий, Ар – Розий, Ибн Сино, Ибн Рушд).
- Тасаввуф илми ахлоқшунослиги (Ғаззолий, Румий).
- Темур ва Темурийлар даври ахлоқшунослиги.
- Нақшбандия ва Жумардлик тариқати ахлоқшунослиги (Навоий, Жомий, Кошифий).
- Ўрта асрлар Оврупа ахлоқшунослиги (Августин Блаженный, Фома Аквенский).
- Оврупа уйғониш даври ахлоқий таълимотлари. (Валла, Макиавелли, Монтень).

МАШШОЙЙУНЛИК - фалсафий -ахлоқий оқимлар борасида гап кетганда, мусулмон Шарқида икки йўналиш алоҳида ўрин тутди. Булар - машшоййунлик ва тасаввуф ахлоқшунослиги. Ўрта асрлар мусулмон Шарқида машшоййунлик ёки бошқача қилиб айтганда Арастучилик оқимини буюк Араб мутафаккири Ал Киндий бошлаб берди. Унинг асосчиси эса Туркистонлик қомусий аллома Абу Наср Ал-Фаробий (870-950) ҳисобланади. Арасту изидан бориб Фаробий ҳам фалсафани иккига - назарий ва амалийга бўлади: ҳамда ахлоқшуносликни амали фалсафа таркибига киритади. Ахлоқий муаммолар унинг "Бахтга эришувчи йўлини кўрсатувчи китоб", "Бахтга эришув ҳақида", "Давлат арбобининг ҳикматлари", "Фозил одамлар шаҳри" сингари асарларда кўрсатилган. Уларда инсон бахти энг асосий муаммо сифатида ўртага ташланади. "Бахт - ҳар бир инсон интиладиган мақсад, зеро у муайян қомиллик ҳисобланади", - дейди Фаробий. Айни пайтда аллома ўз қарашларида фазилатга ҳам жуда катта ўин беради. Чунки, унинг фикрига кўра, қимда-қим фазилат қималигини қилсагина, ҳақиқий бахтга эриша олади. Арастуға ўхшаб, у ҳам фазилатларни икки қисмга фазоили нутқия (ақл-идроққа асосланган фазилатлар ва фазоили ҳулқия (ҳулқий фазилатлар) га ажратади ҳамда уларнинг ўрталик хусусиятларини таъқидлаб ўтади.

Фаробий ҳаёт ва қомот муаммосига ҳам батафсил тўхталади. Унинг фикрига кўра фазилатли қиши ўлим туфайли бахтни орттирувчи ҳатти-ҳаракатларни кўпроқ амалга ошириш имқониятларидан маҳрум бўлади. Шунинг учун унинг ўлимдан кўрқиши бошқаларникидан бутунлай ўзгача; у ўлим туфайли улқан бир ёвузлик қурбони бўлаётганидан эмас, балки яхшилиқни қамроқ қилишга маҳқум эканидан чўқийди. Фазилатли одам ўлган ёки ўлдирилганда, у эришган бахтга ҳавас қилиш лозим, унга эмас балки ундан ажраб қолган ҳамшаҳарларининг ҳолига йиғлаш қерак бўлади.

Буюк ватандошимизнинг фикр қилишича, инсонга уни гўзал аъмоллар қилиш учун йўналтирадиган одат маҳсули бўлмиш етук хулқ лозим. Хулқнинг яхшилиги ҳатти-ҳаракатларда меъёр қай даражада сақлангани билан боғланади. Одобни эса мутафаккир бадавлатнинг давлатини безайдиган ва камабағалнинг камбағаллигини ўғирлайдиган ахлоқий ҳодиса сифатида таърифлайди.

Форобий, баъзилар ўта лаззатга берилиш, ейиш-ичиш ва аёлга ружу қўйиш туфайли жуда бўшашиб кетади, иродаси заифлашади, унда рисоладаги нафрат ҳамда ғазаб ҳисси йўқолади, дейди. Бутун кучини ўз нафсига сарфлайдиган кишида улуғворлик тубанликка хизмат қила бошлайди, яъни фикрлаш қобилияти ғазаб ва эҳтирос кучлари хизматида бўлади, бу кучнинг ҳаракати эса ейиш-ичиш ҳамда шахвоний нафсни қондиришга бағишланади. Файласуф бундай кишиларни араб ва турк зодагонлари орасида кўпроқ учрашини айтади. Бундай кишилар шахвоний истаклари қутқуси билан, аёллар олдида мақтанишни хуш кўрадилар, уларни тақинчоқ, безакларга кўмиб ташлайдилар, фойдали меҳнатдан четда тутадилар, улар нима деса шуни қиладилар. Натижада аёл уйнинг ҳақиқий ҳокими бўлиб олади, турли тантикликларни одатга айлантиради. Демак, Форобий оила бахтини эҳтиросларни йўлга сола олишда деб билади, аёл кишини безакларга кўмиб ташланган кўғирчоқ бўлишига қарши туради.

Ўрта асрлар ахлоқшунослигида райлик мутафаккир Абу Бакр ар-Розий (865-925) таълимоти ўзига хос ўрин эгаллайди. Унинг ахлоқий қарашлари "Лаззат", "Фалсафий ҳаёт тарзи", "Руҳий табобат", "Бахт ва фаровонлик белгилари" сингари китобларида акс этган.

Ар-Розий ахлоқшуносликни инсонда хушхулқликни тарбиялаш ва бадхулқликни йўқотиш йўллари ҳамда усуллари ҳақидаги фан деб билади; у кишини ақл билан иш кўришга, меъёрида лаззатланишга, ўз эҳтиросларини жиловлаб, лаҳзалик лаззатга умрини бахш этмасликка ўргатади. Хуллас, Ар-Розийнинг ахлоқий қарашлари, илмий тил билан айтганда, гедонизм ва

эмдемонизмга асосланади. У рухий табобатнинг энг муҳим вазифаси инсоний бахт билан чамбарчас боғлиқ бўлган лаззатнинг моҳиятини билиш ва тушунтиришдан иборат деб ҳисоблайди. "Лаззат,-дейди мутафаккир,-изтиробдан кутилишдир". Лаззатнинг бир шартини фаровонликда, иккинчи шартини эса у ҳамма нарсага ақл билан ёндошувда кўради.

Райлик мутафаккирнинг лаззат ҳақидаги таълиотига чуқурроқ назар ташласа, унинг Эпикур қарашларига асосланганини илғаб олиш мумкин. Айни пайтда Ар-Розий Эпикурнинг тақлидчиси эмас, давомчиси сифатида намоён бўлади, ундан анча илгарилаб кетади. Чунончи, Эпикур ўзини хавотир ва хатардан, жамоат ва давлат ишларидан олиб қочишни, ташқи шарт-шароитдан мустақил бўлишини, табиат билан ҳамнафасликда яшашни изтиробдан кутилишнинг энг яхши усули деб ҳисоблайди. Ар-Розий эса инсонни ижтимоий фаолликка чақиради, уни жамиятга фойда келтириб яшашга даъват этади. Зеро, унинг наздида инсон ижтимоий мавжудот. Инсон фақат инсоний жамиятдагина ахлоқий юксакликка, бахт ва фаровонликка эришади. Жамиятдан ташқарида, яккаликда, танҳоликда инсоннинг яшаши мумкин эмас. Борди-ю, яшаган тақдирда ҳам "ёввойи, ҳайвоний, тўппос бўлади, Зуро, убизнинг мавжудлигимизни қулайлаштирадиган, орасталаштирадиган инсоний ҳамкорлик ва қўллаб қувватланиш имконидан маҳрум ", дейди мутафаккир.

Машшоиййунлик ахлоқшунослигининг яна бир буюк вакили Форобийнинг шогирди Ибн Синодир. Ибн Синонинг ахлоқий йарашлари асосан "Ахлоқ илмига доир рисола", "Бурч тўғрисида рисола", "Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола", "Адолат ҳақида китоб", "Турар жойлардаги тадбирлар" сингари асарларида ва замондошлари билан олиб борган мунозара - ёзишмаларида ўз аксини топган.

Ибн Сино ўз асарларида бир қанча ахлоқий фазилатларга таъриф беради. Чунончи, иффат, Ҳикмат, шижоат, адолат, сахийлик, қаноат, қатъият, садоқат, ҳаё, камтарлик ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунингдек, аллома

уларнинг акси бўлган - ўғрилиқ , алдамчилик, фиску-фасод, нафрат, рашк, адоват, бўҳтон, иродасизлик, такабурлик, нодонлик каби иллатларни ҳам тафсифлайди; ҳар икки турдаги мазкур тушунчаларнинг бир-бири билан ўтиб туришини ва бундай боғланиш ижобий ҳол эканини таъкидлайди. Демак, ахлоқшунослик илмида фақат фазилатлар эмас, балки иллатлар ҳам ўрганилиши зарур. Айрим пайтда, Ибн Сино устозлари анъаналарини давом эттириб ҳар бир ахлоқий фазилат икки нуқсон оралиғида бўлади, яъни ўрталиқ хусусиятига эга бўлади.

Машшоййунлик оқимининг яна бир машҳур ва сўнги вакили, Оврупода "Авврроизм" деган йўналишнинг асосчиси курдобалиқ (испаниялик) мутафаккир Ибн Рушд (лотинча Аввероэс) ҳам ахлоқшунослик илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломалардан. Унинг фикрига кўра, эзгулик ва ёвузлик улар табиий ёки ижтимоий хусусиятга эга бўлишидан қатъий назар, ўз ҳолича мавжуддир. Табиий эзгуликнинг манбаи Оллоҳ, лекин эзгулик ёвузлик билан ёнма-ён келади.чунончи олов фойда келтириши баробарида, ҳайвонлар ва ўт-ўланларни ҳалок этиш хусусиятига эга.Рарчанд олвни Худо яратган бўлса ҳам унинг бу хусусиятини ўзгартира олмайди, худди шунингдек рангни яратган Худо унга эшитишимиз мумкин бўладиган хусусият ато эта олмайди.

ТАСАВВУФ СЎЗИ - "Сўфий" сўзидан,"Сўфий" сўзи эса арабча "Сўф" сўзидан ясалган. Сўф деб араблар жундан бўлган матони айтадилар. Дастлабки даврларда сўфийлик йўлини тутган кишилар, бошқа кишиларндан ажралиб туриш учун жундан тикилган чакмон (у ҳирқа деб ҳам айтилган) ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар. Шунинг учун уларни жун чакмон кийиб юрувчилар, яъни сўфийлар деб атаганлар. Сўфий бошқа одамлардан ўзини пок ва ғарибона турмуш кечириши, димий тоат-ибодатда бўлиши ва фақат илоҳий руҳга қўшилишни мақсад қилиб қўйиши билан тубдан фарқ қилади. Сўфий учун на дунёдан, на охиратдан таъма бўлмаслиги керак.Ягона истак бу Оллоҳнинг дийдорига етишишдан иборат. Фақирлик туйғусига эга инсон на бировга банда-

ю, на бировга хожа, у ёлғиз Оллоҳга банда, у ёлғиз Оллоҳга эҳтиёж сезади. Ҳамма нарсадан воз кечиш, охир-оқибатда ўзликдан кечиш - сўфийлик таълимотининг маъниси мана шу. Буюк сўфий Боязид Бистомий айтадиларки: ўзингдан ўтдинг, Оллоҳга етдинг. Ҳазрат хожа Баҳоуддин айтадиларки: Бизнинг ҳеч нарсамиз йўқ, лекин ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Ўша "ҳеч"... нарса кетидан югуриб ғам-ташвишда ҳам эмасмиз. Эгнимизла жанда, орқамизда гўристон, агар ўлсак ҳеч бир мотам керак эмас.

Тасаввуф - сўфийлик инсонни ўрганар экан, аввало, кишининг кўнглига, дилига таянади, кўнгилни, қалбни тарбиялашга, кўнгил кишисини вояга етказишга интилади, чунки Оллоҳ фақат кишининг покиза қалбидагина жилва қилади.

Тасаввуфда инсондаги жамики худбинликлар, иллатлар, разолат дунёсига хирс қўйиш жисм эҳтиёжи ва нафс таъмасидан келиб чиқади, деб ўргатилади. Комил инсон бўлиш учун аввало, жисм ва нафс эҳтиёжи ва таъмасини енгиш керак. Дунёга, бойликка меҳр қўйиш кишини нафсига қул қилиб қўяди. Дарвеш, сўфий нафсни рад этади. Нафс барча фалокатлар сабабчиси, инсонни тубанлаштирувчи нарса. Инсонни фалокат ботқоғидан, тубанлик жаридан қутқариб, уни поклашнинг бирдан-бир йўли нафсининг эҳтиёжини енгишдир. Бунинг учун дунё муҳаббатидан воз кечиш ва Оллоҳ муҳаббатига кўнгил боғлаш даркор. Сўфийликда буни дунё моҳиятини ва ўзлигини, инсонийликни англаш йўли деб қаралган. Ўзлигини англаган киши эса дунё ва унинг бойликлари ўткинчи эканлигини англайди. Хожа Баҳоуддин айтадилар: "ўз нафсининг ёмонлигини таниш ўзлигини танишдир".

Тасаввуф таълимоти тараққиётида Туркистон фарзандларининг хизмати беқиёс бўлган. Хожа ҳаким ат-Термизий, Шайх Абу Мансур ал Матуридий ас-Самарқандий, Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Али Ромитаний, Абу Али ал-

Фармадий, Юсуф Ҳамадоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймолар илоҳий маърифат йўлининг раҳнаمولари бўдилар.

ИХТИЁР ЭРКИНЛИГИ - Ибн Рушд ислом олами учун доимо муҳим бўлиб келган муаммосига ҳам катта аҳамият берган инсонга мутлақ ихтиёр эркинлиги берилганини ҳам, инсон ҳатти-ҳаракати мутлақ олдиндан белгилаб қўйилганини ҳам инкор қилади. Чунки, агар инсонлар тақдири мутлақ олдиндан белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда уларнинг жонсиз нарсалардан фарқи қолмасди. Улар деҳқончилик, ҳарбу зарб, тиббиёт сингари бахтни қўлга киритиб ўвузликни узлуксиз йўқотиб боришни таъминлайдиган ҳунар ва санъат турлари билан шуғуллана олмас эдилар. Асл бахтга эса фақат ҳайвоний куч ҳатти-ҳаракатларини руҳнинг ақлий қисми назорат қилиб тургандагина, инсон ўз интилиши лозим бўлган нарсаларга амлий ақл қай вақтда ва қай тарзда интилишини лозим кўрса, ўшандай интилгандагина эришиш мумкин.

МУҲАББАТ - тасаввуф ахлоқшунослигида "муҳаббат" тушунчасига алоҳида ўрин берилган. Хусусан бу борада дастлабки сўфийларадан бўлмиш Робия ал-Адавиянинг (713-801) Худога муносабати диққатга сазовордир. Бу муносабатини у "муҳаббат" деб атаydi ва Яратганга шундай илтижо қилади; "Ё, Оллоҳ, юлдузлар чарақлаб турибди, одамларнинг эса кўзлари юмилган... ҳар бир ошиқ ўз маҳбубаси билан висол лаззатини тотмоқда, мен эса ёлғиз Сен биланман. Ё, Эгам, агар Сенга мен дўзахингдан кўрққаним учун ибодат қилаётган бўлсам, мени дўзахингда ёндир, агар жаннатинг илинжида ибодат қилаётган бўлсам, мени унга йўлатма. Агар фақат ўзингни деб ибодат қилаётган бўлсам, мендан мангу гўзал жамолингни яширин тутма!" Кўриниб тцурибдики, Робия ал-Адавия Худога нимадандир кўрқиб, ёки ниманингдир илинжида муножот қилаётгани йўқ, балки маҳбуб сифатида, яъни муҳаббат изҳори билан мурожаат этмоқда. Демак, шариат Исломнинг ташқи - ҳуқуқий кўриниши бўлса, тариқат унинг ички-ахлоқий, юксак бочқичдаги кўриниши ҳисобланади. Зеро, Тангри инсонни фаришталардан улуғ қўйиб, ердаги халифам деб атади, яъни

айрича бир муҳаббат билан яратди. Демак, инсон ҳам унга муҳаббат қўймоғи лозим. Инсонга юбориладиган азоб-уқубатлар ана шу муҳаббат даражасининг Худо томонидан синаб қўрилишидир. Тасаввуфнинг моҳияти икки томонлама муҳаббатни талқин этмоқ. Шунинг учун тасаввуф ахлоқшунослигида муҳаббат ҳис-туйғулик мақомидан тушунча даражасига кўтарилади. қисқс қилиб айтганда, тасаввуф исломий ахлоқ фалсаафаси сифатида иш кўради.

Имом Ғаззолий муҳаббатни билишнинг маҳсули деб атайди. Зеро, инсон ниманики билса, ўшанигина севиши мумкин. Масалан, тошда муҳаббат бўлмайди, у билишдан йироқ. Муҳаббат фақат билишнинг жонли субъектигагина хос сифатдир. Мутафаккирнинг фикрига кўра, муҳаббатнинг беш тури мавжуд. 1) инсоннинг ўзига, ўз камолоти ва соғ-омонлигига муҳаббати, 2) инсоннинг ўз ҳаётини давом эттиришни таъминловчи, уни асровчи, ундан турли муухлиқотларни (ҳалок этувчиларни) нари турувчи валинеъматларига муҳаббати; 3) инсоннинг, гарчанд шахсан ўзига яхшилик қилган зотларга яхшилик қилмаган бўлса ҳам, бошқа инсонларга хизмат кўрсатган, яхшилик қилган зотларга муҳаббати; 4) инсоннинг ташқи ёки ички қиёфадаги барча гўзалликка муҳаббати; 5) инсоннинг ўзи билан ботиний (ички), яширин ўхшашлиги бор бўлган зотларга муҳаббати. Мазкур муҳаббат турлари ҳаммасининг замирида Оллоҳга муухаббат ётади, яъни инсоннинг ўзига, ўзгаларга, атроф-муҳитга муносабати муҳаббат орқали амалга ошади ва бу муҳаббат турларининг ҳаммаси Оллоҳга муҳаббатнинг билвосита кўринишидир. Зеро: "Ўзини англаб етган кишигина ўз яратганини англаб етади, ўз-ўзича мавжуд эмас, унинг борлиги, мавжудлигининг давоми, камолотга эришуви Оллоҳдан, Оллоҳ ва Оллоҳ воситасидадир", дейди Имом Ғаззолий.

НИЯТ - ушбу тушунчага имом Ғаззолий куйидагича таъриф берган. У ниятни юракнинг икки нарса - билим ва ҳаракат қамровидаги сифати деб таърифлайди. Билим ниятдан олдин туради, униятнинг илдизи ва шарти ҳисобланади. Ҳаракат эса ниятдан кейин туради. Уни ниятнинг меваси ва бутоғи

дейиш мумкин. Ҳар бир эркин танланган ҳаракат уч нарса - билим, ихтиёр этиш ва қобилият ёрдамида рўёбга чиқади. Зеро, инсон билмай туриб - хоҳламайди. хоҳламас экан, ҳаракат қилмайди; шунинг учун ихтиёр этмоқ лозим. Ихтиёр этиш ҳодисаси юз бергандагина навбат қобилиятга келади ва қобилият инсон аъзоларини ҳаракатга туширишга киришади. Демак, ният ўрталиқдаги сифатдир. Ният тасаввуф ахлоқшунослигида баъзан ҳаракатдан ҳам катта аҳамият касб этади. Агар яхши ният қилинса-ю, лекин банда ихтиёрига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли у рўёбга чиқмай қолган бўлса, бундай ният амалга ошган деб ҳисобланади. Шундай қилиб ҳар бир ҳаракат ўзини уйғотадиган ниятга бўйсунди, зеро, у ўз заруриятини ўша ниятдан олади.

ҚАДР-ҚИММАТ - Навоий ўз асарларида инсон қадр-қимматини биринчи ўринга қўяди, номус, орият ва инсоний ғурур тушунчаларининг ўзига хос талқинини беради."Таваккул сифати ва бетаваккуллар мазаммати" шеърида мутафаккир шоир Яратганга таваккул қилиш ўрнига ўзини тамаъ юзасидан шоҳлар олдида қулдек тутган ялтоқи киши, агар афсонавий қорун бойлигини мўлжалласа-да, унинг насибаси бор-йўғи бир товоқ ош бўлади дейди. Зеро, ундай одам нафси хуружида катта даъво-мақсадларни дарҳол унутиб, олдига ташлаб қўйилган суяк билан овора бўлиб қолаверади: кичик бир товоқдаги ош учун қуллик қиладиган бундай инсон юнга улкан қозоннинг қоракуяси муносибдир:

Таваккулдни улким қўюб хотирға,
Тушар шоҳ оллинда қуллук ҳавоси.
Насиби онинг бир аёқ ош эрур,бас,
Агар ганжи қорун эрур муддаоси.
Биравким, бир аёқ ош учун қул, -
Юзига керакдур қозоннинг қароси.

ЛАЗЗАТ - Инсон фаолиятида икки хил муносабатни фарқламок лозим: лаззат ва фойдали интилиш. Лаззат фақат биргина худодан; қолган ҳамма нарсалар фойдаланиш объекти ҳисобланади. Ердаги неъматлар фақат ердан ташқаридаги неъматларни тарғиб қилиш учун воситадир. Худодан қувонч туйгун-у лекин ундан фойдаланма, ердаги неъматлардан фойдалан-у, лекин улардан қувонч туйма. Августин ахлоқий таълимоти ана шу талабдан келиб чиқади.

Лаззат нарсаларнинг маза-таъм билиш аъзолари орқали сезиладиган хусусияти; маза, таъм. Овқатнинг лаззати. Анжирнинг лаззати. [кўчма маънода] Хузур-ҳаловат ҳисси; маза, наъша, завқ. Меҳнат лаззати. Дунё лаззатлари. Уйқу лаззати. Осон ишда лаззат бўлмайди.

Соҳилларни айланиб,

Ўтираминг оқшомлар.

Кеч лаззатига қониб,

Роҳатланади танлар.

Туроб Тўла.

Валла лаззатни ҳамма ерда ҳамма интиладиган, руҳ ва вужуд завқланишини ўз ичига олган неъмат деб атайди. У - ҳамма интилишларнинг мақсади, ягона неъмат; ҳеч ким қандайдир мақсадлар учун лаззатланмайди, зеро лаззатнинг ўзи - мақсад. Августиндан фарқли ўлароқ, Валла, муҳаббат лаззатга ўхшаш, чунки улар иккисининг асосида ҳам ҳиссий идрок этиш ётади дейди. Шунинг учун у, Худони фақат Худо бўлгани учунгина севиш керак, деган фикрга қарши боради. Файласуф Худони инсонларга илоҳийлик дерадиган ибтидо сифатида, кўпроқ мақсад эмас, восита тарзида талқин этади, яъни, Худо неъматлар манбаи бўлганлиги учун муҳаббатга лойиқдир.

МАҚСАД - эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мурод, муддао.

АҚЛ - инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидур. Рух ишловчи, ақлақл бошловчидир. Инсон ақли ила дин ва эътиқодини маҳкам қилур, шариат ҳукмларига буйсунар. Ақлсиз жинни кишилар буларга бўюн қўймас, шариатдан ташқари ишларни ҳам қилур. Жаноби ҳақ инсонни ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Ҳайвонлар ўзларига бўлақлар тарафидан келадурган зулм ва жабрларни, шох, тиш, тумшук, тирноқлари ила қайтарурлар. Лекин инсон жаноби ҳақ тарафидан берилмиш ақл ва идроки соясида ўзига келадурган зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилуб, бўйнидан бойлаб, ипларини учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур.

Илм инсонларнинг мадори ҳаёти, раҳбари нажотидур.

Илм ўрганмак, олим бўлмак учун мактабга кирмоқ, муаллимдан таълим олмоқ лозим, ақлсиз кишилар на мактабга кирар ва на муаллимни билар.

Расули акрам набиййи муҳтарамм салоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: "Эй инсонлар! Ақлингизга тавозеъ қилингиз. Сиз жаноби ҳақ буюрган ва қайтарган нарсаларни ақлингиз ила билурсиз",- демишлар.

Ҳукамолардан бири: "Агар ақлингни қўли нафсингни жоловини ушласа, сани ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур",- демиш.

Ақлдек зебо сифатни кўрди ҳақ, инсонга эб,

Оқил инсонлар билан берди жаҳон-оламга зеб.

Ақл нури бирла тўлди дунёга илму-ҳунар,

Ақлсиз инсон қачон билғусидур нафъу зарар.

Ақлсизлар билмагайлар дин надур, дунё надур?

Бўлмаса ақли билурми фарз ила суннат надур?

Ақлдан бой бўлмоққа саъй кўргузғилки, мол била бой бўлғондан, ақл била бой бўлғон яхшироқдур, нединким ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била

ақл ўрганиб бўлмас.Билғил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувга оқмас.

Бас, агар ақлинг бўлса ҳунар ўрганғил, нединким ҳунарсиз ақл бошсиз тан, суратсиз бадандекдир.Ундоқким дебдурлар: ал-адаб - суратил ақл.

ПАНДНОМА - Халқ ичида кенг тарқалган бадий-дидактик асарлар ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди.Улар учун умумий бўлган хусусият, бу - ахлоқий меъёрларни , тамойилларни, ахлоқий маданият омилларини кўпчиликка тушунарли, ранг-баранг шаклларда, қиқарли ҳикоятлар орқали китобхонга етказишб шу жиҳатдан пандномалар асрлар мобайнида ахлоқий тарбиянинг ўзига хос шарқона воситаси сифатида хизмат қилиб келди ва ҳозир ҳам хизмат қилмоқда.

Уларнинг энг машҳурларидан бири тахминан III-IV асрларда яратилган қадимги ҳинд адабий-дидактик ёдгорлиги "Панчатантра"дир. У бизда "Калила ва Димна" номи билан машҳур. У ўзбек тилига бир неча бор таржима қилинган. Асарда кўз олдимизда икки дунё намоён бўлади: Бири - инсоф, адолат, диёнат,ҳалолликка суянган, ахлоқий фазилатларнинг тажассуми бўлмиш инсонлар дунёси, эзгулик олами, Иккинчиси - ёлғонни, қаллобликни, мунофиқликни, худбинликни касбқилиб олган, иллатлар тажассуми бўлган одамлар дунёси, ёвузлик дунёси. Ана шу эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш асарнинг ўқ томирини ташкил этади.Унда ахлоқийлик асл бахт, ахлоқсизлик инсон учун ҳалокат гирдоби экани ажойиб ҳикоятларда,масалларда ўз аксини топади. "Калила ва Димна"нинг шакли, композицион қурилиши, усулбий жиҳатларда кейинчалик жуда кўп пандномалар учу бадий қолп ролдини ўтади.

Мусулмон шарқи мимнтақаси ахлоқий тафаккурида XI аср алоҳида диққатга сазовор. Унда икки буюк панднома яратилди. Бири туркий тилда - Юсуф Хос Ҳожибнинг "кутадғу билиг" ("Яхшилик келтирувчи билимлар"), иккинчиси форсийда - Кайковуснинг "Кобуснома" асари.

"Қутадғу билиг" 13000 мисрани ўз ичига олган ахлоққа, сиёсатшуносликка доир монументал асар. Уни туркий халқларнинг ахлоқий қомуси деб аташ мумкин. Китобда эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, олижаноблик ва тубанлик, ҳалоллик ва ҳаромлик сиснгари тушунчалар батафсил қаламга олинади. Уларнинг моҳияти образли, бадий юксак мисраларда, шеърӣ ҳикматларда, мақолларда очиб берилади.

Кайковуснинг "Қобуснома" асрида ҳам инсон ҳаётининг деярли барча томонлари қамраб олингандир. Унда меҳмонга болриш, меҳмон кутиш, савдогарчилик одобларилдан тортиб, чавгон ўйини спортчи одобигача қаламга олинган. Кайковус ахлоқийликка эришув икки хил - табиӣ туғма ва тарбия орқали рўй беришини айтади. Шу билан бирга ахлоқий тарбия ҳар икки ҳолдатда ҳам шарт эканини таъкидлайди.

Шарқона пандномаларнинг энг машҳури, шубҳасиз, Шарқда Муслиҳиддин Саъдийнинг (1184-1292) "Гулистон" асаридир. Жаҳонда бу асар таржима қилинмаган бирор бир маданий тилбўлмаса керак. Ўзбек тилига у биринчи марта буюк ўзбек мумтоз шоири Сайфи Саройи томонидан XIV асрда таржима қилинган.

"Гулиситон"нинг бу қадар машҳур бўлиб кетишига асосий сабаблар шундаки, аввало, у муаллифнинг ҳаётитӣ тажрибалари ва кўрган-кечиргшанларини, ўз қулоғи билан эшитган воқеа-ҳодисаларни ўз ичига олади; иккинчидан, панднома буюк Саъдийга хос тенгсиз бадийлик билан суғорилган; учинчидан унинг услубида юксак ахлоқ эгасининг донишмандлиги ва самимияти кишини ўзига тортиб туради. Насрий ҳикоятлар билан меъёрий ҳикматлар - ахлоқий хулосаларнинг узвий боғланиб кетганлиги эса асарни яна ҳам ўқишли қилади.

Саъдий инсон инсон учун восита эмас - мақсад, деган ғояни илгари уради. Ёвузликлар ичида у, айниқса ёлғонни қаттиқ қоралайди: "Ёлғон гапирмоқ ҳам, - дейди шоир, - ханжар зарби кабидир: жароҳат тузалса-да, изи қолади". Бундан

ташқари кашф этган ҳикматлар ҳам ўзининг образлилиги, фалсафий қудрати ва назокати билан кишини ҳайратга солади. қуйидаги ҳикматга эътибор беринг: "Гавҳар сойга тушса ҳам аввалгидек қимматбаҳо, чанг осмонга кўтарилса ҳам қадрсиздир". Ёки мана бу кичкинагина ҳикоятни олиб кўрайлик: "Оламда биринчи марта бармоғига узук таққан одам Жамшиддир. Ундан сурадилар: "Нега ҳамма зебу зийнатни чап кўлингга бердинг, ваҳоланки, фазилат ўнг тарафдадир". Жамшид жавоб берди: "Ўнг кўлнинг - ўнг кўл эканининг ўзи буюк зийнатдир".

БУРЧ - Буюк ахлоқшуноснинг бурч ҳақидаги қаршлари ҳам эътиборга молик. У бурчни Тангри олдидаги ўз қарзини бажариш, илоҳий масъулият деб тушунади. Лекин бу масъулият, айти пайтда, муҳтожларга хайр-эҳсонни, Яратган ва банда олдидаги покизаликни ҳам ўз ичига олади. Бурчни англаб етиш эса, фақат билим (билиш) орқали рўй беради. Шунингдек, Кошифий анъанавий шарқона фазилатларга бафуржа тўхталади. Сабр, ҳаё, авф, саҳийлик, ростгўйлик, фаросат, тавозеъ сингари фазилатларнинг моҳиятини очиб беради, уларни насрий ва шеърий мисоллар билан исботлайди. Айти пайтда, уларнинг зидди бўлмиш иллатла ҳам мутафаккирнинг диққат марказидан четда қолмайди.

МУОМАЛА ОДОБИ - Ҳусайн Воиз Кошифий "Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати" асарида муомала одоби, кийиниш одоби, ҳамда меҳмондўстлик ва тановул этикети борасида ўзига хос фикрлар ўртага ташланган. Чунончи, у суҳбат одоби борасида гап кетганда, шайхлар ва бошқа мартабага эришганлар учун ҳам, ҳали мартабага эришмаган кишилар, муридлар учун ҳам риоя қилиниши зарур бўлган бир қанча суҳбат одоби мавжуд эканини айтиб, ҳар икки тоифа суҳбатдошлар учун алоҳида - алоҳида саккизтадан қоида тавсия этади. Бу ўринда мутафаккир сўзга, лингвистик эмас, ахлоқшунослик нуқтаи назаридан ёндошиб, унга инсоннинг ахлоқлилик даражаси намоён бўладиган восита сифатида қарайди: ахлоқшуносликда сўзни инсондан, инсонни сўздан ажратиб таҳлил этиш мумкин эмаслигини

таъкидлайди."Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўзласалар , айтгил: мен сўзники ва сўз меникидир, чунки, сўз инсонлик дарахтининг мевасидир, дарахтни мевадан, мевани эса дарахтдан ажратиб бўлмайди", деб ёзади мутафаккир.

КАСБИЙ ОДОБ - Китобда аллома ахлоқшунос касбий одоб муаммоларига ҳам тўхталиб ўтади. Китобнинг ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи фасллари турли касб эгалари одобига бағишланган. Масалан, ўн тўртинчи фасл "касб-кор ва савдо тижорат одоби ҳақида" деб номланади ва умуман касб эгаси, айни пайтда, савдоҳитжорат аҳли одоби қонун-қоидаларини ўзи ичига олади. Кошифий ёзади: "Билгилким, ҳамма касбларга тааллуқли қисқача қоида адаблар мавжуд, шунингдек, ҳар бир касб учун алоҳида одоб ҳам бор". Шундан кейин мутафаккир қуйидагича давом этади:

"Агар барча касблар учун зарурий одоблар хулосани нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айтгин: Биринчидан, ўз касбини ҳаромдан, шубҳали мол маблағдан пок сақласин. Иккинчидан, рисқи рўзи зарурати учунгина керакли касб билан шуғуллансин, касбни мол дунё тўплашга сарфламасин. Учинчидан, касбни обрўй олиш, яхши ном чиқаришнинг сабаби, деб билсин. Тўртинидан, моли ҳаром одамлар (амалдорлар, порахўрлар, қароқчилар, ўғрилар, қиморбозлар, каззоб дўкондорлар) билан муомала қилмасин..." ва ҳоказо.

ВОСИТА - бирор мақсадга эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарсa, қурол.

РУХ - кишининг ички ҳолатини, психик кечинмаларини, ҳис-туйғуларини акс эттирувчи кайфияти.

Идеалистик фалсафа ва диний тушунчага кўра: киши ҳаётида у биан бирга, киши вафотидан кейин эса, тандан чиқиб абадий яшайдиган ғайритабиий асос; арвоҳ.Материалистик фалсафа ва психологияда: юқори даражада уюшган материянинг маҳсули деб қаралувчи онг, тафаккур.

3 - Машғулот. Янги давр ахлоқшунослигидаги асосий таълимотлар ва йўналишлар.

Р е ж а:

1. Оврўпа Уйғониш даври ахлоқий таълимотларнинг Ўрта асрлардан Янги давр ахлоқшунослигига ўтиш босқичи сифатида номоён бўлиши (Валла, Макиавелли).
2. Олмон мумтоз ахлоқшунослигига
 - а) Кантнинг ахлоқий қарашлари.
 - б) Гегельнинг ахлоқий таълимоти.
 - в) Фейербахнинг ахлоққа оид фикрлари.
3. Артур Шопенгауэрнинг ахлоқшуносликдаги нораціонал йўналишдаги ғоялари.

Янги ва ҳозирги давр ахлоқшунослиги.



- Янги давр ахлоқшунослигидаги рационал ва сенсуал йўналишлар (Спиноза, Локк, Шефтсбери ва б.).
- Олмон мумтоз ахлоқшунослиги (Кант, Шиллер, Хегель, Фейербах).
- Норационал йўналишдаги ахлоқий таълимотлар (Кант, Киркегаард, Шопенгауэр, Ницше).
- XIX аср охири ва XX аср бошларида рус мумтоз ахлоқшунослиги (Л.Толстой ва Ф. Достоевский)
- Вл. Соловьев, Н. Бердяев ва бошқа мутафаккирларнинг ахлоқий таълимотлар.
- XX аср ахлоқшунослигидаги асосий йўналишлар (З.Фрейд, Э.Фромм, К.Жушон ва бошқалар)

Фридрих Шиллер (1759-1805)

Янги давр немис маърифатчилигининг йирик вакиллари-
дан бири, санъат фалсафасида хизмати катта, тарих фалсафасига
ўрни бор.

Танага доир ғояларни танқид қилади ва
бир томонлама дейди.

Тана жоннинг
зиндонидир. У жоннинг
комилликка парвозига
халақит беради.

Тана ҳолатининг
яхшиланиши маънавий
юксалишга олиб келади.

Асарлари: “Инсоннинг эстетик тарбияси ҳақида”,
“Недерландиянинг испан ҳукмронлигидан ажралиб чиқиш
тарихи” (1798 й.) ва “30 йиллик уруш тарихи” (1793 й.).

Инсон зоти ривожини 3 босқич: 1. Физик ҳолат – моддий
табиатига бўйсунди. 2. Эстетик ҳолат – бундан озод бўлади.
3. Ахлоқий ҳолат моддий табиатини эгаллаб, ўзига
бўйсундиради. Эстетик ҳолат ўтиш даври. У эркинликни
яратади.

Ғоя: “Тарихни ўрганиш ақлимизни нурлантиради, қалбимизни
олийжаноб фидоийлик билан алангалантиради. У руҳимизни
ахлоқий масалаларга пасткашлик ва бачканалик ёндашишдан
сақлайди”.

ИХТИЁР ЭРКИНЛИГИ - масаласига Лоренцо Валла катта эътибор беради. Унинг фикрига кўра, ҳар бир инсон фаровонлик учун интилади. Ёвузликдан эса, - у ўз ёвузлигими, ўзганикими, - қочишга уринади. Баъзан инсон кимгадир зарар етказса, албатта ёвузлили туфайли эмас, балки ўз фаровонлигини кўзлаб шундай иш қилади. Демак, инсон ўз фаровонлигига интилар экан, у тўғри йўлни танлаши керак. Неъматга, фаровонликка эгаликнинг энг муҳим шарти - бахтсизлик, хавф-хатар, безовталиқдан йироқ ва ҳамма томонидан суюкли бўлиш. Ҳаммага суюкли бўлиш эса барча лаззатларнинг манбаи ҳисобланади; нафрат қуршовида яшаш - ўлим билан тенг. Шуларга қараб, инсоннинг яхши ёки ёмонлигига баҳо берилади.

БУРЧ - адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган, вазифа, мажбурият. Ватанпарварлик бурчи. Хизмат бурчи. Ҳарбий бурч.

МУҲАББАТ - деб бир нарсани суймакни айтилар. Дунёдаги инсонлар меҳр ва муҳаббат соясида яшарлар. Ҳар бир ишни муҳаббат орқасида ишларлар. Муҳаббатсиз киши ҳеч бир ишни ишламакка ғайрат ва жасорат қилолмас. Дунё неъматидан лаззат ололмас. Агар бир шогирд илм ва муалимни суймаса, иштаҳа ила ўқимаса, мақсудига етолмас. Ер юзидаги инсонларни уришма, талошмаларга қовуштирган, сийналарини душман ўқиға нишона қилдурган нарса дин ва миллатларнинг, ватан ва давлатларнинг муҳаббатидур. Кишининг кеча ва кундуз тиндурмасдан қул каби меҳнат ва машаққатларга кўкрак беруб ишлатадурган нарса ватан ва бола-чақаларнинг меҳру муҳаббати эмасми? қуш яхши кўрган донасиға қизиқуб, тузоқға илиниб қолғани каби инсон суюкли нарсасиға бойлануб, асир бўлуб қолмоғи табиийдур.

Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: "Ўз нафсинг учун қайси нарсани суяр эсанг, шул нарсани бошқа кишиға ҳам суй", яна "Ота муҳаббатини сақла! Агар сан отаға бўлган муҳаббатни узсанг, Аллоҳ таоло сани ҳар турли файзлардан маҳрум қилур", - демишлар.

Муҳаббатлик баҳорнинг куз ҳусули ҳеч оз ўлмас,
Муҳаббатсиз кишининг кўнгли қишдур асли ёз ўлмас.
Суяб илму фунун таҳсил эдан учгай ҳаволарга,
Қаю бахти қаро жоҳил қолур, дасти дароз ўлмас.

ВИЖДОН - руҳимизга, фикримизга таъсир қиладурган ҳиссиёт, яъни сезув-
туймақдан иборат маънавий қувватни айтилуру. Биз ҳар вақт афъол ва
ҳаракотимизни яхши ва ёмонлигини, фойда фа зарарлигини онжақ виждонимиз
ила билурмиз. Виждон инсоннинг ақл ва фикрини ҳақиқий мезонидур, бу тарозу
ила ўз камчиликларини ўлчаб билмак ила баробар бошқаларнинг ҳам афъол ва
ҳаракотини сезур. Агар ишлаган иши шариат, ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлса,
муҳаббат қилур. қабоҳат ва ёмон ишларни қилса, нафрат қилур. Биз жаноби
ҳақнинг амр ва наҳйини фикр ва руҳимизнинг маънавий қуввати ўлан
виждонимиз ила айира билурмиз.

Виждон яхши хулқларнинг манбаи ўлдиғиндан виждон соҳиблари ҳар бир
ишни беғараз, холис ният ила ишлар.

Шул сабабли ҳар ким назарида мақбул ва суякли бўлур.

Аммо виждонсиз кишиларнинг ишларида ният ва амалларида, дўст ва
ошнолиқларида яширин бир ғаразлари ўлдиғиндан ҳар вақт ҳасрат ва надомат
чекуб, виждон азобига гирифтор бўлурлар.

Ҳар бир инсоннинг ҳақиқий фоили виждонидур,
Меваси яхши амалдур, ҳосили виждонидур.

(Абдулла Авлоний)

АЛО ОДАМ - олмон файласуфи Нитцше одамларни одамларни уч тоифага
бўлади: охирги одамлар, яхши одамлар ва ало одам (одамдан юксак одам) У
Зардушт тилидан шундай дейди: "қарангиз! Мен сизга энг охирги одамни
кўрсатаман". "Муҳаббат - нимадир? Яратмоқ - нимадир? Интилмоқ-чи? Юлдуз
дегани нима? Охирги одам ана шундай деб сўраб туради ва кўзларини

пирпиратади. Ер кичкина бўлиб қолди ва унинг юзасида ҳамма нарсани кичрайтирувчи митти одам сакраб-сакраб юрибди. Унинг уруғи суварак каби кирилиб битмагай: охирги одам ҳаммадан кўпроқ яшайди. Улар вақти-вақти билан андак заҳар ютади. Шундан яхши тушлар кўради... Чўбон йўқ, ҳаммаси - пода! Ҳар ким тенглик истайди, ҳамма - тенг. Кимда-ким бошқача англаса, ўз ихтиёри билан жиннихонага йўл олади. "Илгари бутун олам телба эди", дейди уларнинг энг оқиллари ва кўзларини пирпиратади.

Ало одам тўғрисида эса Нитцше қуйидагича фикрлайди: "Мен сизларга Ало одам тўғрисида таълимот келтирдим. Одам шундай бир хилқатдирки, ундан ошиб ўтмоқ керак. Сиз ундан ўтмоқ учун нима қилдингиз? Шу дамгача барча хилқатлар ўзидан юқориноқ недир бир нарсга яратди. Сиз шу улуг тўлқиндан сачраган кўпик бўлиб ўтирддингизми? Одамдан ўтиш ўрнига, тезроқ боз яна ваҳший тусига киришга ошиқдингизми. Ало одам - заминнинг мазмуни. Биродарларим, мен сизга илтижо қилиб, заминга содиқ бўлинг ва сизга ер узра умид тўғрисида сўзлаётганларга ишонманг! Ўзлари биларми, билмасми, барибир улар заҳарлагувчилар, деб айтурман... Чиндан ҳам, одам - лойқа селдир. Уни ўзига ютиб тоза қилмоқ учун фақат денгиз бўлмоқ керак. қаранг, мен сизга ало одам тўғрисида сўзлаяпман; У ўша денгиз, унда сизнинг улуг нафратингиз кетгай... У - чақмоқ, У - телбалик!.."

ҲАЁ - ишда, сўзда адабни риоя қилмакни айтилуру. Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдурки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир. Шариат буюрмаган, одамлар суймаган ишларни ишламак - ғийбат, ҳажв, масхара, сафсата, сўкув каби одамларнинг нафсига, иффатига тегадурган адабсиз сўзларни сўзламак зўр ҳаёсизликдир. Ифбатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир.

Шунинг учун ҳар бир ҳаракатимизда, сўзимизда ҳаёни қўлдан бермаслик лозимдур. Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг ифбат пардаси йиртилмас.

Ва бу чодир шундай муборақдурки, анча-мунча саҳв-хатоларни беркитуб йўқ қилур.

Ибн Сино ҳаким: "Инсонда доим турадиган хусн ва латофат ҳаё ва ифбатдур. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидур", демиш.

Расули акрам набийи мухтарам афандимиз: "Алҳаё минал-имони"-ҳаё имондандир, "Изо лам тастаҳ фааснаъ мошиъта"- ҳаё қилмас эсанг, истаган ишингни ишла", - демишлар.

Муҳиддин: "Инсоннинг суратидаги қизиллик секин-секин кетар, ҳаё қизиллиги асло кетмас. Ёшлик хуснининг қизил рангининг ҳаё ила зийнат-латофатга эга бўлурлар", - демишлар.

Сукротим ҳаким: "Хотунларнинг энг гўзали ҳаё ва ифбат пардасига ўралганларидур", - демиш.

УЯТ - бу ножўя ҳатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси. Ҳадиси шарифлардан бирида айтилишича, одам, энг аввало, ўзидан уялиши керак. Ножўя қилмиши учун ўзидан уялган одам ўзгага ҳам ножўя ҳатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Халқда уят ҳақида турли мақоллар мавжуддир: "Уят ўлимдан кучли",

ИНСОФ - бу адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси ва қобилияти, ишда, кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилиқ, баробарлик, тенглик, софдиллик ва ҳақиқатгўйликдир. Ўзгани ўз ўрнига ва шунингдек, ўз ўрнига ўзгани ҳаёлан қўйиб кўриш ҳам инсофга киради. Тўқ очни бой камбағални, бахтли бахтсизни, толеи баланд толеи забунни, омадли омадсизни, соғлом беморни ўзўрнига қўйиб кўролса аксинча ҳам худди шунда бўлса, олам гулистон- инсофлилар сафи кенгайиб кетади.

Инсоф тушунчаси Шарқ фалсафасида шундай талқин этилади. Инсоф-бу кишининг муайян жамиятнинг ахлоқ меъёри нуктаи-назаридан ўз хулқ одобини назорат қилиши ва ахлоқий баҳолашидир. Инсоф-виждонли одамнинг ёки маълум жамоанинг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан ўз хулқ-атвори учун

маънавий жавобгарлик ҳиссидир.Агар киши бирор ишни тўғри бажарса, унда ички қоникиш пайдо бўлади, виждон пок бўлади, атайин нотўғри бажарса, инсофдан чиққан бўлади. Инсоф кишини бирор ишни қилишга ундаса ёки қилишдан тортса,бунда у қалб амри тарзида бўлади.

Муайян кишининг хоҳ шахсий, хоҳ ижтимоий хулқ-атворида учраган ҳар қандай сохталик, ҳар қандай мунофиқликни жамоа инсофсизлик сифатида каттиқ қоралайди.Хуллас, инсоф - кишининг жамият олдида, теварак-атрофидаги кишилар олдида ўз ҳатти-ҳаракати билан маънавий масъулиятини ҳис этишининг ифодасидир.

"Инсоф - дин соф" деган нақл бу тушунчанинг нақадар теран мазмунга эга эканлигидан далолат беради.

ВАТАН - Курраи заминимиз бутун Ер юзида яшаётган беш миллиардан зиёд халқлар учун Ватан бўлса, ҳар бир халқ учун тақдиран ва тарихан ато этилган ҳамда чегараланган ҳудуд она-Ватандир.

Ватан атамаси аслида арабча сўзи бўлиб, она юрт маъносини билдиради.Ватан тушунчаси кенг маънода ва тор маънода ҳам қўлланилади. Бир халқ вакиллари жамул-жам яшаб турган, уларнинг аجدодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши туғилиб ўсган уй,маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир.Ўзбекларда фалончи Ватанли бўлди, дейилганда ўша одам уй-жойли, бошпанали бўлди, деган маъно англашилади.Ҳазрат Алишер Навоий Ватан тушунчасини она юрт, ўрин, туғилиб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида ишлатганлар. Шунингдек, Ватан калимаси бадиий адабиётда кўчма маънода кўнгил мулкининг маскани тарзида ҳам қўлланилади. Ватан ҳақида шоирлар ажойиб мисралр битганлар:

Ўтар кунлар, ўтар замон,

Эй Ватаним, бўлма ҳижрон!

Мен кетсам-да сен бўл омон!

Омон-Ватан, Ватан - омон. Абдулла Авлоний.

Ватан менинг жону таним саждагоҳимдур. У менинг тўлин ойим, тинч - омоним, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдур. Фитрат

ВАТАНПАРВАРЛИК - кишининг ўзи туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини, муносабатларни ифода этадиган ижтимоий ва ахлоқий хислатлари, фазилатлари. Ватанпарварлик аниқ муҳитда, заминда ва мавжуд маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади. Шахс Ватанпарварлик туйғусини яратмайди, балки, уни тайёр ҳолда қабул қилади. Чунки Ватанпарварлик узок тарихий ривожланиш жараёнида шаклланадиган ижтимоий туйғудир.

Ватанпарварлик кишиларнинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатларининг, фазилатларининг юксак намоён бўлиши ҳисобланади. Зеро, улар негизида ота-боболардан мерос қолагн заминни севиш, урф-одатларни, қадриятларни сақлаш, эл-юрт равнақи учун чин дилдан меҳнат қилиб, Ватанни душманлардан ҳимоя қилиш, ҳар қандай қарамликдан озод этиш, ҳатто зарур бўлса, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямаслик кабилар ётади. Ватанпарварлик эл-юрт манфаатларига хизмат қилиш, эл-юрт манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйиш демакдир.

Ватанпарварликнинг олий кўриниши жасоратдир. Жасорат кишининг Ватан ва юртдошлари учун ўз манфаатларидан, керак бўлса жонидан ҳам кечиб намоён этадиган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларидир. Жасорат халқ фаровонлиги, илм-фан ва маданият равнақи, Ватан ҳимояси учун қилинган узок меҳнатда ҳам, ўзини фидо қилиш талаб этиладиган фавқулодда ҳолатларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Ватанпарварлик ўзбек халқининг миллий туйғусини ривожлантириш, миллий юксалиш ғояларини тарғиб қилиш, мамлакатимизда яшаётган турли элат

ва миллатлар ўртасидаги дўстлик, тинчлик ва аҳилликни мустаҳкамлаш учун курашишда ҳам намоён бўлади. Худди шунингдек, у Ўзбекистонда демократия ва ҳурфикрлиликнинг қарор топишига ғов бўлаётган ҳолларга қарши курашишни ҳам ўз ичига олади.

ҲАЛОЛЛИК - Инсондаги гўзал хислатлардан бири. Ҳалолликка энг пок туйғулар киради. Масалан: тўғрисўзлик, ҳақиқатпарварлик, меҳнатсеварлик ва ҳ.к.

АЧИНИШ - Инсонга хос хислатдир. Бунда бировга ачиниш учун бирор сабаб бўлса, унда раҳм-шафкат ҳисси уйғонади. Ачиниш туфайли ночор кимсаларга ёрдам қўлини чўзиш, уларнинг оғирини енгил қилиш энг олий инсоний фазилатлардандир.

ШАФҚАТ - инсоннинг ўз ҳатти-ҳаракатларига нисбатан (оғир дамларда) бировдан кутиладиган руҳий мадад. Ислом динида Рамазон ойи меҳр-шафқат ойи саналади. Бунда ҳар бир муслим ва муслима аҳволи оғир, кимсасиз, ночор, касалманд кишиларга меҳр-шафқат кўрсатилади, уларга турли совға-саломлар ёки маънавий-руҳий мадад берилади.

4-Машғулот.Энг янги давр ахлоқшунослиги. 2 соат.

Режа:

- 1.Фридрих Нитцшенинг ахлоқий қарашлари.
- 2.Руҳий таҳлил йўналишида.Зигмунд Фрейд қарашлари.
- 3.Экзистенциячилик оқимининг ахлоқий қарашлари.
- 4.Ахлоқда ғайризўравонлик оқим.

ҒАЙРИЗЎРАВОНЛИК - Ҳозирги кунга келиб, экзистенциячилик Ғарб оламида машҳур бўлган кўпгина энг етакчи ёки фаол ҳаракатдаги ахлоқий йўналишларга нисбатан "ҳаётийроқ" чиқиб қолди. Унинг асосий тамойиллари Оврўпо халқлари менталитетига сингиб кетди.У беҳуда ҳавойй парвозларни

чеклаб, инсонни ички, рақамларсиз ҳисоб-китоб ва шу ҳисоб-китоб натижаси ўлароқ, жаҳонга ишонч билан қарашга даъват этади.

Инсоният тарихи мобайнида қадимда илгари сурилган ғоялар кейинчалик моҳиятан янгиланган, ўзгарган ҳолда яна майдонга чиқишини кузатиш мумкин. Бу ҳодиса ахлоқшунослик соҳасига ҳам тегишли. XX асрда юзага келган ва амалиётда муваффақиятга эришган ёвузликка қарши зўравонлик кўрсатмасдан курашиш - ғайри зўравонлик ахлоқшунослиги ана шундай "янгиланган эски" ғоялардан.

Мазкур йўналиш асосчиси Торо ўзи ёқтирмаган америкача жамиятдан бош олиб чиқиб, 1845 йилнинг баҳоридан 1847 йилнинг кузигача Уолден кўли бўйида кулба қуриб, деҳқончилик билан шуғулланади. Кейинчалик шу тажриба асосида "Уолден ёки ўрмондаги ҳаёт" асарини ёзди. Бундан ташқари у "Фуқаровий итоатсизлик", "Массачусетдаги кулчилик" сингари мақола ва эсселарида ҳам ғайри зўравонлик ахлоқшунослиги ғояларини илгари суради. Торо ҳаётда ҳам ана шу ғояларга амал қилади: солиқ тўлашдан бош тортади. Кунлардан бирида шаҳарга тушганида, уни солиқ тўламагани учун қамаб қўйишади. Кимдир унинг ўрнига солиқ суммасини тўлаб юборгандан кейингина Торони қамоқдан чақиришади. У ўзининг бу ҳатти-ҳаракатини қуйидагича тушунтиради: "Менда агар шундай имкониятим бўлган тақдирда ҳам, долларларимга одамсотиб олишларини ёки одамни ўлдириш учун милтиқ соиб олишларини кузатиб туришга иштиёқ йўқ". Мутафаккир кулдорлик ҳукм сураётган Америка қўшма Штатлари ҳукумати билан ҳар қандай алоқани узишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва бошқаларни ҳам шунга чақиради.

Торо ғояларини асримизда Ганди ва Кинг янада юксак поҳонага кўтардилар. Улар ғайризўравонлик ғоясини муҳаббат билан боғладилар ва душманга ҳам меҳрни дариг тутмасликка чорладилар. Ганди Хиросима ва Нагасагика атом бомбаси ташланганида, атом бомбасини бошқа бомба билан йўқотиб бўлмагани каби зўравонликни зўравонлик қилиб йўқотиш мумкин эмас, деган фикрни

билдириб, шундай дейди: "Инсоният зўравонликдан фақат ғайризўравонлик йўли орқали қутилиши мумкин. Ғазабни фақат меҳр билан енгса бўлади. Ғазабга ғазаб билан жавоб бериш ғазабнинг ёйилишига ва кучайишига хизмат қилади."

Ғайри зўравонлик ахлоқшунослигига қисқача тўхталиб ўтишимизнинг ўзидаёқ, биз йўналишнинг келажакдаги асосий ахлоқий таълимотлардан бири бўлиб қолишини илғашимиз мумкин. Шахс, гуруҳ, миллат, халқлар ўз истакларини, мавжуд мустабид тузум ва ҳукуматдан норозиликларини тинч йўл билан билдиришлари ҳамда ўз мақсадларига зўравонликсиз, қон тўкмасдан эришишлари мумкинлиги - инсониятнинг улкан ютуғи.

РУҲИЙ ТАҲЛИЛ - субъектив ишонч асло ҳаққонийликнинг мезони бўла олмаслигини кўрсатди. Инсон ҳақиқат юзасидан ҳаракат қиламан деб ишониши мумкин, лекин асл сабаб - бешафқатлик. У ҳатти-ҳаракатнинг сабаби муҳаббатим деб билади,

ЭКЗИСТЕНЦИЯЧИЛИК - инсонни, энг аввало ўз ҳаётини инсонийлик вазифасини бажариш учун қурбон қилган мавжудот сифатида ғолиб қарайди. Бир жиҳатдан бундай қараш анъанавийдек, барча асрларда ҳам илгари сурилган нуқтаи назардек туюлади. Аслида эса ундай эмас. Гап шундаки, аввалги анъанавий қарашларда инсоннинг ўз ҳаётини қурбон қилиши "олий манфаатлар" юзасидан рўй беради: инсон, идеал, умумтарихий мақсадлар ўзни фидо этишга арзишини тушунади. қурбон бўлишга тайёрлик, демак инсоннинг ибтидодаги беолгиси эмас балки унинг ақл билан иш кўриши оқибатида рўй берадиган ҳодиса сифатида олинади. Экзистенциячилик эса фидойиликни инсонни ибтиддаги хусусияти, уни белгиловчи оддий ҳодиса деб қарайди. Улар, инсон ўз ҳаётини нимагалдир бахш этмасдан мавжуд бўлолмайди, деган фикрни илгари сурадилар. Бу фидойилмик эса айнан, барча ижтимоий барқарор қадриятлар барбод бўлганда, инсон ўзи учун муносиб оғир, муқаддас бир юкни худди ризқи каби излаган бир пайтда ўзини кўрсатади. Инсон ўз назоратидан чиқиб кетган, иррационал воқеа-ҳодисалар гирдобига

тушиб қолган пайтида қандай маънавий сабрга, чидамга эга бўлиши керак. Экзистенциячиликнинг бош муаммоси мана шу. Олмон файласуфи Мартин Хайдеггер (1889-1976) экзистенциячиликнинг асосчиси ҳисобланади.

Ушбу оқимнинг буюк намояндалари Карл Ясперс ва Жан Поль Сартрлардир.

Ҳозирги кунга келиб, экзистенциячилик Ғарб оламида машҳур бўлган кўпгина энг етакчи ёки фаол ҳаракатдаги ахлоқий йўналишларга нисбатан "ҳаётийроқ" чикиб қолди. Унинг асосий тамойиллари Оврўпо халқлари менталитетига сингиб кетди. У беҳуда ҳавоий парвозларни чеклаб, инсонни ички, рақамларсиз ҳисоб-китоб натижаси ўлароқ, жаҳонга ишонч билан қарашга даъват этади.

ҚЎРҚУВ - инсоннинг ички ҳиссий кечинмаларини ифода этувчи жараёндир. Бу ҳақда экзистенциячилик оқимининг намояндаси Жан Поль Сартр шундай фикр билдиради: "қўрқоқо қўрқоқлиги учун ўзи жавобгар. У юрак ёки ўпкаси, ёки мияси қўрқоқ бўлгани учун шунақа эмас; у ўз физиологик тузилиши натижаси ўлароқ шунақа эмас, балки ўз қилмишлари билан ўзини қўрқоқ қилган. Мизож асабий, заиф, чала ёхуд тўлақонли бўлиши мумкин, лекин заиф одам дегани - албатта қўрқоқ дегани эмас, чунки қўрқоқлик бош тортиш ёки ён бериш оқибатида юага келади. Ҳамма вақт қўрқоқ, қаҳрамон учун қаҳрамон бўлмаслиқнинг имкони бор, деб ёзади буюк файласуф. У экзистенциячилик мухолифларига фиткр билдирар экан, бу йўналиш инсоннинг асло тушқун тасвирини бермаслигини, уни қилган ишига қараб баҳолашини, инсон ўз тақдирини ўзи белгилайди деган ақида билан иш кўришини таъкидлайди."

ЖЎМАРДЛИК - Инсон ҳаёти олий қадрият экани таъкидлангани ҳолда, ўзганинг ҳаётини ўзимнгникидан олийроқ қадрият деб қараш ғояси. Бу ҳақда Муҳаммад Зоҳид кутқу ўзининг беш жилдлик "Тасаввуфий ахлоқ" деб номланган фундаментал асарида бошқа ахлоқий масалалар билан бирга жўмардлик мезоний тушунчасини изоҳлайди. Бундай қараш, шубҳасиз ҳозир

замондошларимиз ҳаётига кириб келган салбий маъножаги ўта прагматизмга қарши курашда, ахлоқий муҳитни соғломлаштиришда муҳимдир.

5-Машғулот.Туркистон маърифатчи-жадидларнинг ахлоқий қарашлари. 2 соат.

Режа:

- 1.Туркистон маърифатчилигининг ўзига хос хусусиятлари.
- 2.Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий ва бошқа дастлабки маърифатчиларнинг асарларига кўтарилган ахлоқий муаммолар.
- 3.Абай, Амбар отин, Абдулла Авлоний ва Фитратнинг ахлоқий қарашлари.
- 4.Жадид матбуотининг ахлоқий тарбия борасидаги хизматлари.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Абай, Амбар Отин, Абдулла Авлоний, Фитратнинг ахлоқий қарашлари,Миллат, Ватан, Ватансеварлик, Тараққиёт, Адолат, Тарбия, Оила, Диёнат, Шараф, Ҳаё, Виждон, Майл, Ихтиёр, Ирода.

Туркистон маърифатчи-жадидларининг ахлоқий

- Аҳмад Дониш, Абай ва Амбар Отин маърифатчилигидаги ахлоқий тамойиллар.
- Абдулла Авлоний ва Фитратнинг ахлоқий қарашлари ва уларнинг миллий ғоя ва мустақиллик мафкураси билан уйғунлашиб кетганлиги.
- Жадид матбуотининг миллий-ахлоқий қарашлари.

АҲМАД ДОНИШНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ - Турокистон маърифатчилигининг дастлабки босқичларида ахлоқий ғоялар асосан бадий ва дидактик шаклларда ўз аксини топди. Шу жihatдан ўзбек ва тожик халқларининг мутафаккирлари Аҳмад Донишнинг (1827-1897) "Наводир ул-вақое " асари диққатга сазовор. Аҳмад Дониш ўз асарларида Бухоро амирлиги давлат тузуми билан солиштириб, уни ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлайди. Айни пайтда, анъанавий ахлоқий тушунчалар билан фикр юритар экан, у адолатни ҳам подшо - ҳукмдор шахсига, ҳам давлат тизимига хос фазилат сифатида олиб қарайди. Агар ҳукмдор адолатли сиёсат юргизса, мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаси учун адолатни смезон қилиб олса, санъатнинг гуллаб-яшнашига йўл очиб берса - халқ ҳаёти фаровон бўлади, фазилатлар кучайиб, иллатлар заифлашади. У, ҳукмдор донишмандлик фазилатига албатта эга бўлиши лозим, давлатнинг моҳитини ақл белгилайди, деган хулосага келади: оқилона бошқарилган мамлакат аҳолисигина маърифатли ва юксак ахлоқ эгалари бўла олади.

ФУРҚАТ, МУҚИМИЙНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ - Буюк ўзбек мумитоз шоирлари Фурқат (1858-1909), Муқимий (1859-1903), асарларидаги ахлоқий муаммолар тараққийпарварлик ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетади. Чунончи, Фурқат "Илм хосияти", "Гимназия", "Таржимаи ҳол" каби асарларида маърифатли бўлиш юксак ахлоқ эгасига хос хислат эканини, лекин, нодонлик охир-оқибат турли хулқий нотафонликка олиб келишини таъкидлайди. Шоир ғазалларидан бирида шундай деб алам билан ёзади:

Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғмен,
Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур.

Муқимийнинг ҳажвий асарларида эса ўша даврда авж олган фирибгарбозликлар, амалдорларнинг ноинсофлиги, адолатсизлиги қаттиқ танқид қилинади. Шоирнинг "Воқеаи Виктор", "Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи",

"Танобчилар", "Тўй" сингапри асарлари Туркистон халқлари оёғидан тобора тубанликка тортаётган иллатларни аёвсиз фош этади.

АБАЙНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ - Туркистон халқларининг ахлоқий юксаклик ва маърифат воситаисда миллий ўзлигини англаш даражаига кўтаришда қозоқ халқининг буюк фарзанди Абай (1845-1908) ахлоқий қарашларининг аҳамияти катта.

Абай шеърларида, шунингдек "Искандар", "Масъуд" достонларида эзгулик, адолат, мардлик, шижоат сингари фазилатлар ўрнини иллатлар эгаллаб бораётганидан, халқнинг яхшилик ва ёмонликни фарқлай олмайдиган даражага тушиб қолганидан фарёд чекади:

Оталарга ўхшамай қолди туркинг,
Ёпирай мунча кетти, илм, хулқинг!
Бирлик йўқ, барака йўқ, бузилди феъл,
қани йиққан давлатинг, боққан йилқинг?

"Хулқи кетган", "феъли бузилган", "алдамчи", "суқ", "очкўз" сингари, сиртдан қараганда ўз халқига нисбатан бешавқатларча, ҳатто ҳақорат даражасисга кўтарилган бу сўз ва иборалар аслини олганда, миллатни жондан ортиқ севган буюк шоир қалбининг аламли йиғисидир.

Шуниси қизиқарлики, Абайнинг ахлоқий қарашлари маълум жиҳатлари билан ғарблик машҳур замондошиб буюк олмо файласуфи, адиби Фридрих Нитцщенинг баъзи қарашларига яқин. Аммо, таъкидлаш керакки, Нитцщедаги ўта кескинлик, ўта беқарорлик Абайга ёт. Шунга қарамасдан, қадриятларни қайта баҳолаш, лозим бўлса, бутун миллатни қайта тарбиялаш каби ғоялар Абайга ҳам хос.

АНБАР ОТИННИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ - Туркистон маърифатпарварларининг яна бир йирик номояндаси Дилшод Барнонинг

шогирди Анбар отиндир (1870). Унинг ахлоқий қарашлари лирик-фалсафий шеърларда ва "қаролар фалсафаси" (1898) рисоласида ўз аксини топган. Анбар отин ҳам инсон ахлоқий даражасини ақл, илм-маърифат билан боғлайди ва ижтимоий тараққиётга ақлий ҳамда ахлоқий юксаклик орқали эришиш мумкин, деган ақидага амал қилади.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ - Туркистон маърифатпарварлари орасидаги яна бир мутафаккир таълимшунос Абдулла Авлонийдир (1887-1934). Унинг XX аср бошларида Туркистонда машҳур бўлган "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" (1913) асари ахлоқий муаммоларга жадидачилик нуқтаи назаридан ёндошиши, кўпчиликка тушунарли тилда ёзилгани билан ажралиб туради.

Файласуф педагог, аввало, миллатни тарбиялашни ўз устига олган тарбиячи муаммосига тўхталади: оталар - тўйчи, улоқчи, базмчи, илм қадрини билмаган, муаллимлар - ўзлари тарбияга муҳтож, дорилмуаллиминни тугатиши керак бўлган, мударрислар эса - дарслари беимтиҳон, ислоҳ яқинига йўламайдиган кишилар. Шу боис миллат ёшлари тарбиясини усули жадин тарафдорлари таълим-тарбия тизимини замонавийлаштириш, ислоҳ қилишга интилаётган зиёлилар қўлга олиши керак. Авлоний Россия ҳукумати у ер-бу ерда янгича мактаблар очгани - шунчаки жаҳон жамоатчилигини чалғитиш эканини, очиқ бўлмаса ҳам, қуйидаги ишора билан айтиб ўтади: "... ҳукумат ҳамманинг отасидир. Ўз фуқаросининг болаларини тарбия қилмак лозим. Шунинг учун бизнинг Русия ҳукуматимиз ўгай бўлса ҳам, ҳар ерда бизлар учун мактаблар очуб, болаларимизни текин ўқитур." Авлоний ана шу "ўгай тарбиядан" кўра миллий тарбиямиз усуллари янгилашни афзал билади ва ўз даврини "Тарбиянинг замони - тарбиянинг айна вақти деб атайди. Унинг бу борадаги қарашлари ҳануз ўз кучини йўқотмаганлигини, тарбия - ҳозир ҳам жамият учун долзарб муаммо эканини Президент Ислам Каримов машҳур нутқларидан бирида (1995 йил 23 февраль) Авлонийдан мана бундай деб кўчирма келтиради:

"Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек, "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот -ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир".

Умуман олганда, Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" рисоласи XX аср Туркистон ахлоқий тафаккурида энг салмоқли ўринни эгаллайдиган, ҳам назарий, ҳам амалий ахлоқ муаммоларини фалсафий ва педагогик ёндашув орқали ҳал этишга бағишланган йирик асардир.

ФИТРАТНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ -Туркистон маърифатчилари ахлоқшунослигида том маънодаги миллий қаҳрамонимиз Абдурауф Фитратнинг "Оила ёки оила бошқариш тартиблари"(1914) китоби алоҳида ўрин тутати. Аввало, шуни айтиш керакки, "Оила" ўзгача бир шиддатли услуб билан ёзилган. Унда ҳам танкидий руҳ, ҳам даъват руҳи кучли Фитрат она Туркистонни озод кўришни истайди, бунинг учун ҳар бир туркистонлик оила билим, ахлоқ, аъмол ва эрк ўчоғи бўлмоғи лозим.

Китобнинг иккинчи қисми фарзанд тарбиясига бағишланган. Фитрат ҳам тарбияни анъанавий йўналишда талқин этади: жисмоний тарбия назариясини тақдим қилади.Фитрат фарзандни иродали қилиб тарбиялашга даъват этади, ирода тарбиясининг тўрт банддан иборат қоида-босқичларини таклиф этади. Болани иродали қилиб тарбиялашда ота-онанинг зўри эмас, балки болага бериладиган муайян эркинлик муҳим эканини таъкидлайди. "Ота-оналарнинг ҳақ-ҳуқуқлари" бобида ҳам балоғатга етган фарзанднинг эркинлик даражаси ҳақида фикр юритилади.

Умуман олганда, Фитратнинг "Оила" китобида амалий ахлоқ билан ахлоқ назарияси муаммолари уйғунлашиб кетган. Лекин унда педагогик-дидактик услуб эмас, жанговар чорлов услуби устун. Фитрат учун юксак ахлоқийлик, эрк ва эрксеварлик билан мустаҳкам боғлиқ..

МИЛЛАТ - Миллат кишиларининг жипс тарихий бирлиги, умумиктисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир. Ўз давлатисиз ўз қиёфасига эга миллат йўқ.

Миллатнинг метиндек жипслиги давлатининг қудрати даражасини белгилайди. Миллат ва давлат тушунчаларини бир-биридан айирган ҳолда таърифлаб бўлмайди. Давлатни тузишда, демакким, миллатни шакллантиришда тарихий шахснинг - йўлбошчининг ўрни ва роли каттадир. қачонки халқимиз метиндек бирлашиб ва жипслашган бўлса, ўшанда ўз буюк давлатига эга бўла олган. Тарихда бунга мисоллар кўп. Амир Темур XIV асрда тарих сахнасига дадил чиқиб, шундай бирлаштирувчилик вазифасини адо этди ва буюк бир давлат - Темурийлар давлатини тузди. Аجدодларимиз, ўша давр ибораси билан айтганда, туркий қавм тарқоқликка барҳам бериб, туркий миллат бўлиб шаклланди.

Миллат фақат бир халқ вакилларидангина иборат тарзда шаклланмайди. Ҳозирги ўзбек миллатининг таркиб топишида барча туркий қабила ва уруғлар, олис ўтмиш, тарихдан илгариги замонлардан бошлаб Туронзаминда яшаб келаётган аجدодларимиз, шунингдек, қадим Суғд эли, Хоразм эли ва бошқалар ҳам иштирок этганлар. Бу ҳол тилимиз, дилимиз, қиёфамиз, урф-одатларимиз, турмуш тарзимиз, маданият, санъат, адабиёт ва меъморчилигимизда, боринги, меҳнат қуроолларимизда ҳам зухур этиб турибди. Маълумки, ўзбек миллати келиб чиқиш жиҳатидан туркийдир. Лекин қонимизда бошқа ирқ қони томчилари ҳам йўқ эмас. Ўзбек миллати диний жиҳатдан ислом динига ихлос билан эътиқод қилади, бошқа диндаги миллатдошларимизни ҳозир учратиш амримаҳол.

Миллат, бир сўз билан айтганда, маънавият бирлигидир Маънавият - давлат асоси, давлат эса маънавият суянчиги.

Абай ўз миллатини ниҳоятда севган мутафаккир. У ҳеч кимни ҳақорат қилмоқчи ёки камситмоқчи эмас: бу аччиқ гаплар халқ дардида ўртанган мутафаккирнинг аламли фикрларидир. Абай одамларнинг торлашиб, майдалашиб кетаётганидан, ердаги ўз инсоний вазифаси ва масъулиятини бажармаётганидан ғазабланади: "Сукротга оғу берган, Ионна Аркни оловга ташлаган, Исони дорга осиб, пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи ва салламни туянинг ўлимтигига кўмган

ким? Халқ! Шундай бўлгач халқда ақл йўқ. Йўлини топ-да, халққа раҳнамолик қил".

ВАТАН - курраи заминимиз бутун Ер юзиди яшаётган беш миллиарддан зиёд халқлар ва ҳар бир халқ учун тақдиран ва тарихан ато этилган ҳамда чегараланган ҳудуддир.

Ватан атамаси аслида арабча сўзи бўлиб, она юрт маъносини билдиради. Ватан тушунчаси кенг маънода ва тор маънода ҳам қўлланилади. Бир халқ вакиллари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши туғилаб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир. Ўзбеклардаги фалончи ватанли бўлди, дейилганда ўша одам уй-жойли, бошпанали бўлди, деган маъно англашилади. Ҳазрат Алишер Навоий Ватан тушунчасини она юрт, ўрин, туғилаб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида ишлатганлар. Шунингдек, Ватан калимаси бадиий адабиётда кучма маънода кунгил мулкининг маскани тарзида ҳам қўлланилади.

Қаро кўзим кел эй мардумлиғ эмди фан қилғил,

Кўзим қаросига мардум киби Ватан қилғил.

Алишер Навоий.

ВАТАНСЕВАРЛИК - ўзбек халқига хос бўлган хислатдир. Биз Ватанимизни севамиз, у биз учун бамисоли нафас олаётганимиз мусаффо ҳаво кабидир. Ҳавосиз ҳаёт йўқдир. Ўзбек ватанпарварлиги унинг маърифатли фарзандлари тимсолида, қалбида саўланиб келган, зуҳур этмоқда ва сақланажак! Саодатли келажакка ҳозир, ҳар дақиқада улш қўшмоқ Ватанга муҳаббат, ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран идрок этиш, унга

чин фарзандларча муносабатда бўлиш, ундан бир ҳисса нарсга олинса, юз ҳисса қилиб қайтариш Ватанни англаш ва ардоқлашнинг яна бир кўринишидир.

Ер юзида мамлакатимиздан бошқа турли хил давлатлар кўп, лекин инсоннинг туққан онаси битта бўлганидек, ўзбеклар учун Ўзбекистон ҳам ягонадир. Она бағри гўдак учун қандай ҳаётбахш бўлса, Ўзбекистон биз учун шундай ҳузурбахшдир. Бу туйғуни туюш учун Ватанни шндай севмоқ керак. Бунинг учун соғлом, ақлли ва ўтюррак бўлмоқ лозим.

Ж.Байрон (инглиз шоири). Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

Ф.Вольтер (француз адиби). Ватанга бўлган муҳаббатим мени ажнабийлар ютуғидан кўз юмишга мажбур қилмайди. Аксинча, Ватанга муҳаббатим қанчалик кучли бўлса, Ватанимни жаҳондаги хазиналар билан шунчалик бойитгим келади.

Ж.Руссо (француз мутафаккири). Саховатнинг энг буюк жасурликлари Ватанга бўлган муҳаббат туфайли вужудга келади.

6 - Машғулот: Ахлоқнинг асосий мезоний тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар.

Р е ж а:

1. Ахлоқшуносликнинг асосий мезоний тушунчалари.
2. Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар
3. Оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари
4. Баркамол инсоннинг ахлоқий тарбияси.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Ихтиёр эркинлиги, Ахлоқий танлов, Масъулият, Ахлоқий тараққиёт, Ахлоқ тузилмаси, Ахлоқий онг (англаш), Ахлоқий ҳиссиёт, Ахлоқий муносабатлар, Мақсад ва восита, "қорин фалсафаси", Дин ва ахлоқ, Сиёсат ва ахлоқ, Ҳуқуқ ва ахлоқ, Санъат ва

ахлоқ, Фан ва ахлоқ, ахлоқ ва мафкура.

Ахлоқ тузилмаси

АХЛОҚ

Ахлоқий онг

Одат ва анъаналар

Ахлоқий туйғу

Ахлоқий ҳиссиёт

Ахлоқий ишонч

Шахсининг ахлоқий сифатлари

Ахлоқий амалиёт

Шахсининг хатти-ҳаракатлари

Хулқ ва унда ахлоқий мотивларининг мавжудлиги

Ахлоқий эркинлик

Шахсининг ижтимоий манфаатлари

Ахлоқий муносабатлар

Бошқарув (регулятив) муносабатлар

Куриқлов муносабатлари

Ахлоқий нормалар

Ахлоқий баҳолар

Ахлоқий фаолият



Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар



Гуманизм фалсафаси.

I- давр. XIY- XY асрлар. Италияда намоён бўлди.

Намояндалари:

1. **Данте Алегверри** (1265-1321й.). Асарлари:”Комедия”, “Зиёфат”,”Монархия”.

2. **Марсимей** (1278-1348й.). ”Дунё ҳимоячиси” рисоласи бор.

3. **Франчистка Патрарка** (1304-1379й.) - ”Биринчи гуманист”, “Гуманизм отаси” номлари билан машҳур бўлган. Ўз шахсий билимсизлиги ва ўзгалар билимсизлиги ҳақида” – рисоласи аверроизмга қарши. “Менинг сирим” фалсафий асар.

4. **Жовани Баккачо** (1313-1375й.) - ”Декамерон”, “Нозон ва қаллоб” асарлари.

5. **Лоренцио Валла** (1407-1457й.)

6. **Георгио. Гелиегос. Платон** (1360-1425й.) – 1459 Платон Академияси очилди.

7. **Марсимео Фичино** (1522-1495й.). Асари-“Жоннинг ўлмаслиги ҳақида” Платон илоҳиёти.

8. **Пьетро Помпонацци** (1462-1525 й). Янги уйғониш даври аристотелизм. Асарлари: “Табиат ҳодисаларининг сабаблари”,”Тақдир, ирода эркинлиги ва илоҳиёт башорат ҳақида”, “Жоннинг ўлмаслиги ҳақида”.

9. **Николо Макиавелли** (1459-1527 й.).

Гуманизм фалсафаси

2 давр – “Ижтимоий гуманизм” – Англия, Франция, Нидерландия, Германия, Швейцария, Испания, Польша, Венгрия.

Намояндалари

1. Эразм Роттердамский (1469-1536 й). – голландиялик. Асарлари: “Тентакликка ҳамду санолар”, “Метал иборали тўплам”.

2. Пьер де ла Рамс (1515-1572й). Мантиқ соҳасида фикр юритган.

3. Уйғониш даври скептицизми Мишель де Монтень (1533-1592й). У инсон шахсининг мустақиллиги ва эркинлиги ғоясини илгари суради. Риёкорлик руҳиятига қарши чиқади.

4. Пьер Шаррон (1541-1603 й). “Донолик ҳақида” асари. Скептик.

5. Николай Кузанский (1406-1464 й).

6. Николай Коперник (1473-1543 й).


7. Жордано Бруно (1548-1600 й).

8. Галилео Галилей (1564-1641 й).

9. Томас Мор (1478-1535 й).

10. Томазо Намнанелла (1568-1639 й).

Оила – илк ахлоқий маскан



ИХТИЁР ЭРКИНЛИГИ - Инсондаги ихтиёр эркинлиги зарурият талаби билан оқилона, ақлга бўйсундирилган равишда, чекланади, яъни нисбийлашади. Акс ҳолда, муайян бир, бир неча инсон ёки гуруҳнинг бетийиқ эркин ихтиёри нафақат бошқа инсонлар ва гуруҳлар, балки наботот, ҳайвонот олами, бутун дунё учун фожеага айланиши мумкин. Ихтиёр эркинлигини бундай чеклашнинг, ақлга бўйсундиришнинг асосий воситаси ахлоқдир.

АХЛОҚИЙ ТАНЛОВ, МАСЪУЛИЯТ - Ихтиёр эркинлиги туфайли инсон ҳар қадамда ахлоқий танлов муаммосига дуч келади. Бу муаммо кишида масъулият ҳисси борлигидан далолат беради. Масъулиятни, ўзгалар ва ўз виждони олдида жавобгарликни сезмаган киши хоҳлаган ишга қўл уриши мумкин - уни ўз қилмишининг оқибати қизиқтирмайди, у фақат манфаат устуворлигини тан олади, холос. Ундай одамни ахлоқсиз деб атайдилар. Зеро инсон ё эзгуликни,ёвузликни танлаши туфайли ниманидир ихтиёр этади: ахлоқий танлов - ҳар бир ҳатти-ҳаракат, ҳар бир қилмишнинг ибтидо нуқтаси.

Умуман, инсон ва жамият ахлоқий ҳаётида танловнинг аҳамияти беқиёс. Масалан, тарихдан бир таъсирчан воқеани олиб кўрайлик: Бозорда мутасаввиф аллома, озарбайжон, эски ўзбек (туркий) форс тилларида ўлмас асарлар яратган буюк шоир Имоиддин Насимийнинг ғазалини ёд ўқиётган бир ёш йигитни куфрда айлаб,ҳибсга оладилар. Йигит олдида икки йўлдан бирини танлаш турарди: ё пири Насимийни сотиш ва тавба қилиб, банддан озод бўлиш ёки ғазални ўзимники деб, ўлимга тик бориш. Покдомон, ор-номусли йигит иккинчи йўлни танлайди. қози унинг терисини шилишга буюради. Оломон - томошобинлар йиғилади. Шу пайт Насимий келиб қолади. Воқеадан хабар топган Насимий олдида ҳам энди танлов турарди - танламасликнинг иложи йўқ эди: ё ўзини ошкор қилиб,ёш йигитни жаллод қўлидан қутқозиши ва унинг ўрнини эгаллаши, ёки оломон орасидан секин сирғалиб чиқиб кетиб, шогирдининг ўлимга маҳкум этилиши эвазига ўз жонини асраб қолиши керак. Буюк мутасаввиф шоир биринчи йўлни танлайди: ўзини жаллод қўлига тутқазиб,

беғуноҳ йигитни озод этади. қози Насимийнинг терисини шилишга буюради. Жаллод ишга киришади, атрофга қон сачрайди. Шунда қози одамларга, нари туринглар, бу кофирнинг томчи қони сачраб келиб унинг жижалоғига тегеди. Оломон қозидан бармоғини кесиб ташлашини талаб қилади. Энди қозининг олдида танлов турарди: ё бармоғини кесишга бериб, гапининг устидан чиқиши ёки гапидан қайтиб, шармисор бўлиши керак. қози ахлоқий нопок, кўрқоқ ва худбин одам сифатида гапидан қайтади. Насимий эса қийноққа мадонавор чидаб, чурқ этмайди, аксинча қозининг аҳволини кўриб, истехзоли кулади ва сўнгги ғазалини ёддан айтади. Насимийнинг бу жасорати асрлардан-асрларга ўтди, не-не шоирларнинг шеърларида мадҳ этилди, ўзи эса инсоний поклик ва юксак ахлоқийликнинг ўлмас тимсоли бўлиб қолди.

Шундай қилиб, ушбу мисолда уч хил танловни, уч хил масъулиятни ва ихтиёр эркинлигидан уч хил фойдаланишни кўрдик. Демак, ҳар бир инсоннинг бу дунёда ахлоқий танлов синовидан ўтмаслиги мумкин эмас.

АХЛОҚИЙ ТАРАҚҚИЁТ - Инсоният тарихида ахлоқий тараққиёт бўлган ва у давом этиб келмоқда. Тўғри, бу давом этиш қатъий тадрижийликка эга эмас. У гоҳо сусайиш, баъзан эса бир оз ортга чекиниш, баъзан бир қанча муддат қоим туриш хусусиятларига эга. лекин катта даврлар ва тарихий оралиқларни олиб қарайдиган бўлсак, ахлоқий тараққиётнинг мавжуд эканига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. мустабид тузумлар ва шахслар келтириб чиқарган ахлоқий таназзуллар ҳаммаси қисқа муддатли ҳамда ўткинчи ҳодисалардир. Зеро инсоннинг асосий моҳияти ўзини ва ўз жамиятини тараққий эттириб бориш билан белгиланади. Ахлоқ эса ана шу тараққиётдан ҳеч қачон четда турмайди.

АХЛОҚ ТУЗИЛМАСИ - Ахлоқ ҳақида гап борганда, албатта унинг муайян тузилмаси, унга асос бўлган омиллар, унсурлар тўғрисида тўхталмаслик мумкин эмас. Ахлоқ тузилмасини, одатда, уч омил асосдан иборат деб ҳисоблайдилар. Булар - ахлоқий анг-

лаш (ахлоқий онг) ва ахлоқий ҳис этиш (ахлоқий ҳиссиёт) ва ахлоқий муносабатлар (ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар). Баъзи мутахассислар (чунончи, машҳур рус ахлоқшуноси А.И.Титаренко) ахлоқшунослик мезоний тушунчаларини (категорияларни), ахлоқий меъёрлар ва тамойилларни ахлоқ тузилмаси тарзида тақдим этадилар. Бизнинг нуқтаи назаримиздан бу фикр унчалик тўғри эмас. Чунки мазкур тушунчалар, тамойиллар ва меъёрлар кўпроқ ахлоққа эмас, балки уни ўрганадиган фанга - ахлоқшуносликка тааллуқлидир. Умуман шни айтиш керакки, ахлоқшунослик фанида анча-мунча чалкашликлар мавжудки, уларнинг сабабини мазкур фаннинг бошқа фанларга нисбатан алоҳида хусусиятларга эгилигидан, яъни унда кўп ҳолларда илмий-назарий жиҳатларнинг илмий-амалий томонлар билан омухталашиб кетганидан кидирмоқ лозим.

Шундай қилиб, ахлоқ тузилмаси уч асосий омилни: **ахлоқий англаш, ахлоқий ҳис этиш ва ахлоқий муносабатларни** ўз ичига олади. Айни пайтда ана шу омилларнинг тузилмадаги ўрни, тўғрироғи, мавқеи масаласида ҳам турли хил қарашлар мавжуд.Баъзи ахлоқшунослар ахлоқий англашни, бошқа бировлар ахлоқий ҳиссиётнинг ўзини асосий унсур деб талқин этадилар.

АХЛОҚИЙ ОНГ АНГЛАШ, АХЛОҚИЙ ҲИССИЁТ, АХЛОҚИЙ МУНОСАБАТЛАР, МАҚСАД ВА ВОСИТА - Ахлоқий англашнинг тузилмадаги етакчилик мавқеига, тўғрироғи, асосий унсур сифатидаги ўрнига келса, уни бу тарзда талдқин этиш, бизнингча, тўғри эмас.Ваҳоланки, шўролар даврида ва ҳозирдаги рус олимлари орасида баъзи Ўарбдаги замонавий ахлоқшунослик йўналишларида ана шундай қараш ҳукмрон эканини кўрамиз. Аслида эса, тузилмада пойдевор унсур сифатида ахлоқий ҳиссиёт ёки ахлоқий ҳис этиш намоён бўлади. Тўғри, жуда кўп ҳолларда бирор бир ахлоқий қарорнинг амалга ошуви узоқ ёки қисқа вақт мобайнида ўша қарор оқибатлари тўғрисида онгли равишда хулоса чиқаришга, уларни аввалдан англаб етишга уриниш билан боғлиқ бўлади, яъни биз ўз ҳатти-ҳаракатларимизни ахлдоқий

англаш элагидан ўтказиб, фаолият кўрсатамиз. Лекин ўша англаб амалага оширилган ахлоқий қарор тубида, сўзсиз, ахлоқий ҳиссиёт ётади. Демак, ахлоқий ҳис этиш ахлоқий англаш учун материал вазифасини ўтайди.

Баъзан эса ўша "материал" - ҳиссиётнинг ўзи ахлоқий англашни четлаб ўтиб, муосабат тарзида намоён бўлади. Бунга инсоннинг фавқулодда ҳолатлардаги ҳатти-ҳаракати мисол бўла олади. Дейлик, юқори тезликда кетаётган автомобиль олдидан йўл ўртасига,коптокни қувиб, гўдак чиқиб қолди. Ҳайдовчи тормозни босиш баробарида, шу заҳоти машинасини кескин четга буради. Бола омон қолади, ҳайдовчи жароҳатланади, машина пачоқ бўлади. Бу ҳолатда ҳайдовчининг гўдакка нисбатан, меҳр-шафқати, **АЧЕНИШ ҲИССИ**, инсон боласини олий қадрият сифатида ҳис қилиши муҳим роль ўйнайди. Ҳайдовчи ўз ҳатти-ҳаракатини "оқилона қарорга" келиши учуе, "етти ўлчаб, бир кесиб" амалга оширмайди - ҳамма нарса бир лаҳзада рўй беради. Бунда англаш эмас, онг эмас,оний интуиция, ўз қавмдоши ҳаётини асрашдек табиий-биологик ҳиссиёт-инстинкт ҳал қилади, яъни мазкур ҳиссиёт том маънодаги англаш даражасига кўтарилиб улгурмасданоқ муносабатга айланади.

ВОСИТА - Бирон мақсадга эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарса, қурол.

ТАРБИЯ - Ушбу тушунчани изоҳлашда биз Туркистон маърифатчи жадидларидан Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ"асаридан фойдаландик.

"Педагогия" яъни бола тарбиясининг фани демакдур. Илми ахлоқнинг асоси тарбия ўлдуғиндан шул хусусда бир оз сўз сузлаймиз. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак,яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдир. Тарбия қилгувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни баланинг вужудидаги жаҳл марказига "яхши хулқ" деган

давони ичидан,"поклик" деган давони устидан беруб, катта қилмоғи лозимдур. Зероки,(Ҳассину ахлоқикўм) амри шарифи узра хулқимизи тузатмакға амр ўлинганмиз.Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур.

Ахлоқимизнинг биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур. Баъзилар "тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсарлар, табиат ўзгармас",

"Ёмон хў тузалмайди дармон ила,
Ипак ўлмас ип,ранги алвон ила,
Бокинг, бир дарахт мевасидур ёмон,
Бўлур яхши пайванд, парво билан.
Билур ҳар киши аслини рангидан,
Ва ёким улангандаги зангидан"- демишлар.

Лекин бу сўз тўғри эмасдур. Чунки тарбиянинг ахлоққа, албатта таъсири бўладур. Орамизда масал борки, "сут ила кирган, жон ила чиқар", мана бу сўз тўғридур. Расули акрам набиййи мухтарам саллоллоҳу лайҳи вассалам афандимиз:

"Бешикдан то мозорга боргунча илм ўрган",- демишлар. Бу ҳадиси шарифнинг маъноси бизларга далилдур.Ҳукамолардан бири:"ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлидур",-демиш. Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядур. Пайғамбаримиз: "Болаларингизни етти ёшида намозга ўргатингиз.Агар ўн ёшида ўқумаса урингиз", - демишлар.

Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият,
Балки охирида эрур доруламони тарбият.
Тарбият ҳамроҳ этадур ҳур ила рузвонлара,
Гар десам бўлмас хато жаннат макони тарбият.
Эй оталар!Жонларингиздан сучук фарзандингиз,

Ғайрат айланг ўтмасун вақт-замони тарбият.

Мояи зилли хумодур тарбиятнинг сояси,

Бизда анқо тухмидек йўқ, ошёни тарбият.

ОИЛА - Барча нарса жуфт-жуфт бўлиб яратилган экан, жуфт бўлиб яшаш табиат тақозосидир. Лекин оила бўлиб яшаш барча махлуқот орасида фақат Одам наслига хосдир. Ер юзида биринчи марта Одам Ато билан Момо Ҳаво тузишган. Улар узоқ айрилиқдан кейин бир-бирларини жуда соғиниб қолишгач, дийдор кўришганлар. Муҳаббат тарихи ҳам биринчи отамиз ва биринчи онамиздан бошланади, десак, янглишмаймиз.

Оила эр-хотин, уларнинг бола-чақалари, энг яқин туғишганларидаен иборат кишилар гуруҳи, бошқача айтганда хонадонидир. Оила одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир. Оиланинг биринчи вазифаси ўз насл-насабини давом эттиришдан, солиҳ ва солиҳа фарзандларни тарбиялашдан, оила аъзоларининг тирикчилигини, бўш вақтини кўнгилли ўтказишни таъминлашдан иборатдир.

ДИЁНАТ - инсон ахлоқий фазилатларининг энг олий мақомижир. Бу ҳақда Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида шундай дейилган: "Диёнат аллоҳ ҳузурина яқин қиладурган муқаддас эътиқоддурки, оламда мундан суюкли нарса йўқдур.

Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойдани зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, мундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга, ва на миллатга тарикча фойда йўқдур. дин жаноби ҳақ тарафидан бандалари учун қурилмиш тўғри йўлдурки, банда дунё ва охиратда бу йўл ила соҳили саломатга чиқар. Дин уламолари диний китобларда аллоҳ таолога ибодат қилишни йўл ва қоидаларини баён қилмишлар. Ибодат икки турли бўладур. Бири тан ибодати, иккинчи руҳ ибодати. Тан ибодати таҳорат, намоз, рўзу, закот, ҳаж каби амаллардурки, буларнинг ҳар бирини ўз вақтида

шариатга мувофиқ равишда миннат қилмасдан, риё қилмасдан дилни поклаб, ниятни холис қилуб, шавқ ва завқ ила адо қилмоқ лозимдур. Рух ибодати қалб ила адо қилинадурган ибодатдурки, эътиқодни маҳкам, дилни пок қилуб, куръон, Ҳадис, фикҳ каби диний китоблар ўқилганда жон қулоғи ила тинглаб асарланмакдур. Бир киши тан ибодатини қилуб, рух ибодатини қилмаса ўз вазифасини адо қилмаган бўладур".

"ҚОРИН ФАЛСАФАСИ" - ушбу қоидага асосан, инсонни фақат қорни тўқ, бир хилда фмкрловчи коммунистик жамоа тузуми материализмни - моддиятчиликни илоҳийлаштириш баробарида маънавиятга етарли эътибор бермади, уни иккинчи даржали унсур деб ҳисоблади. Бизнинг ҳозирги эркин жамиятимиз эса, моддиятчиликнинг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, маънавиятчилик йўналишини устувор санаб, инсонни энг аввало, маънавиятли шахс, ўз фикрига, ўз сўзига, ўз эркига эга маънавий индивид, қолаверса фуқаролик жамиятининг аъзоси эканини, эътироф этади. Нафақат эътироф этади, балки ана шу йўналишда жуда катта ишларни амалга оширишни асосий вазифаси деб билади.

ДИН ВА АХЛОҚ - моҳиятан дин инсон ҳаётининг ахлоқийлигини тақозо қилади. Шу боис диний-шаръий тамойиллар ва меъёрлар ҳадиси шарифдаги ўғитлар ахлоқ-одоб қоидалари билан чамбарчас боғлиқ. Чунончи, инсон энг олий қадрият сиатида қатъий муҳофаза этилади. Одам ўлдириш мумкин эмас, одам ўлдириш энг улкан ахлоқсизлик ҳисобланади. Ўғрилиқ, бировнинг ҳақини ейиш, мунофиқлик, алдаш, ёлғон гапириш ва шу каби бошқа турли иллатлар ҳам диний-шаръий, ҳам ахлоқий нуқтаи назаридан ман этилади. Аксинча, инсонни эъзозлаш, одамларнинг бир-бирига кўмакдош бўлиши, тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳалоллик, раҳмдиллик, қавмдоши қандай юксак даражада бўлмасин, унга хушомад қилишдан тийиниш, фақат Яратгангагина сиғиниш сингари фазилатлар айна пайтда ҳам диний тақво, ҳам ахлоқий талаб томонидан маъқулланган хатти-ҳаракатлардир. Шу боис ахлоқни диндан мустақил, мухтор маънавий

ходиса сифатида талқин этувчи марксча-ленинча қарашлар мантикий ва илмий асосга эга эмас. Дин, таъкидлаганимиздек, инсонни ахлоқийлаштиришнинг воситаси тарзида иш кўради. Демак, диний тақво билан ахлоқий талабнинг илдизи бир. Ҳар икки ҳолатда ҳам виждон кўзга кўринмайдиган бошқарувчи мурват сифатида намоён бўлади. Бу - ботиний кўриниш; зоҳирий кўриниш эса шаръий ҳукмлар ва ҳукукий қонунларда ўз аксини топади.

ҲУҚУҚ ВА АХЛОҚ - ахлоқий талаб ҳукукий қонун-қоимдалада ўз аксини топади дейиш билан биз ахлоқ ва ҳуқуқнинг мстаҳкам алоқага эга эканини тасдиқлаб турибмиз. Зеро аслида ҳам шундай. Муайян жамиятдаги ҳукукий қонун-қоидалар ўша минтақа халқи томонидан асрлар мобайнида ишлаб чиқилган ахлоқий ақидалар, тамойиллар, меъёрлар,шунингдек, нисбатан умумийлик хусусиятига эга бўлган урф-одатлар замирида вужудга келади. Лекин баъзи бир урф-одатлар, анъаналар ҳукукий меъёрлар даражасига кўтарила олмаслиги ҳам мумкин. Бунинг сабаби, уларнинг, аввало, нисбатан хусусий табиатга эга бўлганида, қолаверса, ахлоқий ва ҳукукий тараққиёт талабларига жавоб бера олмаслигида. Масалан, жоҳилият даврида арабларда қиз туғилса, уни тириклақ кўмиб ташлаш одати бўлган. Кейинчалик, мусулмонлик ёйилганда, бу одат ғайри муслимлик одати сифатида рад этилди. Ҳозирга келиб, ундай ҳодиса ҳукукий қонунлар асосида жиноят деб қаралади. Ёки бизнинг минтақада қадимда мавжуд бўлган хун олиш одати ҳам ҳозирда жиноят сифатида жазога лойиқ ҳисобланади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Кўриниб турибдики, ахлоқ ва ҳуқуқ, гарчанд, бир илдизга эга бўлса-да, уларнинг жамият ахлоқий ҳаётини бошқарув усули ҳар хил: ахлоқ асосан тушунтириш, панд-ўғитлар воситасида иш кўрса, ҳуқуқ мажбурий усул, жазо чоралари орқали иш олиб боради. Айни пайтда, шуни ҳам айтиш керакки, ҳуқуқ ахлоққа нисбатан анча аиқ ва анча муайян ички бўлинишларга эга. Чунончи, халқаро ҳуқуқ, фуқаро ҳуқуқи, жиноий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи ва ҳ.к. нисбатан

катъий чегараланган ҳуқуқий меъёрлар мавжуд. Ахлоқ эса ҳуқуққа нисбатан анча кенг қамровли. Чунончи, ҳуқуқий қонунлар мавжуд тузумга, муайян шахс ва ёш доирасидаги кишиларга тадбиқ этилса, ахлоқий қоидалар, ҳикматлар, панд-ўғитлар барча тузумлар ҳамда турли ёшдаги кишиларга тааллуқли бўлади. Шунингдек, ҳуқуқий меъёрлар аниқ адресни тақозо қилади, ахлоқий қоидалар эса мавҳумлиги ва умумийлиги билан ажралиб туради.

АХЛОҚ ВА СИЁСАТ - ахлоқшунослик тарихида ахлоқ ва сиёсатнинг муносабатлари борасида икки хил қараш мавжудлигини кўриш мумкин. Уларнинг бирига кўра, сиёсат ахлоқий бўлмоғи лозим, иккинчисига биноан эса сиёсат ахлоқ билан сиғишмайди.

Биринчи қараш моҳиятан ахлоқни сиёсатдан юқори қўяди: сиёсат ахлоққа бўйсундирилиши шарт. Бошқача қилиб айтганда, мақсадлар ва воситалар бирлигига эришмоқ лозим, яъни буюк, покиза идеаллар фақат ахлоқий пок воситалар орқали амалга оширилмоғи керак. Лекин бунда ахлоқ сиёсат вазифасини бажармаслиги лозим. Акс ҳолда муайян давлат институтларининг, хусусан, ҳуқуқ-тартибот ва ҳарбий идоралар сингари ташкилотларнинг ишини ортиқча даражада чеклаб, уларни жуда заифлаштириб қўйиш мумкин.

Иккинчи қараш эса, моҳиятан сиёсатнинг ахлоқ билан ҳисоблашмаслигини тақозо этади. Бу қараш тарафдорлари ахлоқни сиёсатга бўйсиндиришни, ундан, керак пайтида тамомила юз ўгириш лозимлигини таъкидлайдилар. Улар наздида, ахлоқ буюк идеалларга эришув йўлидаги бир ғов, жамиятни умуминсоний қадриятлар билан ўралаштириб қўяди, кўнгли бўшликка, сусткаштликка, пировард натижада бошбошдоқликка олиб келади. Шу боис буюк мақсадларга тезроқ эришиш учун ҳар қандай воситадан фойдаланиш мумкин.

Ахлоқ билан санъатнинг ўзаро алоқалари ҳақида гап кетганда, энг аввало, уни эт билан тирноқ тарзидаги яқинлик эканини таъкидламоқ

лозим.Чунки ҳар бир ҳақиқий санъат асарида асосий зиддият сифатида эзгулик билан ёвузликнинг кураши инъикос этади,инсонпарварлик,ҳақиқатгўйлик, тўғрилиқ,адолат,мухаббат, садоқат сингари фазилатлар тараннум этилади,тақдир ўлим ва ўлмаслик,ҳаётнинг мазмуни,бахтга эришиш сингари муаммолар ўртага ташланади.Ахлоқий идеал муаммоси эса ҳар бир бадиий асарнинг шохтомири ҳисобланади.Масалан,Алишер Навоийнинг Фарходи,Ширини,Шекспирнинг Ромеоси,Жульеттаси,Ойбекнинг Навоийси мазкур муаллифлар асарларидаги ахлоқий идеаллардир.Уларсиз Навоий,Шекспир ва Ойбек асарларини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ахлоқнинг фан билан ўзаро алоқадорлиги масаласи ҳам муҳим.Баъзи бир қарашларга кўра,ахлоқнинг фанга алоқаси йўқ.Бундай қарашларни тўғри деб бўлмайди. Зотан ахлоқшунослик тадқиқот объекти сифатидаги ахлоқнинг мақомиеъ унинг фанга алоқадорлигини кўрсатиб туради.

Айниқса, ахлоқнинг ижтимоий фанлар билан алоқаси миқёслидир. Чунончи, кўпгина илмий қарашлар, назариялар инсонни бевосита ёки билвосита юксак ахлоқ эгаси, донишманд ва ҳалол инсон бўлишга чақиради.

АХЛОҚ ВА МАФКУРА - Тарихдан ахлоқийликни четлаб ўтишга ёки уни ахлоқсизликка ниқоб қилиб, ахлоқни сохталаштириб умр кўришга уринган мафкуралар ҳам бизга маълум. Улар, одатда, муайян давлатнинг ягона мафкураси деб эълон қилинади ва у миллатга ёлғон воситада сингдиришга уринилади. Олмонияда ҳитлерчилар илгари сурган миллий социализм мафкураси ёки собиқ шўролар иттифоқидаги коммунистик мафкура шулар жумласидандир. Ҳар иккала мафкура ҳам ўзини тан олганлардан "мафкуравий душманлар"ни жисман йўқотишни талаб этди - энг буюк ахлоқсизликни ахлоқийлик сифатида тарғиб қилди.

МУҲАББАТ - бош мезоний тушунча сифатида деярли барча асосий тушунчаларда ва тамойилларда ўз "ҳисса"сига эга. На эзгуликни, на яхшиликни, на ватанпарварликни, на инсонпарварликни муҳаббатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Муҳаббатнинг объекти доимо гўзаллик, манфаатсиз гўзаллик. У - Оллоҳми, Ватанми, ёрми муҳаббат эгасига ундан-да гўзалроқ нарсга йўқ. Айни пайтда бир объектни севган киши бошқа объектларни ҳам севмаслиги мумкин эмас. Дейлик, ёрга бўлган ҳақиқий муҳаббат, Ватанга, инсониятга муҳаббатни инкор этмайди, аксинча барқарор қилади. Зеро "ўз-ўзича", якка, "худбин" муҳаббатнинг бўлиши мумкин эмас. Инсон ўзи ўзгага айланганда, ўзгани ўзига айлантира олганида ҳақиқий муҳаббат эгаси ҳисобланади. Мана шу объект билан субъект орасидаги фарқнинг йўқолиши энг буюк , энг мукаммал лаззатдир. Буни мавлоно Фузулий ниҳоятда гўзал қилиб, бир байтда шундай ифодалайди:

Ишқдур ул нашаъи комилким, андандур мудом,

Майда ташвири ҳарорат, найда таъсири садо.

Комил нашаъ, комил лаззатга фақат комил инсонга эриша олади. Демак, муҳаббат инсон ахлоқий ҳаётининг чўққиси, комиллик белгисидир. Шу боис ҳақиқий муҳаббат эгалари ёшлар томонидан доимо ахлоқий идеал тарзида қабул қилинади: Фарҳод ва Ширин, Ромео ва Жельетта, отабек ва Кумуш ва ҳ.к.

Муҳаббат ҳам, ахлоқшуносликдаги кўпгина тушунчалардек, "жуфтлик" хусусиятига эга, унинг зидди - нафрат.

НАФРАТ - муҳаббат тушунчасининг акси бўлиб, муҳаббат сингари кенг қамровли эмас. У аксил муҳаббат арзида намоён бўлган объектдан четлашиш, ундан бегоналашишни тақозо этади. Ҳазар, жирканч ҳисси нафратнинг кундалик турмушидаги тор, "майда" кўринишидир. Нафратнинг улдарга нисбатан "йириклиги" унинг ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлишидир. Айни пайтда, бу тушунча ғазабдан кескин фарқ қилади. У, ғазабга ўхшабб ўз объектини йўқотишга интилмайди, ундан фақат юз буради. Кўринишдан, нафрат

кишида ёқимсиз таассурот уйёотса-да, аслида у асосан иллат эмас, ахлоқий фазилат сифатида инсоннинг виждонлилигидан, ботиний жасоратидан далолатдир.

Нафратдан ташқари яна рашк тушунчаси борки, у - ижтимоий ҳодиса эмас, фақат жинсий муҳаббат билан ёнма-ён келади.

ЭЗГУЛИК ВА ЁВУЗЛИК - Мезоний тушунчалар орасидаги яна бир жуфтлик - эзгулик ва ёвузлик, эзгулик ахлоқшуносликдаги энг асосий категориялардан. У инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатади - Тангри иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоён бўлади. "Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу аъмол" училиги "Авесто"дан тортиб барча муқаддас китобларда етакчи ўринни эгаллаши ҳам шундан. Эзгулик - инсон шахсининг комилликка, бахтга, жамиятни эса юксак тараққиётга етказувчи воситадир. У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади. Уни синфийлик ёхуд партиявийлик қобилигига ўраш мумкин эмас. Чунончи, "синфий душманни", яъни бирор бир шахсни ёки гуруҳни фақат бошқа синфга мансуб бўлгани учун жисман йўқотиш, қанчалик бўяб-бўжалмасин, эзгулик бўлолмайди. У том маънодаги ёвузликдир.

Эзгулик ва унинг зидди ёвузлик одатий, кундалик ҳаёт мезонлари билан ўлчанмайди, улар ҳам муҳаббат сингари қамровли ва ижтимоийлик хусусиятига эга. Эзгуликнинг ахлоқий идеал билан боҳлиқлиги ҳам шундан. Шу туфайли у амалиётда қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик сингари тамойилларни ўз ичига олади.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК - эзгулик ва ёвузлик ҳақида гап борганида, бу икки жуфтлик мазмунан бир эмасми, деган савол туғилади. Бу табиий. Чунки ҳозиргача яхшилик тушунчасининг кўпгина унсурлари эзгуликдан, эзгуликнинг баъзи унсурлари яхшиликдан жой олишини инкор қилиш мумкин эмас. Уларнинг зиддида ҳам шундай "сингиб кетиш" мавжуд.

Лекин бундай далиллар асло мазкур икки жуфтликни айнанлаштиришга асос бўла олмайди. Улар орасида қатъий фарқ мавжуд: эзгулик, юқорида айтганимиздек, ижтимоийлик хусусиятигига эга, яхшилик эса ундай эмас. У асосан шахснинг одобига, хулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса. Зеро унда, мардлик, очиққўнгиллилик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар тажассум топади. Муайян ижтимоий чекланганлигига қарамай, яхшилик ва ёмонлик ҳам анча анча қамровли мезоний тушунчалардан.

АДОЛАТ - Ахлоқшуносликнинг яна бир қамровли мезоний тушунчаси адолат. Адолат бор жойда ижтимоий жабрга, бебошликка йўл йўқ. Адолатнинг мезонийлик хусусияти, айниқса, ҳуқуқда дарҳол кўзга ташланади. Ҳуқуқ вазирлигининг ҳатто адлия вазирлиги деб аталиши, жиноятга яраша жазони белгиловчи, ҳукм чиқарувчи идораларнинг халқ суди, одил суд деган номлар билан юритилиши бунинг далилидир. Лекин, адолатни фақат ҳуқуқий тушунча сифатида талқин этиш тўғри эмас. У, юқорида айтганимиздек, кенг қамровли ахлоқий тушунча. У нафақат фуқаролар орасидаги муносабатларни, балки давлат билан халқ, жамият билан шахс ўртасидаги алоқалар мезонини ҳам ўз ичига олади. Халқ орасидаги минг йиллар мобайнида одил подшо идеалининг яшаб келгани бежиз эмас.

ВИЖДОН - Ахлоқшуносликнинг ниҳоятда таъсир доираси кенг тушунчаларидан бири виждондир. Виждон ҳам бошқа баъи ахлоқшунослик мезоний тушунчалари каби баҳолаш хусусиятига эга. Лекин бу баҳолаш ҳеч қачон объектга қаратилмайди, усубъектнинг ҳатти-ҳаракатларини баҳолайди, яъни унда субъект ўзи учун ички объект вазифасини ўтайди. Баъзан жамият талаблари билан виждон ўртасида ихтилофлар чиқиши мумкин. Бунда виждон эмас, жамият талабларининг ўткинчилик хусусияти, маълум маънода эскирганлиги айбдордир. Зеро виждон кўзга кўринмас, лекин улкан ва мутлақ айбсиз ахлоқий ҳодисадир. Кўпинча виждон тушунчаси ўрнида иймон иборасини учратиш мумкин.

БУРЧ - Яна бир муҳим мезоний тушунча бурч. Бурч тушунчасининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири - унинг вақт ва жамиятда муайянлашиш хусусияти. Чунончи, бир утзум ё жамиятда ижобий ҳисобланган бурч талаблари иккинчи бир тузум ёки жамият учун салбий маъно касб этиши мумкин. Собиқ шўролар фуқаросининг ўша даврдаги мавжуд тузум олдидаги бурчи ҳозирги кунда ўта салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

НОМУС - Мезоний тушунчалардан яна бир -номус.Номус тушунчаси бир томондан, бурч билан боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан, кадр-қиммат тушунчасига алоқадир. Зеро номус моҳиятан шахснинг ўз кадр-қимматиани англаб этиши, шу қадар кадр-қимматнинг жамият томонидан тан олиниси ёки олинмаслиги муносабати билан белгиланади. Гоҳо уни ор тушнчаси билан чалкаштириш, ҳоллари ҳам учраб туради.Лекин аслида, номусга нисбатан ор анча тор қамровдаги, нисбатан залварсиз тушунча, Чунончи, ориятли одам деганда, ўз сўзининг устидан чиқадиган, садақа тарзида қилинган мурувватлардан баланд турадиган шахс тушунилади. Беор одам эса - ўз шаънига айтилган гапларга парво қилмай, ишини бажариб кетаверадиған, айтилган-айтилмаган жойларга суқилиб кираверадиған сурбетнамо киши. Номуснинг эса тоши оғир - ижтимоийлик хусусиятига эга, кенг қамровли.Номус йўлида инсон ҳатто ўз ҳаётидан кечиши мумкин, одамлар ўз номуси, оила номуси, миллат номуси деб курашадилар. Бу ҳақда кўплаб бадий асарлар яратилган. Меҳнат, спорт сингари соҳаларда жамоа номуси ҳам алоҳида аҳамиятга эга: шу ўринда номус обрў тушунчаси билан боғланиб кетади.Буларнинг ҳаммаси ўзини ҳурмат қилиш, ўзига нисбатан атрофдагиларнинг ҳурмат-иззатини йўқотмаслик учун ўз-ўзини назорат қилиш ҳиссидан келиб чиқади.

ИДЕАЛ - мезоний тушунчалардан бири бўлиб ҳисобланади.Идеалда ҳам баҳолаш хусусияти мавжуддек туюлади.Лекин аслида у қиёслашга асосланади. Антиқа томони шундаки, идеалда номавжуд, ҳаёлдаги инсонга, воқеликка реал, мавжуд, ҳаётдаги ҳодисалар қиёсланади, яъни бор нарса йўқ нарса билан

ўлчанади.Зеро идеал ҳаётда мавжуд бўлиши мумкин эмас - бу ҳаммага аён гап. Бунинг устига, идеал ҳозирги замонда ҳам, келажакда ҳам бўлмайди, унинг мавжудлик шартини ўтган замон.Лекин , шунга қарамай, инсон идеал саринтилади, ўз ҳаётини унга қиёслайди, унга тақлид қилади.У инсон ҳаётидаги энг олий ахлоқий талабни, унинг бажарилиши шахсни комилликка етказди.Албатта, ҳаётда бундай бўлмайди, лекин инсон ана шу комилликни ўзига намуна қилиб, идеалга интилиб яшаши жараёнида нисбий комилликка эришади.

Дунёвий идеал билан, тўғрироғи, ижтимоий-ахлоқий билан диний идеал, бир қараганда, ўхшашдек кўринсада, аслида кескин фарқ қилади.Чунончи, мусулмонлар учун - Муҳаммад алайҳиссалом, насронийлар учун - ҳазрати Исо, яҳудо динидагилар учун - ҳазрати Мусо идеал ҳисобланади.Улар идеал сифатида ҳеч қачон ўзгармайди, боқий. Ижтимоий - ахлоқий идеаллар эса ўзгариши мумкин ва кўп ҳолларда ўзгариб туради.

ИНСОНПАРВАРЛИК - яқка ёлғиз фахрийларга, ногиронларга, серфарзанд оилаларига кумакка муҳтож бошқа фуқароларга ҳурмат эътибор ва хайр саховат курсатиш бугунги Ўзбекистонда давлат миқёсидаги анъаналар сафидан мустаҳкам жой олмоқда.Юртбошимиз Ислом Каримовнинг таъкидлашича:

"Инсонпарварлик - бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазиладир.Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир.Бизнинг халқимизнинг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди - маданият , илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди,ўзаро ниёлар,беғоналар асорати аламини тортди,энг яхши ўғил-қизларидан,жудо бўлди .Лекин тарихнинг ўйини ҳам,табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсоний табиатига доғ тушуrolмади.Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик,болаларга меҳр,катталарга ҳурмат,яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир".

Ўтмишда доноларимиз, жумладан,Ахмад Яссавий инсонпарвар-
лик,одамийлик,саховат,ғарибларга ёрдам масаласига алоҳда эътибор
беради.Буни бир қанча ҳикматларда куриш мумкин:

Ғариб,фақир,етимларни расул сурди,
Ўшал туни меърож чиқиб дийдор кўрди.
Қайтиб тушиб ғариб етим излаб юрди,
Ғарибларни изин излаб тушдим мано.

Ёки

Ғариб, фақир,етимларни Расул сурди,
Ҳақлар қилиб азиз жонинг айла қурбон.
Таом топсанг,жонинг била қилғил эҳсон,
Ҳақдин эшитиб,бу сўзларни айтдим мано.

Ахмад Яссавий нуқтаи назарида инсоннинг дунёси инсонпарварлик билан
обод.

МИЛЛАТПАРВАРЛИК- маълум бир маънода,ватанпарварлик тамо-
йилининг янада муайянлашган шакли.Зеро миллатни севиш кенг маънода
Ватанни севиш дегани.Ватансиз миллатнинг бўлиши ёки расмона эркин ва
бахтли яшаши мумкин эмас.

Лекин миллатпарварликни миллатчилик билан қориштириб юбормаслик
лозим. Миллатчилик ўз миллатини ажратиб олиб, унга буюклик, мақомини
беришга интилиш бўлса,миллатпарварлик, бошқаларни камситмаган ҳолда,ўз
миллати равнақи учун курашиш, бу йўлда, лозим бўлса,ўз ҳаётини ҳам фидо
қилиш демакдир.У инсонпарварлик билан ҳам чамдарчас боғлиқ. Чунки ўз
миллати билан бутун жаҳоннинг фахрланишини истайди. Чунончи, Навоий
дўппи билан тўн кийган ўзбекни ҳар қандай шоҳ жамолидан афзал кўради:

Шоҳ тожу хилъатеким, мен томоша қилғали

Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида шардоғи бас.

ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК, ЖЎМАРДЛИК сингари ахлоқий тамойиллар ҳам инсоният ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, тинчликпарварлик урушининг, қонтўкишнинг ҳар қандай кўринишини инкор этади. Баъзи улугъдавлатчилик ва буюкмиллатчилик руҳи ҳукмрон бўлган жамиятларда тинчликпарварлар қувғин қилинади, турмага ташланади. Лекин улар ўз тамойилларидан ҳеч қачон қайтмайдилар. Улар инониятни барча баҳсли масаларини тинч йўл билан ҳал қилишга чақирадилар, ер юзида тинчлик қрнатиш учун тинимсиз кураш олиб борадилар. Жўмардлик тамойили эса Шарқда қадимдан мавжуд. Оврўпада уни альтруизм номи билан Огюст Конт илмий муомалага киритган. У кишида ўз қавмдошига ачиниш ҳиссидан, унга бахт ва фаровонлик тилаш туйғусидан келиб чиқади, моҳият ҳам беминнат хайрияга асосланади. Бундан ташқари, бизнинг миллий ахлоқшунослигимизда ўзбекчилик, меҳмондўстлик каби тамойилар мавжуд. Улар миллатимизнинг энг яхши ананаларига садоқат туйғусидан келиб чиқади ва ўзбек кишисига хос бағрикенглик, дўстга, меҳмонга борини бағишлашдек фидойилик хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради.

Инсон ҳаётида ахлоқий меъёрлар ҳам катта эга. Улар тамойилларга нисбатан анча содда, умумлашмаган, тор қамровли. Уларни қукндалик ҳаётимизда маълум ахлоқий тамойилларнинг амалга ошиш мурувватлари ҳам дейиш мумкин, улар ахлоқий талабларнинг энг одди шакли сифатида рўёбга чиқади. Ҳалолик, ротгўйлик, хушмуомалалик, боодоблилик, камтарлик сингари меъёрлар айниқса, диққатга сазовор. Шунинг ҳам айтиш керакки, ҳалоликнинг унинг дастлабки тор диний мазмунида қайси таом ҳаром-у, қайсиниси ҳалол, деган маънода тушунмаслик лозим. У аллақачон умуминсоний маъно касб этган меъёрга айланган. Ҳалолик, ростгўйлик виждон тушунчаси билан боғлиқ,

инсоннинг ўзгага муносабати ўзига муносабатидек соф бўлишини талаб этувчи меъёрлардир.

Ўнлаб меъёрлар орасида бу иккисига тўхталишимизни сабаби шундаки, мустамлакачилик даврида, айниқса, шўролар ҳукмронлик қилган чораккам бир аср вақт мобайнида ёлғон, алдов, нопоқлик, ҳаромхўрлик, мунофиқлик сигари иллатлар халқимизга шу қадар усталик билан сингдирилдики, ҳозирги пайтда кўпчилик одамлар ҳалоллик ва ростгўйлик устидан ҳатто куладиган бўлиб қолганлар.

"қорин фалсафаси"га асосланган, инсонни фақат қорни тўқ, бир хилда фикрловчи коммунистик жамоа аъзоси қилиб тарбиялашга уринган шўролар тузуми материализмни - моддиятчиликни илохийлаштириш баробарида маънавиятга етарли эътибор бермади, уни иккинчи даражали унсур деб ҳисоблади. Бизнинг ҳозирги жамиятимиз эса, моддиятчиликнинг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, маънавиятчилик йўналишини устивор санаб, инсонни энг аввало, маънавиятли шахс,

МИЛЛАТ - Миллат фақат бир халқ вакилларидагина иборат тарзда шаклланмайди. Ҳозирги ўзбек миллатининг таркиб топишида барча туркий қабила ва уруғлар, олис ўтмиш, тарихдан илгариги замонлардан бошлаб Туронзаминда яшаб келаётган аجدодларимиз, шунингдек, қадим Суғд эли, Хоразм эди ва бошқалар ҳам иштирокётганлар. Бу ҳол тилимиз, дилимиз, қиёфамиз, урф-одатимиз, турмуш-тарзимиз, маданият, санъат, адабиёт ва меъморчилигимизда, борингки меҳнат қуролиларимизда ҳам зуҳур этиб турибди. Маълумки, ўзбек миллати келиб чиқиш жиҳатидан туркийдир. Лекин қонимизда бошқа ирқ қони томчилари ҳам йўқ эмас. Ўзбек миллати ихлос билан эътиқод қилади, бошқа диндагим иллатдошларимизни ҳозир учратиш амримаҳол.

Миллат, бир сўз билан айтганда, маънавият бирлигидир. Маънавият - давлат асоси, давлат эса маънавият суянчиғи.

ВАТАН - курраи заминимиз бутун Ер юзида яшаётган беш миллиарддан зиёд халқлар ва ҳар бир халқ учун тақдиран ва тарихан ато этилган ҳамда чегараланган ҳудуддир.

Ватан атамаси аслида арабча сўзи бўлиб, она юрт маъносини билдиради. Ватан тушунчаси кенг маънода ва тор маънода ҳам қўлланилади. Бир халқ вакиллари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши туғилаб ўсган уй, мағалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир. Ўзбеклардаги фалончи ватанли бўлди, дейилганда ўша одам уй-жойли, бошпанали бўлди, деган маъно англашилади. Ҳазрат Алишер Навоий Ватан тушунчасини она юрт, ўрин, туғилаб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида ишлатганлар. Шунингдек, Ватан калимаси бадиий адабиётда кучма маънода кунгил мулкининг маскани тарзида ҳам қўлланилади.

Қаро кўзим кел эй мардумлиғ эмди фан қилғил,

Кўзим қаросига мардум киби Ватан қилғил.

Алишер Навоий.

7 - Машғулот.Нафосатшуносликнинг тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари (2 соат)

Режа:

1. Нафосатшунослик - нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи фан.
2. Нафосатшунослик фани тадқиқот доираси.
3. Нафосатшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси.
4. Фаннинг мақсад ва вазифалари.

Таянч иборалар:

Нафосат, эстетика, гўзаллик фалсафаси, нафосатшунослик, нафосатшуносликнинг фалсафий моҳияти, нафосатшуносликнинг хусусиятлари, нафосатшунослик ва фалсафа, нафосатшунослик ва ахлоқшунослик, нафосатшунослик ва психология, нафосатшунослик ва социология, нафосатшунослик ва экология, нафосатшуносликнинг жамиятдаги ўрни, эстетика фани, эстетика фанининг асосий тушунчалари, эстетик амалиёт.

Эстетика-



бу нафосат олами, санъат ва бадиий ижод
жараёнлари қонуниятларини ҳис туйғу,
сезиш – идрок қилиш воситалари орқали
ўрганадиган фандир.

Вазифаси

1. Инсоннинг мақсад – манфаатларини эстетик бадиий воситаларда назарий асослаб берилади.
2. Эстетик маданият ва бадиий амалиёт асосларини ўрганади.
3. Эстетик назарияларнинг фалсафий асосларини очиқ беради.
4. Воқеликни эстетик инъикос этиш жараёнларини кўрсатиб беради.

Турлари

1. Ишлаб чиқариш эстетикаси.
2. Техника эстетикаси.
3. Табиат эстетикаси.
4. Инсоний муносабатлар эстетикаси.
5. Кундалик турмуш ва одоб эстетикаси.
6. Санъатнинг умумий эстетикаси.



НАФОСАТ - инсоннинг ўзига, ўзи яшаётган турмуш муҳитига ҳаводек зарур бўлган гўзалликдир. Нафосат шу қадар хилма-хил, ранго-ранг, жозибали, эҳтиросли, мўъжизали, сеҳрлики, унда моддий гўзаллик билан маънавий гўзаллик уйғун ҳолда чирой очиб туради. Инсоннинг нафосат оламини англашга интилиши атроф-воқеликни англашга интилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон моддий гўзаллик дунёсини бунёд этиш жараёнида маънавий гўзалликларни ҳам кашф эта борган, яъни нафосат оламининг яратилиши жараёни - уни англаш,мушоҳада этиш жараёни билан уйғунликда содир бўлган.

Нафосат оламини яратиш билан бир қаторда уни англаш, идрок этиш, ўзлаштириш мақсади, яъни нафосат оламини тадқиқ ва таҳлил этиш зарурияти пайдо бўлди. Айни маҳалда бу зарурият нафосат (эстетика) соҳасидаги билим ва тажрибаларни тўплашга имкон яратди. Нафосат оламини ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш заруриятини воқеликка айлантириш, мазкур соҳада илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, унинг моҳиятини одамларга англатиш, ўқитиш каби махсус вазифаларни эстетика фани ва ўқув дарси бажаради.

Нафосат қонунларига риоя қилган ҳолда воқеликни амалий ва маънавий ўзлаштириш жараёнида инсон фаолиятининг нисбатан мустақил соҳаси бўлган санъат муҳим аҳамият касб этади.

ЭСТЕТИКА - юнонча “эстетикос” сўздан олинган бўлиб “сезиш”, ҳис қилиш қобилияти”, “ҳиссий идрок” маъносини билдиради. Бу фан инсоннинг воқеликка эстетик муносабатлари ва инсоният бадиий ривожининг энг умумий қонун ва категориялари ҳақидаги фандир. Эстетика умуман дунёни билиш, сезиш билан боғлиқ бўлиб, инсоннинг бутун ҳаёти тарзида намоён бўлади. “Эстетика” сўзини илм-фан эстетикаси сифатида илк бор олмон файласуфи Александр Баумгартен (1714-1762) нинг “Поэтик асарнинг баъзи бир масалалари тўғрисида фалсафий мулоҳазалар” асарида истеъмолга киритилган. Лекин бу фан қадимдан вужудга келиб, XVIII асрнинг 2-чи ярмидан мустақил фан сифатида шаклланди.

ГЎЗАЛЛИК ФАЛСАФАСИ

Эстетика фани узоқ вақт шу ном билан таърифлаб келинган. Чунки эстетика сўзи кўпинча нарса ва ҳодисаларнинг ранг-туси ва шаклидаги мукамаллик,мутаносиблик,латофат маънолари мажмуи сифатида ҳам қўлланилади. Мовий осмон,қуёш ботишидаги қирмизи шафақ манзараси, янги очилган гулнинг таровати, оҳу қоматининг ўта гўзаллиги,товус патларининг нозик жилваси,сарв дарахтининг адллиги,камалакнинг рангин товланиши ва бошқаларни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин,чунки буларнинг ҳаммаси кишига завқ-шавқ бағишлайди. Мазкур тушунча кишиларнинг яхши феъл-атвори,муомаласи,нутқи,дид билан кийинишини ҳам англатади. Лекин

“гўзаллик фалсафаси” тушунчаси эстетика фанини тўла ёрита олмайди. Чунки гўзаллик эстетиканинг энг умумий категорияларидан биридир.

НАФОСАТШУНОСЛИК

Нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи фан бўлиб, ушбу сўзнинг синоними ўлароқ, эстетика тарзида ҳам ишлатилади. Шунингдек, нафосатшунослик фани “гўзаллик фалсафаси” деган ном остида ҳам маълум ва машҳурдир.

НАФОСАТШУНОСЛИКНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИАТИ

Нафосатшунослик - санъат ва бадиий ижод соҳасидаги умумий қонуниятлар ҳамда эстетик мезоний тушунчалар (категориялар) тизимини ўрганади.

НАФОСАТШУНОСЛИКНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нафосатшунослик ўз объектига фалсафий ёндашади. У бу билан санъатшунослик фанларидан фарқлантириб турувчи ўзига хос хусусиятга эга.

Эстетиканинг борлиқни эстетик ўзлаштириш моҳияти ва қонуниятлари ҳақидаги фан сифатида бир қанча хусусиятлари бор.


Булар:

- Эстетика фани инсон теваарак атрофидаги моддий ва маънавий бойликларнинг барчасини қамраб олади.

- Инсон фаолиятининг барча жабҳаларидаги нафосат оламини санъат турлари воситасида чуқур ўрганишга даъват этади. Санъат эса - эстетик бойликларни яратиш манбаидир.

- Санъатни илмий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этиш билан эстетик фаолиятнинг барча кўринишларига илмий жиҳатдан ёндашиш учун замин яратилади.

- Санъат ва бадиий ижоднинг табиатини ва моҳиятини ўрганиш, қонуниятларини ўзлаштириш, гўзалликни ўрганиш учун калит вазифасини ўтайди.



НАФОСАТШУНОСЛИК ВА ФАЛСАФА.

Нафосатшунослик дастлаб фалсафанинг узвий қисми тарзида вужудга келган ва кейинчалик мустақил фан бўлиб ажралиб чиққан. Лекин у фалсафа билан алоқасини сақлаб қолган, ҳозир ҳам фалсафий фан сифатида эътироф этилади.

НАФОСАТШУНОСЛИК ВА АХЛОҚШУНОСЛИК.

Нафосатшуносликнинг ахлоқшунослик билан фалсафий замини бир. Ҳар бир санъат асари муайян ахлоқий идеал инъикосидан иборатдир; унда маълум даврда миллат, жамият ёки инсоният эришган ахлоқий даража ифодаланади. Гўзалликнинг замирида эзгулик, эзгулик замирида гўзаллик ётади; эзгуликсиз гўзаллик бўлмайди.

НАФОСАТШУНОСЛИК ВА ПСИХОЛОГИЯ.

Инсон руҳини ўрганувчи фан сифатида психология (руҳшунослик) нафосатшунослик билан мустаҳкам боғлиқ. Санъат асари муаллифнинг руҳий кечинмалари асосида вужудга келади ва идрок этувчида ҳам шундай ҳиссиётлар уйғотади. Шу боис ҳам ҳар икки фанда муайян мустақилликка эга бўлган санъат психологияси деган йўналишлар мавжуд. Эстетика фани руҳиятшунослик (психология) фани билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Буни эстетик тафаккур тараққиётининг барча босқичларида кузатамиз. Бу яқинликнинг асоси шундаки, воқеликка муносабатнинг барча томонлари эстетик дид ёки эстетик ҳис-туйғу, бадиий ижод ёки бадиий идрок қилиш жараёнларининг ҳаммаси руҳият мезони билан ўлчанади. Чунки, эстетика у ёки бу даражада инсоннинг руҳий, ҳис-туйғу ҳолатини ифодалайди. Руҳиятшунослик фани эстетик муносабатларнинг барча томонларини, жумладан, бадиий ижод ва идрок жараёнларини амалий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этади. Айни маҳалда эстетика фани инсон руҳий ҳаётининг энг мураккаб ва нозик томонларини қамраб олади. Эстетиканинг таркибий қисмларини руҳиятшунослик фанининг эришган ютуқлари ва хулосаларидан кенг фойдаланмасдан туриб тасаввур этиб бўлмайди.

НАФОСАТШУНОСЛИК ВА СОЦИОЛОГИЯ.

Ҳар бир гўзаллик ижодкори, хоҳ санъатда, хоҳ саноатда, хоҳ атроф-муҳитни гўзаллаштиришда фаолият кўрсатмасин, у ўз ижодини инсонга ва жамиятга қаратади. Социология нафосатшунослик билан ана шу нуқтада ҳамкорлик қилади, санъат соҳасида социологик тадқиқотлар олиб боради. Нафосатшуносликнинг санъат социологияси деган махсус йўналиши ҳам бор. Эстетика ва социология - кенг ижтимоий билимлар доираси билан алоқадордир. Эстетика социология фани билан уч таркибий қисм орқали боғланади: биринчидан, ижтимоий воқеа ва ҳодисалар ҳамда жараёнларнинг услубий асоси ҳисобланган умумсоциология назарияси эстетиканинг ҳам илмий-назарий асоси бўлиб хизмат қилади; иккинчидан, социология ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг

хусусий, алоҳида, нисбий мустақил соҳалари (сиёсат, давлатлар, миллатлар, санъат турлари ва кўринишлари)ни қамраб олган эстетика ва бадиий ижод жараёнларининг айрим жабҳалари билан узвий боғлиқликда намоён бўлади; учинчидан, аниқ социологик тадқиқотлар орқали олинadиган дастлабки ижтимоий ахборотлар (маълумот - билимлар) эстетик ва бадиий фаолият жараёнларини ҳам қамраб олади.

Шундай қилиб, эстетика социологиянинг барча билим даражалари билан у ёки бу кўринишларда ўзаро алоқадорликда бўлиб, бу алоқадорлик хилма-хил йўналишларда намоён бўлади. Масалан, эстетика умумсоциологик назарияга таянган ўзининг ғоявий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий йўналишлари ва мақсадларини шакллантиради. Социология санъат билан жамият ўртасидаги турли-туман алоқаларни тадқиқ этади. Лекин санъат социологияси эстетиканинг социологик муаммолари билан тўла қўшилиб кетмайди. Чунки, санъат социологияси билан эстетиканинг социологик муаммолари ўртасида катта фарқ бор. Эстетика нафақат санъат, балки воқеликни эстетик ўзлаштиришнинг барча шаклларига тааллуқли бўлган социологик масалалар ечими билан ҳам шуғулланади. Яна бир фарқ шуки, эстетик мўлжал ҳамиша санъатнинг хусусиятларини очишга қаратилган бўлади. Санъат социологиясининг асосий вазифаси эса умумсоциологик қонунларнинг санъат соҳасида амал қилишидир. Шунингдек, санъат социологиясининг тушунча воситалари ҳам ўзига хосдир. Масалан, “жамиятнинг бадиий ҳаёти” тушунчаси соф эстетикадан кўра кўпроқ социологияга тааллуқлидир. Эстетиканинг социологик муаммолари билан социология фанининг айрим соҳалари ўртасидаги фарқ ва чегаралар шартли бўлиб санъатнинг ижтимоий хусусиятларини тадқиқ қилишда мазкур фарқлар ва чегаралар йўқолиб кетиши мумкин.

Социология билан эстетика фанининг узвий боғлиқлиги бўш вақт тизимида санъатнинг ўрни шахснинг эстетик маданияти билан меҳнат фаолияти ўртасидаги алоқадорликка тааллуқли бўлган маълумот ва ахборотларни жамлаш ва илмий қайта ишлаб чиқишда яққол кўзга ташланади.

НАФОСАТШУНОСЛИК ВА ДИНШУНОСЛИК.

Муайян дин муқаддас китоблар орқали тўғридан-тўғри, бевосита тарғиб этилса, баъзи ҳолларда бу тарғибот санъат орқали, билвосита олиб борилади. Бунда диний-бадиий асарнинг (илоҳий қиссалар, мачит, черков, мақбара каби меъморий мажмуалар, икона ва ҳайкалларнинг) аҳамияти катта. Нафосатшунослик ана шу диний-бадиий асарни ўрганиш жараёнида диншунослик билан узвий алоқада бўлади.

НАФОСАТШУНОСЛИК ВА ПЕДАГОГИКА.

Нафосатшунослик педагогика билан эстетик тарбия борасида ҳамкорлик қилади; педагогик тарбия инсон умрининг муайян босқичлари учун алоҳида-алоҳида даврийликка эга бўлса, эстетик тарбия умуман киши ҳаётининг ибтидосидан интиҳосигача тарбия фалсафаси сифатида иш кўради.

НАФОСАТШУНОСЛИК ВА ЭКОЛОГИЯ.

Нафосатшунослик табиатдаги гўзалликни ўрганиш жараёнида экология муаммолари билан тўқнаш келади. Шу боис эстетик тарбия ва экологик тарбия маълум маънода умумийликка эга.

НАФОСАТШУНОСЛИКНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Эркинлик, демократия ва фуқаролик жамияти тараққиётида нафосатшуносликнинг ўрни, унинг маънавий-ижтимоий ҳодиса сифатида инсон эстетик маданиятини шакллантиришдаги амалий аҳамиятидан келиб чиқади.

ЭСТЕТИКА ФАНИ

Махсус ўқув курсларининг услубий-методологик асосини ташкил этади. Эстетика фани фалсафий билимлар тизимида ўзига хос ўрин эгаллайди. У, энг аввало, фалсафий бўлиб, унинг назарий ва услубий асосларини фалсафий тафаккур назарияси ва тарихи ташкил қилади. Масалан, воқеликни эстетик ва бадий ўзлаштириш жараёнларини ўрганишда холислик, тарихий ёндашиш, билиш жараёнида амалий тажрибанинг аҳамияти каби услубий асосни қўллаш ижобий самараларга олиб келиши мумкин.

Эстетика фан сифатида воқеликнинг гўзаллик асосида инъикос этишини, инсон амалий фаолиятининг ҳамма соҳаларида гўзаллик ва хунуклик туйғуларини, айниқса, бадий ижоднинг умумий қонунларини ўрганади. Биз воқеликдаги гўзаллик ва хунукликни турлича тушунамиз. Эстетик қарашларимиз, тасаввурларимиз, баҳоларимиз нисбий бўлиб, уларни холис баҳолаш эстетиканинг вазифасидир.

Эстетика ўз моҳиятига кўра, дин, фан, ахлоқ, ҳуқуқ тамойилларидан фарқ қилувчи ўзига хос қонунлар асосида ривожланиб, унда ўтмиш маданий мероси, ҳозирги кун тажрибаси, келажак башоратлари уйғунлашган ҳолда намоён бўлади, фан воқеа-ҳодисаларнинг қонуниятларини воқеликка мувофиқ келадиган тушунчалар ва қоидалар орқали очиб берса, эстетика воқеа-ҳодисаларни ҳаёл, тўқима образлар воситасида ифодалайди. Улардаги тимсоллар ҳам ўз тузилишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан, мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, театр, бадий адабиёт, кино санъатида воқеа-ҳодисалар бевосита тасвирланади: мусиқа, рақс, амалий-кўргазмали санъат, меъморчиликда санъаткорнинг воқеа-ҳодисалар ва нарсалардан туғилган ғоявий-ҳиссий ҳолати ифодаланади. Бу жиҳатдан эстетика санъатга яқин туради.

Эстетика фанининг ҳозирги даврга хос хусусиятларидан бири шуки, бу соҳага кибернетика, семиотика (белгилар тизимларини қиёсий ўрганиш билан

шуғулланувчи билим соҳаси) ва математика каби фанларнинг усул ва воситалари ҳам изчил кириб ўрнашяпти.

Шундай қилиб, эстетика фани ва ўқув дарси воқеликни эстетик мушоҳада қилиш ва бадий ижод жараёнларининг узвий мутаносиблигини намоён қилади ва ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, эстетика - бу нафосат олами, санъат ва бадий ижод жараёнлари қонуниятларини ҳис этиш, сезиш, идрок қилиш воситалари орқали ўрганадиган ва ўргатадиган фандир.

Эстетика санъатшунослик билим соҳалари учун бошланғич назарий ва услубий асос бўлиб хизмат қилади. Эстетикасиз санъатшунослик бўлолмайди, яъни у айрим воқеа-ҳодисалар шарҳи билан шуғулланишга мажбур бўлиб қолади. Шунинг эътиборга олиш керакки, эстетика хусусий санъатшуносликнинг умумий қонуниятлари, энг аввало, нафосат табиати ва эстетик тимсол қонуниятларини ўзида намоён қилади.

ЭСТЕТИКА ФАНИНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ - Эстетиканинг энг умумий, умумий ва махсус категориялари мавжуд. Энг умумий категорияларига гўзаллик, хунуклик, нафосат, уйғунлик, улугворлик, тубанлик, фожиавийлик, кулгилилиқ киради. Умумий категорияларга қаҳрамонлик, кўрқоқлик, эстетик идеал, эстетик дид, эстетик ҳиссиёт киради. Махсус категорияларга халқчиллик, миллийлик, умуминсонийлик, бадийлик, ғоявийлик киради.

Эстетик амалиёт - табиат ва жамият қадриятлари муносабатлари тизимидаги эстетик хусусиятлар (гўзаллик ва хунуклик, улугворлик ва пасткашлиқ, фожиалилик ва кулгилилиқ) қонуниятлари намоён бўлади. Инсоннинг эстетик фаоллиги сифати ва даражаси эса эстетик қадриятлар билан эстетик баҳолаш қобилияти, эстетик идрок этиш билан эстетик амалиёт ўрталаридаги узвий алоқадорлик маданиятнинг барча соҳаларидаги бадий ва эстетик ўзаро боғлиқлик билан ўлчанади.

8 - Машғулот: Эстетик таълимотлар тарихи. (2 соат)

Режа:

1. Қадимги эстетик фикрларнинг вужудга келиши.
Зардуштийлик таълимотида гузаллик масалалари.
2. Қадимги дунё мутафаккирларининг эстетик таълимотлари.
(Ҳиндистон, Хитой, Миср, Юнонистон ва бошқа)
3. Ислом ва эстетика. Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида
эстетика ва гузаллик.
4. Мумтоз шоирларнинг эстетик қарашлари.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Эстетик тафаккурнинг пайдо бўлиши, Қадимги Шарқ нафосатшунослиги. Шумер ва Вавилонда эстетик ғояларнинг шаклланиши, Марказий Осиё, Эрон, Қадимги Ҳиндистон эстетик қарашлари, “Авесто”нинг эстетик моҳияти. Қадимги дунёнинг мумтоз нафосатшунослиги, Қадимги Юнонистонда эстетик қарашлар, Сукрот, Афлотуннинг эстетик ғоялари, Арастунинг эстетик таълимоти, Қадимги Румо нафосатшунослиги, Антик дунё нафосатшунослигининг жаҳоншумул аҳамияти. Исломда нафосат талқини, “Қуръон”да нафосатга оид қарашлар, Форобийнинг эстетик қарашлари, Ибн Синонинг эстетик қарашлари, Берунийнинг эстетик қарашлари, Умар Хайёмнинг эстетик қарашлари, Тасаввуф нафосатшунослиги, Ғаззолийнинг эстетик қарашлари, Румийнинг эстетик қарашлари, Амир Темурнинг эстетик қарашлари, Навоийнинг эстетик қарашлари, Жомийнинг эстетик қарашлари, Бобурнинг эстетик қарашлари, А.Рудакийнинг эстетик қарашлари, А.Фирдавсий эстетик қарашлари, Тазкира - нафосатшунослик рисоласи;

Қадимги Шарқ эстетик тафаккур манбалари.

- Миххат, финикия алифбоси.
- Ўрхун – Енисей битиклари.
- Мисрда фиръавн Тутанхамон мақбарасидан топилган асори атиқалар.
- Амударё хазинаси.
- Доро I тасвири солинган олтин тангалар.
- Скифлар олтин буюмлари.
- Улуғвор меъморчилик обидалари:
- Қадимги Хоразм бадиий маданият қолдиқлари.
- Ҳиндистон ва Хитой ҳукмдорлари саройлари.
- Ибодатхоналар деворларидаги тасвирий санъат ва Ҳайкалтарошлик санъатлари.

Ислом дини нафосат ва гўзаллик хусусида

- Воқеликни гўзаллик воситасида идрок этиш.
- Аллоҳ гўзал ва у гўзалликни саводи. (К.Карим.)
- Аллоҳ гўзал экан, у яратган одам ҳам, у бунёд этган олам ҳам гўзалдир.
- Ўз бандаларига инъом этган ноз-неъматлар ҳам гўзалдир.
- Аллоҳнинг исми – сифатларини ва сар этувчи сўзларимиз ҳам, мусиқамиз ҳам, унинг қудратини намоён этувчи биноларимиз – меъморчилик обидаларимиз ҳам, хуллас Оллоҳ иродаси билан яратилган жамики нарсалар гўзалдир.

ИСЛОМДА НАФОСАТ ТАЛҚИНИ - Шарқ Уйғониш даври эстетик тафаккури ислом дини шариати, унинг манбалари бўлган Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф кўрсатмалари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлаш лозим. Мусулмон кишининг воқеликни мушоҳада этишдаги ўзига хос тафаккур тарзи ислом оламида эстетик тафаккур тараққиётини бошлаб берди. Зеро, Ислом бадий маданияти тушунчаси, жумладан, Исломнинг борлиқни гўзаллик асосида мушоҳада этиш моҳиятини кўпчилик билмайди. Илоҳий ва дунёвий жиҳатдан катъий қонун-қоидаларга асосланган Ислом, энг аввало, илм-фан дастурига таянади. Ислом инсонни ижтимоий фаолликка, мусулмон жамоаларига, ҳатто номусулмон қавмларга ҳурмат билан қарашга, маърифатли бўлишга даъват қилади.

Ислом эстетикасида сўз, меъморчилик, мусиқа ва санъатнинг бошқа турлари вақт хилқатига бўйсунмайди. Воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кетлиги вақт бўйича бир тартибда келмайди. Араб имлоси, ғазал, битиклар, нақшлар, меъморий обидалар, тасвирий санъатнинг исломий-тилсимий турларини эшитиш, кўриш, ҳис этиш, сезиш аъзоларимиз орқали руҳимизга ҳиссиёт олиб киради. Ислом эстетикаси ижод дастурида фикр ва нарсалар шакли яхлитлиги рамзий-тилсимий мазмун қобиғига ўралган. Шу боис бадий онг вақт сарҳадларидан ташқарида эканлиги дастури асосида мавҳум фикрлаш, мавҳум шакл ислом эстетикасида ижодий фаолият кўрсатишнинг асосий мезонидир.

Ислом санъати ўз моҳиятига кўра, илоҳий тафаккурга йўғрилгандир. Бу ҳолат шеърятда (ғазал), мусиқада (мақом), тасвирий санъатда (нақш), меъморчиликда (масжид, мақбара, минора, мадраса) ёрқин кўзга ташланади. Масжид -- Аллоҳ билан кунма-кун мулоқот қилинадиган, юзма-юз туриб гаплашадиган, Аллоҳ сўзларини бандаларга мунтазам эслатиб туриладиган муқаддас даргоҳ. Исломда масжид -- Аллоҳнинг уйидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) бунёд этган илк ва кейин қурилган масжидларнинг меъморий шаклу шамойили кўхна эҳромларга пайғамбарлар Иброҳим ва Мусога ваҳий қилинган Аҳд асосидаги қонунларга мутаносибдир. Масжид -- илоҳий-руҳий эҳром маркази бўлган, Иброҳим алайҳиссалом бунёд этган Каъбанинг тимсолий кўринишларидир.

“ҚУРЪОН”ДА НАФОСАТГА ОИД ҚАРАШЛАР - **“Қуръон”да гўзаллик тушунчаси** - ислом дини дунё динига айланиши муносабати билан мусулмон ўлкаларида илм-фан, тараққиётга кенг йўл очилди. Зеро, ислом илм-фанга, маърифатга кенг рағбат кўрсатди. Қуръони Каримнинг илк нозил бўлган ояти ҳам “Иқро” - “Ўқи” эди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳи вассалам “Ўқиёлмайман” деганларида Аллоҳдан бир неча бор “Яратгanning номи билан ўқи” деган жарангдор даъватлар янграган экан. Шундан бошлаб мусулмонлар Аллоҳнинг

Муқаддас сўзларини ўқишга, у яратган борлиқ гўзалликларини англашга киришиб кетди ва бу жараён ҳозир ҳам фаол давом этмоқда.

Қуръони Карим ва Муҳаммад пайғамбаримиз Ҳадиси Шарифлари ислом маданияти ва эстетикасининг манбаси - юрагидир. Ислом Қуръони Карим суралари ва оятларини қайта-қайта ўқишни, такрорлашни, ёд олишни, тўғри тафсирлаш - шарҳлашни, сўзларни тўғри талаффуз этишни, ҳатто ҳар бир товуш ўз нуфузи, ўз тебранишларига эга бўлиб, уларни тўғри айтиш ва ўқишни тақозо этади.

“Аллоҳ гўзал ва у гўзалликни севади”, дейилади Қуръони Каримда. Демак, исломнинг эстетик нуқтаи назари гўзалликка ошно бўлмоқдир. Аллоҳ гўзал экан, у яратган Одам ҳам, у бунёд этган Олам ҳам, ўз бандаларига ҳадя этган ноз-неъматлар ҳам гўзалдир.

ФОРОБИЙНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

Шарқ илк Уйғониш даври қомусий олими Абу Наср Фаробий (873-950) табиий-илмий, фалсафий, ижимоий-сиёсий, ахлоқий масалалар билан бир қаторда тилшунослик, шеърят, нотиклик санъати, хаттотлик ва мусиқа назариясига оид ўнлаб асарлар яратди. Унинг “Шеър ва қофиялар ҳақида сўз” (“Калом фи аъжр ва-л қавофи”); “Риторика ҳақида китоб” (“Китоб фи- хитоба”); “Луғатлар ҳақида китоб” (“Китоб фи-л луғат”); “Хаттотлик ҳақида китоб” (“Китоб фил санъат ал китобат”); “Мусиқа ҳақида катта китоб” (“Китоб ул-мусиқа ал-кабир”); “Мусиқа ҳақида сўз” (“Калом фи-л мусиқий”); “Ритмлар туркумлари ҳақида китоб” (“Китоб ул фи-л ихсо-ил-иқо”); каби асарларида бевосита санъат назариясига оид қарашлар баён этилган.

Фаробий “Бахт-саодатга эришув ҳақида”ги рисоласида инсон гўзалликни самарали идрок этиши учун унда нозик табиат ва ақлий мукамаллик замини бўлиши керак, ҳиссий ва ақлий қобилиятга эга бўлган инсонгина дунёнинг барча сирларини била олиши мумкин, деб таъкидлайди. “Инсон ақл-идроки туфайли ҳақиқий инсонга айланади, билим инсонга бахт ва шодлик келтиради, инсон билиш орқали ўзида гўзаллик ва мукамалликни кашф этади” деб уқтиради. Фаробий одамларни илм билан, санъат билан шуғулланишга даъват этади ва шу туфайли гўзал нарсалар тушунарли нарсага айланади, деб кўрсатади.

Фаробий инсон қобилиятини иккига : туғма ва кейин эришилган қобилиятга бўлади. Унинг фикрича туғма қобилиятга биологик, жисмоний ва баъзи руҳий хусусиятлар киради. Уни камол топтириш жараёни эса инсон ўз ҳаёти давомида илм, ҳунар ўрганиши, ахлоқий қонун-қоидаларни эгаллаши ва санъатни ҳаётий тажрибаси билан бойитиши орқали содир бўлади. Бундай фазилят, жумладан, эстетик фазилятлар инсон атрофини қуршаган муҳит таъсирида шаклланади.

Фаробий инсоннинг ўз-ўзини тарбиялашида, уни эстетик ривожланишида назм ва мусиқа санъатининг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича,

санъатнинг барча турлари бир-биридан фарқ қилади: назм санъати сўз билан, тасвирий санъат эса бўёқлар билан иш кўради, лекин улар инсонга бир хил таъсир кўрсатади... У Арасту изидан бориб, бу санъатларнинг ҳар иккаласи тақлид қилиш ёрдамида кишиларнинг тасаввурига ва ҳиссиётига таъсир кўрсатишни мақсад қилиб қўяди, деб таъкидлайди.

Форобий санъат ўз моҳиятига кўра, руҳий ҳаётнинг инъикоси эканлигини яхши тушунган. Унинг фикрича, музиканинг кишилар туйғусига таъсири буюқдир. Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган (одамлар) хулқини тартибга келтиради, ноқис хулқни мукаммал қилади ва мувозанатда бўлган (одамлар) хулқининг мувозанатини сақлаб туради, дейди у. Форобий музиканинг шифобахш кучини уқтириб, “бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир” дейди.

Форобий “Муסיқа ҳақида катта китоб” деган кўп жилдли асари билан ўрта асрнинг йирик муסיқашуноси сифатида машҳур бўлди. У муסיқа илмининг назарий ва амалий тармоқларини, куйларининг ички тузилиши, қонуниятларини ҳисобга олиб, уларни таълиф ва илми икога ажратади. У муסיқа назариясида товушлар вужудга келишининг табиий-илмий таърифини берибгина қолмай, куйлар оҳангдорлигининг математик тамойилларини очади, турли жадваллар, геометрия қоидалари асосида кўплаб мураккаб чизмалар келтиради, Шарқ муסיқасини унинг ритм-зарблари асосларини далиллар билан шарҳлаб беради.

Мутафаккирнинг ритм-зарб ҳақидаги таълимоти тез ёки сустлик билан боғлиқ, урғули-урғусиз ёки шартли қабул қилинган сўзларни талаффуз қилишга асосланган. У ритм-зарбларни ташкил этган бирликлар бўлмиш нақралар, улар бирикмасидан ҳосил этиладиган рукнларнинг турли хиллари асосида яратиладиган ритм-зарб ўлчовлари ва турларини ёритиб берган.

“Муסיқа ҳақида катта китоб”да фақат муסיқа назарияси ва тарихи баён этилмай, Шарқда маълум-машҳур бўлган рубоб, танбур, ноғора, уд, қонун, най каби муסיқа асбоблари ҳамда уларда куй ижро этиш қоидалари тафсилоти берилган. Форобийнинг ўзи моҳир созанда, бастакор, янги муסיқа асбобларининг ихтирочиси ҳам бўлган. У муסיқага инсон ахлоқини тарбияловчи, сиҳат-саломатлигини яхшиловчи тор илова қилиб, уни такомиллаштирган, овоз имкониятини оширган. Форобийнинг шеърият ва муסיқа назариясига оид асалари Шарқ халқлари адабий-эстетик қарашлари тарихида алоҳида ўрин тутади.

Форобийнинг “Бахт-саодатга эришув ҳақида” рисоласида санъатнинг улкан таъсир кучи ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Санъат унинг, фикрича, инсонда гўзал эстетик фазилатларни тарбиялашга қодир кучга эгадир. Шу боис мутафаккир инсон олдида алоҳида талаблар қўяди. Форобий мазкур рисоласида таълим-тарбия масалаларига алоҳида тўхталиб, ёшларнинг ахлоқий фазилати низомларини ҳамда уларнинг санъатни эгаллаши учун амалий малакаларини тарбиялаш -- тарбиячиларнинг муқаддас вазифаси эканлигини кўрсатиб берди.

Форобий инсоний сифатларнинг барчасини одамлар ва нарсалар гўзаллиги тарзида баҳолаб, уларни мақсадга мувофиқлик ва фойдалилик томонлари билан узвий боғлайди. У “Шеър санъати ҳақида” деган рисоласида бадий фаолиятни ўзига хос тарзда воқеликка тақлид қилишга қиёс этиб, мусаввирлик ва шеърят бир-биридан сўз ва бўёқ воситаларида ифодаланиши билан фарқланган ҳолда одамлар тасаввурларига тақлид орқали таъсир ўтказишни мақсад қилиб қўяди, дейди. Бу таъсир, куч, тасаввур дейилади ҳамда у туйғу ва ақл-идрок оралиғида туради. Форобий эстетик қарашларида санъат яратган қиёфалар ақл ва умумий мушоҳада қабул қилиб олган ҳолда ўзининг яккашлигини йўқотиб қўймайди, идрок учун мумкин бўлган аниқ ҳиссий шаклини сақлаб қолади.

БЕРУНИЙ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ - Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккири Абу Райҳон Беруний (973-1048) меросида ҳам “мукамаллик” комил инсон маъносида қўлланилади. Беруний ўз даврининг қомусий олими бўлиб, у жуда кўп тилларни билган, ўтмишдош олимлар, шоир-ёзувчилар ва бошқа санъаткорларнинг асарларини ўқиган буюк аллома. Беруний ҳар қандай ҳаёт қийинчиликларига қарамай, инсоннинг буюклигига, унинг ақлига ва улуғворлигига астойдил ишонади. У табиий фанлар билан бир қаторда фалсафа, адабиёт, ахлоқ муаммолари билан махсус шуғулланган, турли халқларнинг урф-одатларини чуқур ўрганган. Унинг “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минерология” каби асарлари комил инсон ақл-заковати, маърифатининг ёрқин кўзгусидир.

Абу Райҳон Беруний нафосат ҳақидаги қарашларида воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлик манбаи ҳамоҳанглик ва уйғунликдир, деб кўрсатади. Беруний ҳар қандай ҳаракат ва ундан ҳосил бўладиган натижалар моддага тааллуқлидир, унинг ўзи нарсалар, воқеа-ҳодисаларни бир-бирига боғлайди ва улар шаклларини ўзгартириб туради, демак бирламчи модданинг ўзи эса яратувчига муҳтождир, деган фикрни илгари суради.

Беруний эстетик қарашларида нафосатнинг табиий асоси сифатида амал қиладиган ҳамоҳанглик айрим ҳодисаларга ҳам татбиқ этилган бўлиб, гўзаллик табиат ва инсонга хос бўлган камолот, етуклик сифати даражасида баҳоланган. Беруний фикрича ҳеч нимага муҳтож бўлмаган нарсаларни етук, мукамал дейиш мумкин.

Шарқ уйғониш даврининг йирик алломаси, Курраи Арз - глобусни 1-бўлиб яратган олим, географ, геолог, тарихчи, математик, бир оғиз сўз билан айтганда Хоразм академиясининг мутафаккири Беруний воқеа ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлик манбаи мукамаллик ва уйғунликдир, деб кўрсатди. Унингча ҳеч нимага муҳтож бўлмаган нарсаларни етук, мукамал дейиш мумкин. Беруний “Ҳиндистон” деган асарида энг эзгу инсоний фазилатларни айтиб ўтади ва қуйидаги ҳикояни мисол келтиради.

Ал-Берунийнинг айтишича, Басрада бир одам бўлган экан. У ҳар куни ўзининг энг яхши кийимларини кийиб, энг яхши уловини миниб чиқар ва ҳар доим кишиларнинг мушуқларини осон қилиб берар экан. Ундан бунинг боисини сўраганларида, у айтган: “Ҳаётимнинг энг тотли дамларида мен энг гўзал куйчи, қўшиқчи аёлларнинг оҳанглари тинглаб туриб, жомлардан пок шароб сипкорганман. Уларнинг нафис овозлари, нодир нағмалари дарахтлар шоҳидаги қушларнинг сайрашига монанд эди. Аммо ўшанда олган лаззатларим, ҳозир мендан яхшилик кўрган одамлардан қардошларим ҳузурида эшитаётган миннатдорчилик, шодлик олдида ҳеч нарса эмас.” Яратган асарларида у ҳар бир инсон эзгуликка, гўзалликка интилиши ва шу йўлда ҳаракат қилмоғи лозимлигини уқтиради.

Абу Райҳон Беруний ўз даврининг қомусий олимларидан бири эди, у ҳар қандай қийинчиликка қарамай, инсоннинг буюклигига, унинг ақлига ва улуғворлигига астойдил ишонди, жуда кўп асарлар битди, унинг асарлари комил инсон ақл-заковати, маърифатининг ёрқин кўзгусидир.

ИБН СИНО ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ - Ўрта Осиё Уйғониш даврининг забардаст алломаларидан бири Абу Али ибн Сино (980-1037) ўзининг эстетик қарашларида эстетика билан ахлоқ муаммоларини бир-бирига узвий боғлайди. У “Китоб уш шифо” асарининг сўз бошисида мусиканинг эстетик хусусияти ҳақида гапириб, бу санъат турининг ахлоқий тарбиядаги аҳамиятига, шеърятга тўхталиб ўтади, “шеърят тасаввурга таъсир кўрсатувчи нутқдир” деб уқтиради.

Ибн Сино ёш авлодни тарбиялаш оила ва давлатнинг муҳим вазифаси, жамият тараққиёти, жамиятнинг хўжалик ва маданий ютуқлари бевосита маълумотли, маданиятли кишиларнинг ўсишига боғлиқ, деб ҳисоблайди, “барча билимларга эга нарсалар мукаммалликка мойилдир” деб таълим беради, “мукаммаллик” атамасида у инсоннинг ички гўзаллиги ва эзгуликка интилишини ифодалайди.

Ибн Сино мусиқага оид бешта асар ёзган. Унинг мусиқага доир энг катта асари “Жомеъ илм-ал-мусиқий” (Мусиқа билимига оид тўплами)дир. Бу китоб олимнинг кўп жилдлик машҳур асари “аш-Шифо” туркумига кириб, математик билимлар қаторидан жой олган. Ибн Сино тақсимида кўра, мусиқа “аш-Шифо”нинг учинчи жумласининг учинчи фанидир. Асар олти бобга бўлинади. Ҳар боб мақола деб аталади. Кейин ҳар бир мақола, ўз навбатида фаслларга бўлинади, ҳар мақола бошланишида унга алоҳида муқаддима ёзилган. Шу залда мусиқа асари олти мақола ва ўн тўққиз фаслдан иборат.

Ибн Синонинг мусиқага оид қарашларини ўз ичига олган асарларидан бири унинг “Ан-Нажот” китобидир. “Ан-Нажот” юқорида зикр қилинган “аш-Шифо” асарининг қисқартмасидир. Ибн Сино “Ан-Нажот” китобининг аввалги уч қисмини -- мантиқ, табиёт, илоҳиёт қисмларини ёзган, шу билан уни тугади, деб ҳам ҳисоблаган. Кейинчалик унинг шогирди Абу Убайд ал-Жузжоний кўлида бўлган Ибн Синонинг геометрия, астрономия ва мусиқага оид

рисолаларини унга қўшган, ҳатто “ан-Нажот”нинг риёзий қисмини мукаммал ҳолга келтириш мақсадида унинг “Ҳисоб” китобини қисқартириб унга тиркаган. Натижада бу китоб кўзланилган мақсадга мувофиқ, яъни “аш-Шифо”нинг бу тўғридаги мавзуини ҳам қамраб олган.

Ибн Синонинг “Донишнома” асарида ҳам муסיқага оид бўлим бор. “Донишнома”нинг муסיқа қисми тўққиз фаслдан иборат бўлиб, уларда муаллиф товушлар, уларнинг баланд-пастлиги, нағмаларинг бир-бирига боғлиқлиги, ритмлар, куйлар ҳаракати, музика асбоблари ва куйни безаш каби масалалар устида фикр юритади. Бунда ҳам борбад, танбур, шохруд, най каби музиқа асбоблари ҳақида фикрлар баён этилган.

Ибн Синонинг музиқага оид тўртинчи асари “ал-Мадҳад илм минаат ал-муסיкий” (“Музиқа санъатига кириш”) китобидир. Ибн Синонинг бу асари ибн Абу Усайбанинг кўрсатишича, “ан-Нажот”га кирган қисм эмас, балки алоҳида асар бўлиб, унинг бизгача етиб келган-келмаганлиги ҳозирча номаълум. Аммо Абу Убайд ал-Жузжоний тузган Ибн Сино асарлари рўйхатида музиқага оид бир рисола келган. рўйхатда у “Рисола фи ал-музикий ғайр мо фи-аш Шифо” (“аш-Шифо” асарига кирмаган “музиқага оид рисола”) деб номланган.

Ибн Синонинг музиқага оид бешинчи асари “Китоб ал-Лавоҳиқ” (“Қўшимчалар китоби”)дир. Бу махсус бир китоб сифатида тарқалган бўлса керакки, алоҳида ном олган. Ибн Сино “аш-Шифо”га кирган музиқага оид асосий асари сўнггида бу асарга ишора қилиб кетади ва ўша ерда китобини шу иборалар билан тугатади: “мана шу билан музиқага оид гапларни қисқартаман. Бу илмга оид бўлган кўп шаҳобчалар ва зиёда маълумотларни худо хоҳласа “ал-Лавоҳиқ” (“Қўшимчалар”) дан топарсан”, - дейди.

Ибн Сино “Музиқа билимига оид тўплам” сари биринчи мақола муқаддимасида товушнинг сезги органларига таъсири, унинг ёқимли ва ёқимсизлиги, товушни эшитганда лаззатланиш ё нафратланиш ҳиссининг пайдо бўлиши каби масалаларга тўхтади. Унда музиканинг киши ҳаётига қанчалик зарурлиги ва унинг пайдо бўлиши сабаблари ҳақида мулоҳаза юритилади, чунки инсон табиати ёқимли нарсалар орқали енгил тортади, ором олади, акс бўлса оғир тортади, ороми йўқолади, нафрат кўзгалади.

Мана шу мулоҳазадан кейин Ибн Сино ёқимли ва ёқимсиз овозларнинг ҳаёт учун қанчалик зарурлигига тўхтади. Чунончи ҳайвонлар ўзларига таниш бўлган овоз билан бир-биридан, яъни шерикларидан хабардор бўладилар, шу овоз билан улар бир-бирини топадилар, хавф-хатар туғилганда, шу ҳолатга мос овоз чиқарадилар, натижада буни эшитганлар дарҳол ўша овоз чиққан жойга йиғилишга ва душманга умумий ҳамла қилишга шайланадилар. Бу ҳолни паррандалар, ит ва бошқа ҳайвонлар ҳаётида ҳам кўриш мумкин. Товуш инсон ва ҳайвонлар ҳаётида энг зарур нарсалардан биридир. Борди-ю, товуш маълум бир оҳангга берилган бўлса, киши руҳига кучлироқ таъсир кўрсатади. Инсонлар қулоғи кўпроқ нутқлардаги товушларни эшитишга мослашгандир, дейди муаллиф.

Ибн Сино инсондаги тил, нутқ масалаларига ҳам тўхталади: “Аллоҳнинг инсонларга инъом этган бахтларидан яна бири инсон нутқидир. Инсон ўзининг ана шу нутқидаги товуш оҳанглари орқали ўз ҳиссиётларини изҳор этади” деб таъкидлайди. Сўнгра муаллиф овозлар ўзгариши орқали унинг мазмуни ҳам ўзгаришига эътибор беради: “Масалан, кишилар ялинганди бошқа овоз чиқариб гапирадилар, дўқ-пўписа қилганда бошқача, шошиб гапирганда нутқ бошқа оҳангда бўлади”, деб уқтиради.

Ибн Сино фикрича, инсон қалби ўз табиати билан бир-бирига монанд бўлган товуш ва ритмларни ёқтиради. Чунки, товуш инсон ва ҳайвонлар ҳаётида энг зарур нарсалардан бири, товуш инсонни ҳам, ҳайвонни ҳам ҳаяжонлантиради, бирор кўрқинчли ҳодиса рўй берганда бир-бирини чақириш борасида катта роль ўйнайди. Унинг фикрига кўра: “Инсон қалби ҳар бир янги ва кўнгилдагидек нағмадан ором олади. Кейинчалик худди шу ёқимли нағма ғойиб бўлса, қалб ҳаяжонга тушади. Худди шу олдинги нағмага ўхшаш иккинчи нағманинг пайдо бўлиши билан қалбдаги ҳаяжон йўқола бошлайди”.

Ибн Сино мулоҳазасича, овознинг баланд-пастлиги ҳам, уларнинг бир-биридан фарқ қилиши ҳам ўзига хос маънога эга. Бу хил турли-туман овозларда назокат билан маълум маънолар ифодаланган. Булар ҳаммаси ўша овоз соҳибига таъсир этиб, ундан кузатилган маъно ифодалаб, киши руҳига таъсир этиши мумкин, шундан ранг-баранг феъл-атворлар содир бўлади. Олим фикрича, мана шунда овознинг баланд-пастлиги, айниқса, овознинг даражаси қандай бўлишлиги киши руҳига таъсир этишда аҳамият касб этиб, мусиқа фани товушларнинг бир-бирига мувофиқ ва мувофиқ жойлашгани ҳақида баҳс юритиши мумкин. Унингча, мусиқанинг икки ўзаги бўлади: бири куй яратиш бўлса, иккинчиси унда ритм мавжудлигидир. Мусиқа фани мана шу икки хил тармоқдан ўсиб, униб ривож топади, мукаммаллашади.

Ибн Сино товушлар оралиғида ҳосил бўладиган қисмлар ҳақида ҳам ўз фикрини баён этади. Бунда у ёқимли ва ёқимсиз, асосий ва ёрдамчи қисмларга тўхтаб ўтади. Иккинчи мақолада қисмларни бир-бирига қўшиш ва айириш ҳамда уларни икки марта кўпайтириш ва тенг бўлақларга бўлиш каби масалаларга тўхтайдди. Учинчи мақолада жинс ва унинг навларга бўлиниши, жинсларнинг сони, уларнинг кучли, кучсиз ва ўртачага бўлинишига тўхтайдди. Булар ҳаммаси мусиқа фанининг назарий масалаларидир.

Ибн Синонинг мусиқага оид асарларини Шарқ илк Уйғониш даври мусиқа маданияти қай даражада бўлганлигини кўрсатиб турувчи бир мезон, эстетик тафаккурнинг нақадар тараққий этганидан далолат берувчи манба сифатида баҳолаш мумкин.

АМИР ТЕМУРНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ - Айрим тарихий асарларда Темур “саводсиз” бўлганлиги ҳақидаги фикрларни ўқиш мумкин. Бизнингча, бу сўз нимани ифодалаганлигини фаҳмлаш лозим. Агар у ёшлигида Кеш шаҳридаги диний мактабда таълим олганлиги ҳақидаги далилларни

эътиборга олсак, унинг на ўқишни, на ёзишни билмаганлиги ҳақидаги фикрлар мутлақо асоссиздир. Эҳтимол, унинг тарихини ёзган тарихчилар бу сўз билан унинг фақат араб тилида гапира олмаслигини таъкидламоқчи бўлгандирлар. Темур фаолиятини душманона руҳда ёзиб қолдирган Ибн Арабшоҳнинг ёзишича “У арабчада на ўқишни, на ёзишни, на тушунишни билмайдиган ғирт саводсиз одам эди.” Яна бошқа бир жойда у “Темур бошқалардан кўра форсча, туркча ва мўғулчани яхши биларди дея таъкидлайди. Эҳтимол, у ўша пайтларда кенг оммалашган уйғур ёзувини билгандир. Унда шеърятга ҳавас унчалик кучли бўлмаса-да, у шоирларнинг латиф мисраларидан парчалар ўқиб гапиришни севарди. Унинг Ҳофиз Шерозий билан суҳбати унинг нафис адабиёт намояндаларига бефарқ қарамаганига далил бўла олади. У айниқса тарихий воқеаларни чуқур билишлиги билан ҳаммани ҳайратга соларди. Тарих илмининг билагони, мағриблик тарихчи Ибн Халдун унинг бу борадаги билимларидан лол қолганди. У ҳақиқий тарихчилардек, қадимги тарих билан жуда қизиқарди. Айтишларича, у мусулмон ривоятларида таърифланган Сулаймон пайғамбарнинг шаръий бўлмаган муҳаббати содир бўлган Пергам ва Балбек шаҳарларини узоқ томоша қилган ва бу шаҳарлар тарихини муфассалроқ гапириб беришларини буюрган.

У мусикани севар, айниқса сетор куйларини тинглашни ёқтирарди. Унинг ҳамма тантаналари мусиқа садолари остида ўтар, унда мусиқа тинглашда олий бир эҳтирос сезиларди. У араб, турк, мўғул, форс ёки хитой мусиқаларининг куйларини, ашулаларини ҳам одатдан ташқари бир диққат билан тингларди. У ғалабалари натижасида қўлга киритилган тасвирий санъат асарларини ҳам берилиб томоша қилар, уларни ўз саройларига ёки сафар ўтовларига осиб қўйишни буюрар, уларнинг гўзаллигидан завқланарди.

Тарим шаҳрида у ғайридин мусаввирлар асарларининг катта тўпламини йиғишга муваффақ бўлганди. Унинг учун қимматбаҳо бойлик ҳисобланган бу расмларни йиғиб келишни буюрдимикин, ё сотиб олдамикин? Кастилия элчиси Клавихо унинг ўтовида эмаль югуртирилиб қимматбаҳо тошлар билан безатилган битта олтин жавонни кўрганди. Унда гавҳар доналари билан нақшланган 6 дона шиша идиш ва 6та пиёла сақланарди. Соф олтиндан ишланган бир стол устида эса, каттакон зумрад тоши турарди. Боғдоддан келтирилган ва бутунлай олтиндан ишланган дарахт танасининг йўғонлиги одам сонидек келар, унда осилиб турган мевалар ҳам ёқут, зумрад, феруза, сапфир ва жавоҳирлардан ишланган бўлиб, унинг шохларига ҳам олтин суви югуртирилиб ясалган қушчалар қўндирилиб қўйилган эди. Бу ерда Византиядан келтирилган улкан санам ҳам турар, унда муқаддас авлиёлар Петр ва Павеллар тасвирланган бўлиб, улар ўз қўлларида муқаддас китобларини ушлаб турарди.

Темур ўз қиёфасини чизишга буюрган эди. Уларда у “баъзан жиддий, баъзан меҳрибон қиёфада” тасвирланган эди. У ўз оиласи аъзоларини, жангларини, қабул маросимларини, байрамларни ҳам ҳаққоний тасвирлашни буюрганди. У

курдирган кўплаб обидаларнинг қурилишида шахсан ўзи иштирок этар, кузатар ва камчиликларини тузатар эди.

Уни доимо вазмин, тиниб-тинчимас одам қиёфасида тасаввур қилиш мумкин. Завқланиётган, кулаётган Темур қиёфаси бизни ҳайрон қолдириши мумкин. Бироқ, ҳамма буюк одамлар, айниқса, буюк саркардалар ана шундай тасаввур қолдиришини унутмайлик ва табиийки унинг қиёфасини расмларда акс эттиришга уринган мусаввирлар ҳам уни келтира олмаганлар. Шундай бўлса-да, унда ҳам ҳазил-мутойибага мойиллик, бошқаларнинг ақл-фаросатини тан олиш каби фазилатлар бўлмаслиги мумкин эмас. Бу борадаги ривоятлар эҳтимол ҳақиқатдан йироқдир, лекин улар ҳам оз бўлсада тарихий ҳақиқатни ўзларида акс эттирган деб ўйлаймиз. Айтишларича, у ўғли Мироншоҳни бузуқ йўлларга, жабру зулмга бошлагани учун сарой аъёнларидан бир нечасини ўлимга ҳукм қилганди. Шунда дор томон бораётган сарой аъёнлари сафидан бир киши чиқиб ўзидан олдинга амирлардан бирига ҳазил аралаш мулозимат қилади: “Сиздан кейин бораман ҳазратим, чунки ҳаётда сиз ҳар доим мендан олдинда юрардингиз.” Бундай ўтқир ҳазил билан қилинган қочирикни эшитган Буюк Амир унга шафқат қилиб, ўлимдан қолдирганди. Ривоятларда қайд қилинган мана бу воқеа ҳам ҳақиқатга яқин бўлиши мумкин: “Ўз шеърида Самарқанду-Бухорони бир гўзалнинг ҳинду холига бахшида қилишни хоҳлаган шоир Ҳофиз Шерозийни Темурга рўпара қилибдилар “Хўш, бунга қандай журъат этдинг?”-дебди Темур қаҳр билан. “О, Ҳазратим, - дебди шоир, мен фақирнинг совға қилишга арзийдиган бошқа бирон тайинли нарсам бўлмаса, мен нима қилай?”

Темур унинг ҳозиржавоблик билан қилган бу ҳазил-мутойибасидан қойил қолиб, унга совға-салом берган экан.

ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ - Имом ал-Ғаззолий (1038 йилда туғилган. буюк мутасаввуф, илоҳиётчи олим бўлиб, ўз асарларида ўсимлик, ҳайвон ҳамда инсоннинг ташқи муҳитга муносабати, улардаги эстетик дид, нафосат ҳиссининг бор-йўқлиги муаммолари, шахснинг гўзалликка муҳаббати, унинг комил инсонга айланиши, нисбий ва мутлақ гўзаллик, ибодат билан санъатнинг фарқи, ички зиё - ботиний тинглаш, ботиний кўриш, ботиний англаш сингари муаммоларига тўхталиб ўтади. Ғаззолий “Ихё улум ад-дин” асарида тингловчининг ҳолати, кайфиятига тўхталиб ўтиши билан бирга, эстетик идрокка ўтиш масалаларини ҳам назардан четда қолдирмайди. “Тингловчи ўз сўзлари орқали шоир ифода этмоқчи бўлган маъногагина асосланмаслиги керак. Чунки ҳар бир сўз (бир неча) маънони англатади ва шу сўз англаган ҳар бир киши муайян маънонинг аниқланишида ўз ҳиссасини қўшган ҳисобланади”, - дейди Ғаззолий. Кўриниб турибдики, бу фикр билан кейинчалик Оврупода машҳур бўлиб кетган, ҳар бир асарга чексиз маънолар қўшади, деган, ихтиёрсизликнинг чексизлиги тушунчасига оид Фридрих Шиллинг қарашлари орасида Хитой девори йўқ. Асарда муаллиф гўзаллик тушунчасига алоҳида тўхталади, манфаатсиз гўзаллик, олтинчи сезги воситасида ҳис этиладиган гўзал-

лик ҳақида ўзига хос назарияларни ўртага ташлайди. У нафосатни ахлоқ билан, нафосатшуносликни ахлоқшунослик билан диалектик боғлиқ ҳолда тадқиқ қилади ва бу борада Сукротдан кейинги энг мукамал қарашларни олға суради.

“Ихё улум ад-дин” асаридаги эстетикага оид мулоҳазалар иккинчи юрак,- ботиний кўз масалалари билан боғлиқ. Фақат мана шу иккинчи юракдагина муҳаббат туғилиши мумкин. Ғаззолий муҳаббатни беш турга бўлади. Унинг датлабки уч тури асосан ахлоқшунослик билан, сўнгги тури эса нафосатшунослик билан боғлиқ. Муҳаббатнинг учинчи тури ҳақида ёзар экан, Ғаззолий гўзалликка манфаатсиз ёндашув, нафосат ҳиссининг беғаразлиги тўғрисида фикр юритади.

Ғаззолий зоҳирий ва ботиний гўзаллик хусусида фикр юритар экан, туғма нафосат туйғусининг мавжудлиги ҳақидаги ғояни гўдак ва ҳайвонлар ҳам нафосат туйғусига эгалиги билан асослашга интилади. Дарҳақиқат, гўзалликни идрок этиш туйғусининг туғмалиги, табиийлиги билан уни англаб этиш орқали ҳис этиш борасидаги баҳс бизнинг давримизда ҳам кун тартибидан тушган эмас. Чунончи, замонавий рус файласуфларидан С.Чунаев, буюк инглиз нафосатшуноси Э.Бёрк қарашларига асосланиб, гўзалликни табиатан ҳис қилиш мавжуд, деган фикрни исботлаш учун ҳали тарбиясига ижтимоий ва маданий омиллар таъсир этмаган гўдакнинг силлиқ нарсаларни дағал нарсалардан, мутаносибликдан афзал кўринишини мисол келтиради. Бошқа рус олими О.Дробницкий эса бу фикрни инкор этиб, эстетик идрок қилиш фақат ижтимоий-лашган, инсон томонидан англаб етилган бўлади, дейди.

Кўриниб турибдики, Имом Ғаззолий қарашлари ҳанузгача ўз илмий қувватини ҳам, илмий-назарий таъсирини ҳам йўқотган эмас. Буларнинг ҳаммаси буюк мутасаввуф файласуф асарларини жиддий ўрганиш вақти келганидан далолат беради.

УМАР ХАЙЁМНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ - Шоир, математик, файласуф аллома Умар Хайём орифона ва ошиқона дунёқараш, маслакни ўз рубоийларида мужассамлаштириб акс эттирган. Умар Хайём фалсафий рубоийларида олам сир-асрорини, муаммоларини, охиригача билиб бўлмаслигини, бунга уриниш беҳудалигини, инсонларни яратган Холиқни чекланган ақлимиз билан билишимиз мумкин эмаслигини, ҳозирги билимимиз Борлиқ сирларини ечишга ҳали қодир эмаслигини, шунинг учун ҳам инсон ҳаётида балои нафс ва бўлмағур ҳою ҳавасларини жиловлаб, қай тариқа руҳий хотиржамликка эришиши ва масъуд яшаши йўллари тавсия этган. У инсон ҳаётида ҳамма нарсани қазои қадар, тақдири азал, қисматга - чархга тўнкамай, яхши-ёмон ишлар қилишда Парвардигор инсонга ирода ва фаолият эркинлигини бериб қўйганлигини ва бандасига қилган яхши ва ёмон амалларига қараб ўз ажрини - тегишли мукофот ёки жазо берилишлигини уқтиради.

Чунки Аллоҳ Лавҳ ул-Маҳфузда инсон пешонасига ёзиб қўйилган, қилиши шарт бўлган ишлари учун эмас, балки ўз инон-ихтиёри билан қилган амаллари

учунгина мукофотини ё жазосини беради.Пайғамбаримиз бу ҳақда шундай деганлар: “Умматларимга хатолари учун, ёдларидан кўтарилгани учун ва мажбур қилинган ёмон ишлари учун гуноҳ ёзилмайди”. Яъни инсон фаромуш қилган, билмаган, ўзига боғлиқ бўлмаган ишларга масъул эмаслиги ва бунинг учун жазо берилмаслигини таъкидлаганлар.

Бу борада шундай қадимий ҳикматли ибора бор: “Агар сени кўчага ҳайдаб чиқарсалар - кўркма, ва агар ўз ихтиёринг билан чиқсанг - кўркгил! Биринчиси илоҳий ихтиёр билан бўлур, иккинчиси - ўз ихтиёринг билан бўлур”.

Умар Хайём ирода эркинлигини тасдиқлаб, инсон хатти-ҳаракатларини Арши аъло қонунлари белгилаб бермайди, балки одам ўз тақдирини ўзи яратади деган фикрни олға сурган. Ер юзидаги ҳамма нарсa омонат эканлиги, инсон ҳаёти ҳам фоний - вақтинча эканлиги, демак, ҳаётнинг завқ-сафоларидан фойдалана билишни, қайғу чекиш, келажакдан даҳшатга тушиш беҳудалигини уқтиради.

Фақат илм билан баландмас одам,
Аҳду вафо билан баланд-паст одам.
Сўзи билан иши бир келса агар
Ҳар нарсадан баланд, муқаддас одам.

Ҳар сирдан огоҳсен: эй дўстим, сен ҳам,
На учун беҳуда чекасен алам.
Ихтиёринг билан юришмас ҳеч иш,
Хурсанд бўл, тириксен, сеники бу дам.

Тўғрилиқ бўлсайди фалакнинг иши,
Ёқтирган бўларди уни ҳар киши.
Дунёнинг ишида бўлса адолат,
Бўлмасди донолар кўнглин оғриши.

Бир ғариб кўнглини этаолсанг шод -
Яхшидир ер юзин қилгандан обод -
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни қилмоқдан озод.

НАВОЙНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ - ўзбек адабий тилининг асосчиси, ғазал мулкининг султони, гўзал кўнгил эгаси, бунёдкор амир ва комил инсон Алишер Навоий (1441-1501) ўзининг бадий, тарихий, илмий-фалсафий асарларининг ҳар бир сатрида Сўз дур-жавоҳирга айланган ва гўзаллик билан зарҳалланиб жилолантирилган. Навоий гўзалликни, нафис санъатни юксак қадрлаб, нафис санъат инсон маънавий олами, камоли учун калит эканини

таъкидлайди. Навоий сўз санъатининг, маърифий-тарбиявий, ҳиссий-руҳий қувватини алоҳида таъкидлар экан, шоир-санъаткор хулқ-атвориға алоҳида ўрин ажратади. Чунки, одоб-ахлоқ ислом эстетикасининг таркибий бўлаги бўлиб, мусулмон киши ҳаёти ва фаолияти одоб қоидалари мезони билан ўлчанар, баҳоланар эди. Шу тариқа Навоий шеър соҳибларининг камтарлик, ҳимматлилик, хушмуомалалилик, саҳийлик каби фазилатларини зўр қониқиш билан таъкидлайди.

ТАСАВВУФДА НАФОСАТ - тасаввуф ўзи буюк бир романтик оламдир. Оламни Мутлақ парвардигорнинг ижоди деб қараш, дунёни Илоҳнинг кўзгуси деб тушунтириш ва барча гўзалликлар, қудратни Илоҳдан деб ҳисоблаш, Борлиқни романтик рангларда, шоирона ҳаёлий сурат - тимсоллар тарзида, илоҳий нурнинг порлашидан доимий ҳаракатда ва ижодда деб тасаввур этиш - ўзи бир Буюк Поэзиядир. Жами гўзалликлар, яхшиликлар, эзгуликлар манбаи Мутлақ илоҳ. Қудрат ва куч, ҳаракат ва фаолият ҳам Ундан. Дунёдаги жами хусни жамол - Унинг жамолининг акси. Инсон гўзаллиги Унинг жамолининг жилваси, бу Жамол оламда қанча кўп жило ўтган бўлса, у шунча гўзал бўла олади. Инсон руҳининг гўзалликка, нафосатга ташналиги Илоҳ гўзаллигига ташналик оқибатидир. Ва яна бунинг ичида моддий гўзаллик ва маънавий гўзаллик, ғоя ва фикр гўзаллиги ҳам ажралиб, эътиборга олинади. Хуллас, гўзалликдан мақсад тафаккур гўзаллиги, маънавий гўзалликни англамоқ, олий жавҳар - Руҳи - азалийга монанд нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилмоқдир...

- Жалолиддин РУМИЙНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ - Жалолиддин Румий (1207 йил 30 сентябрда Балх шаҳрида туғилган - 1273 йил 12 декабрда Кўнё шаҳрида вафот этган)ни гоҳ Кант, гоҳ Спиноза, гоҳ Ҳегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Баъзи манбаларда, Ғарбда мавлонони “Шарқ Гегели” дея эътироф этишади. Аммо мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, у муаззам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, шеърят ва маънавият ҳам бирлашиб, олий кўринишда намоён бўлади. Унинг турли мажлисларда билдирган ўтлуғ фикрларидан таркиб топган “Ичингдаги ичингдадир” асари инсон ва олам, онг ва борлик, инкор ва исбот, ҳаёл ва амал сингари фалсафий тушунчаларнинг асл моҳияти берилган мангу боқий асардир.

Ушбу асарда бир қатор фалсафий, ахлоқий, эстетик масалалар баёни берилганки, буларни ўрганиш таҳлил қилиш талабалар учун улкан маънавий озуқа бўлар эди. Қуйидаги келтирилган бир ҳикоят Румий нафосатшунослигидан бир намунадир: “Дедик: Бир филни суғормоқ учун сув бўйига келтирдилар. У ўз аксини сувда кўриб кўрқди. Лекин у бошқасидан кўрқдим деб ўйлар, ўзидан чўчиганини билмасди”.

Инсон ўз каллигидан ва чипқонидан ирғанмас. У ярали қўлини бемалол овқатга узатади, ялайди. Бундан унинг кўнгли айнамайди. Аммо бировнинг

кўлида кичик бир чипқон ёхуд яра кўрса, бас, овқат ейишдан тўхтайди, жирканади.

Инсондаги ёмон феъллар ҳам каллар ва чипқонларга ўхшайди. Ўзида бўлганида ҳеч ирғанмайди, ўзгада бўлсачи, жирканади, нафрат этади. Сен ундан хуррканингдек у ҳам сендан чўчиса, инжиса, уни хуш кўр. Сенинг хафа бўлишинг унинг айбидир. Чунки уни кўришинг сабабли таъбинг тиррик бўлаяпти. Шу билан бирга, у ҳам худди шундай кўради. Пайғамбар алайҳиссалом “Мўмин мўминнинг ойнасидур” (ҳадис) дея буюради. Бу кофир кофирнинг ойнаси бўлолмайди, дегани эмас. Унинг ойнаси бор эди, фақат у бундан ғофилдир”.

Жалолиддин Румий номи билан машҳур бўлган зот дунёнинг улуғ донишмандларидан бири, беназир шоир ва бетакрор бир мутафаккир, валий инсондир. Унинг олти дафтардан иборат “Маснавий маънавий” номли асарини “форс тилидаги Қуръон” деб тавсиф этадилар. Жалолиддин Румий ўзининг кейинги Шарқ шеърятти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир.

“Фиҳи мо фиҳий” содда форс тилида ёзилган асар, улуғ муаллиф “Маснавий маънавий”даги ҳадис ва оятлар, ҳикоят ва тамсилларга ўралган, ўта мураккаб бир фалсафий муҳокамалар асосига қурилган фикрларини бу ерда равшан ва содда қилиб тушунтириб берган.

“Фиҳи мо фиҳий”да руҳ диалектикаси, инсон майллари, тушунча - тасаввурлари, эҳтиёж ва талаблари изтироб ва қийноқлари, зиддиятлар ва мувофиқликлар, кураш ва ғалаба, йўқлик ва борлиқ, рўё ва ҳақиқат, жисм ва жон ва ҳоказолар устида билдирган фикрларни бундан етти юз йил илгари айтилганига ишонқирамай қоласиз, гўё улар бугун айтилгандай. Фалсафани Ҳегел ва Марксдан, Шопенгауэр ва Кантдан, Нитшче ва Фрейддан ўрганган кишилар “Фиҳи мо фиҳий”ни ўқиб, ҳаммаси ўзимизда алақачон бор экану, ҳаммаси айтилган экану дейишлари табиий.

Қолиб Румий, Навоий, Ҳаллоҷ,
Ўрганмасдан Бедилни.
Сингдирибман онгга, ажабо,
Фейербах, Кант, Гегелни.
Гегелдан мен Румийга келдим,
Келдим нақшбандияга.
Ваҳоланки Румийдан Гегел
Озиқ олмиш мияга.
Бошим тегди ғарб деворига,
Нени излаб юрибман.
Мен машриклик шарқдан ғарбгамас,
Ғарбдан шарқга келибман.

Румий минг йиллар давомида тўпланиб келган Шарқ фалсафаси ва ҳикмати, исломий ҳақиқатларни омухта этолган, тасаввуф ва фалсафани кўшиб, инсон руҳи диалектикасини очган улуғ мутафаккирдир. Унинг қарашларида бирор бир мутаассиблик, кўр-кўрона ақидапарастлик намунасини кўрмаймиз. У тийрак ва хушёр кўз билан дунёга назар солади, инсонни қандай бўлса, шундай олиб ўрганади, инсон қалби тўридаги энг нозик, энг инжа, энг яширин сирларни ошкор этади, руҳимиз иқлимларидаги ўзимиз сезмаган қонуниятлар, заруриятларни кўрсатиб беради.

РУДАКИЙНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ - IX асрнинг II ярми X аср I ярмида яшаб ижод этган Абу Абдуллоҳ Рудакий ўша давр эстетик тафсири тартибига муносиб ҳисса қўшди. Бизга маълумки форс-тожик адабиётининг ажойиб гуллари бутун жаҳонни мафтун этган. Чунки унинг чуқур илдизлари халқ оғзаки ижодидан фойдаланиб, халқ ғоялари билан суғорилганлигидадир.

Рудакий ижодига назар ташлар эканмиз, унинг ғазаллари, рубойларидан дилбар куйни, пок инсоний севгини, инсон ақл идроки гўзаллигининг улуғлаганлигини кўрамиз. У кўзи ожизлигига қарамай шоир, созанда ва бастакор бўлган. Рудакий ўз асарларида инсон ақл-заковатига ишончни куйлайди, ана шу ақл-заковатини бойитишга чакиради. У ҳаётни энг юксак бахт, эстетик қиммати жиҳатидан энг катта бойлик деб ҳисоблайди.

Ривоятлардан бирида айтилишича бир вақт Амир Наср Ҳиротга бориб, узок муддат туриб қолади.

Сарой аҳллари, шоҳни кузатиб борган аъёнлар ўз юртлари Бухорога қайтишни истайдилар. Лекин ҳеч ким бу ҳақда Амирга оғиз очишга ботина олмайди. Улар бу ишни шоирдан илтимос қиладилар. Бир куни эрталаб амир зиёфатда эканлигида Рудакий кейинроқ, кириб келиб ўз жойига ўтиради-да, кўлига созини олиб ватанпарварлик ҳислари билан ўз жонажон ўлкасига интизорлик туйғулари билан тўлган ажойиб шеърини ўқий бошлади.

Мулиённинг низи бу ён келадур,
Меҳрибон ёр ҳиди бу ён келадур.
Амунинг қум-тоши оёқ остида,
Пар-и шоли роҳатижон келадур.
Қанчалик тошса-да Аму сувлари,
Отимиз қонини тубон келадур.
Эй, Бухоро, шод бўл шод кул,
Сен тараф шоҳ, шоду шодмон келадур.

Тоғ этакларидан шилдираб оқиб тушаётган зилол сувдек ёқимли, тиниқ ва равон, турли-туман жим-жимадорликлар шоҳда ажиб бир ҳиссиёт ҳосил қиладики, Амир Наср ирғиб ўрнидан турадида, этик кийишни ҳам унутиб, уйда юрадиган кафшлар билан отга миниб, Бухорога йўл олади; Рудакий созининг

сеҳри унда эстетик кечинмалар ҳосил қилади. Демак, бу сўзлар шундай кучли таъсир қилдики, “Сангу-сандон” юракларни мум каби юмшатади.

АБУЛҶОСИМ ФИРДАВСИЙ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ - жаҳон бадиий фикр хазинасига катта ҳисса қўшган, номи минг йилдан ортиқ давр ичида шеърят осмонида порлоқ юлдузлардан бири бўлиб келаётган санъаткорлардан бири бўлиб, унинг машҳур, “Шоҳнома”си рус-инглиз, немис, француз ва бошқа Европа тилларига таржима қилинган. Унда 50 подшоликдан иборат тўрт сулоланинг, деярли тўрт минг йиллик тарихи бузилмас мантиқ ва тартиб билан битиб берилган.

“Шоҳнома”даги дostonлар орасида “Рустам ва Сухроб” дostonи кишини ҳаяжонга солувчи маҳорат ва назокатга эга.

Фирдавсийнинг 100 мингдан ортиқ мисрадан иборат “Шоҳнома”си ва ўзининг фожиавий тақдирини эшитган кишида бир ажиб ҳиссиёт пайдо бўлади.

ЖОМИЙНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ - ажойиб шоир ва мусиқачи олим Ҳазрат Абдурахмон Жомий ҳақида қанча гапирсак ҳам оз. Чунки у, буюк шоир, олим, мусиқашунос, тилшунос, адабиётшунос, тарихчи, файласуф қолаверса буюк Алишер Навоийнинг устози бўлиб, форс-тожик адабиёти дурдоналарини биринчи бўлиб шарбатини бир жомга жо қилиб, симира олган, унинг хилма-хил жилосини Жамшиднинг афсонавий жомидек ўзида акс эттира олган, сайқал бера олган шоирдир. Жомий “халққа хизмат қилинмаса, ибодатдан фойда йўқ,” - дейди.

Жомий ўз қарашларини фақат тараққийпарварлик фикрлари билангина эмас, балки санъаткорлик маҳорати билан ҳам бойитди.

Эй, дахонат зи лабу дахон ширинтар,
Ханда ширин, сухан гуфтан аз он ширинтар.

Жомий етти дoston яратди. Унинг “Саламон ва Абсол” дostonи ишқий мажозий дostonдир. Бунда Саламон ва Абсолнинг севгиси орқали инсонга бўлган муҳаббатини куйлайди.

Жомийнинг “Мусиқа ҳақидаги” асарида мусиқанинг инсон кечинмалари билан чуқур боғланганлиги, мусиқанинг санъат аҳлига қайғу ёки қувонч, умидсизлик ёки ишонч кайфиятини кўзгаш қобилияти ҳақида ажойиб фикрлар баён қилинган.

БОБУРНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ - Амир Темурнинг шонли ишларини давом эттирган, маданиятни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган одил шоҳ, моҳир лашкарбоши, ажойиб тарихчи ва оташпараст шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530)нинг нафосат илми хазинасига қўшган

асарлари - “Рисолаи арузи”, шеърӣ девони, “Волидия”, Бобур ихтиро этган “Хатти Бобурий” ва бошқалардир.

Унинг шоҳ асари “Бобурномадир”. Унда адабиёт ва санъатга, муסיқага алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, Бобур бу асарида табиат манзаралари, инсонлардаги самимийлик, ички маънавий гўзаллик, инсонлараро муносабатлар, юрт гўзаллиги ҳақида ёзади.

Айниқса, нотиқликда сўзнинг қадри, сўз ишлатишдаги таъб нозиклиги тўғрисидаги фикрлари диққатга сазовордир. “Ҳар вақти ки сўз айтурсизлар, яхши сўздан бўлакни айтмангиз ва кўп сўзламак кўнгилни қаро қилур, хор айлар”, “Насихатинг ширин сўзу, мулоимлик бирла ибтидо қилгай, чунки бу замонда юмшоқлик ва хушхўйлик кўргузмайин насихат корга келмас” деб нотиқликни ўзига хос нозик вазифа эканлигини кўрсатиб ўтади.

ТАЗКИРА - НАФОСАТШУНОСЛИК РИСОЛАСИ - Тазкира - адабиётшуносликка оид атама бўлиб, бир ёки бир неча даврга таллуқли шоир ёки адибларнинг асарларидан парчалар мажмуаси бўлиб, қўли гул хаттотлар томонидан санъат асари даражасида безатилган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират-уш шуаро”, Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаққирӣ аҳбоб” тазкиралари маълум ва машҳурдир.

ЭСТЕТИК ТАФАККУРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Ўтмишда эстетик қарашлар, ғоялар, фикр-мулоҳазалар, таълимот ва назария фалсафа фани бағрида пайдо бўлди. Айни пайтда фалсафий таълимотлардаги хилма-хил йўналишлар эстетик қарашларнинг ҳам турли кўри-ниш ва йўналишларга кучли таъсир ўтказиб келди. Нафосат моҳияти, эстетик онг ва эстетик фаолият табиати, санъатнинг воқеликка муносабати масалаларида турлича қарашлар пайдо бўлди.

ҚАДИМГИ ШАРҚ НАФОСАТШУНОСЛИГИ

Тарихий меросни атайлаб кўздан пинҳон тутилгани, ҳатто кам ўрганилгани сабабли “Оврўпохудбинлик” (“Европацентризм”) уйдирма ақидалари зўр бериб илгари сурилди. Қадимги Шарқ мамлакатларининг халқлари бизга мерос қолдирган ёзувлари (Миххат, финикия алифбоси), Урхун-Енисей битиклари, Хоразм алифбоси, қимматбаҳо маъданлардан ишланган санъат асарлари (Мисрда фиръавн Тутанхамон мақбарасидан топилган осори-атиқалар, Амударё хазинаси, Доро I тасвири солинган олтин тангалар, скифлар олтин буюмлари ва бошқалар), улуғвор меъморчилик обидалари (Бобил минораси, қадимги Хоразм бадий маданияти қолдиқлари, Ҳиндистон ва Хитой ҳукмдорлари саройлари, ибодатхоналар деворларидаги тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик асарлари) бу мамлакатларда бадий маданият юксак тараққий этганини кўрсатади.

ШУМЕР ВА ВАВИЛОНДА ЭСТЕТИК ҒОЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Амалий нафосатшунослик дастлабки намуналари бундан уч ярим минг йил аввал дунёдаги биринчи ёзув бўлмиш мих хатда гилтакталарга ёзилган мақол ва маталлардир. Сомир (Шумер) мадҳиялари да (гимнларида) деярли барча бош маъбудлар эзгулик, адолат, ҳақиқат ва яхшилик тарафдорлари бўлганлари учун ҳам мадҳ этилади. Чунончи, куёш маъбуди Уту эстетик меъёрларнинг бажарилишини махсус кузатиб турган, маъбуда Нанше эса, баъзи матнларда ҳақиқат, адолат ва шафқат ҳомийси сифатида тасвирланади. Лекин, айни пайтда, маъбудлар томонидан ўрнатилган “ме” деб аталган қонунлар рўйхатидан олам ҳаракатини тартибга солиш, унинг тўхтовсиз ва уйғун бўлишини таъминлаш мақсадида юқоридаги эстетик фазилатлар билан биргаликда - “ёлғон”, “нифоқ”, “гина”, “қудрат”, “қўрқув” тушунчалари ҳам ўрин олган. Шунингдек, сомирийларнинг мақол ва маталлари, ҳикмат-иборалари ҳам диққатга сазовор; уларнинг кўпчилиги умуминсоний ҳикматлар даражасига кўтарилган ва Шарқда бир оз бошқачароқ шаклда ҳозир ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, турли эстетик муаммолар эса “Гильгамеш” эпоси дostonларида кўтарилган.

Сомирликлар эришган илмий, бадий, эстетик даража, ҳуқуққа оид ютуқлар бобилликлар эстетик қарашлари учун асос бўлди. Бобилда сомирликларникига нисбатан бадий юксак ва мукамал “Гильгамеш” эпоси вужудга келди. Адолат ва ҳақиқатнинг ҳимоясини асосий мақсад қилиб олган Вавилон подшоси Хаммурапининг машҳур Қонунлар мажмуи эса қадимги Сомир қонунларининг тадрижий ривожидир. Бу мажмуада заифларни, етим-есир ва камбағалларни адолат тамойили асосида ҳимоя қилиш асосий мақсад қилиб қўйилган; Хаммурапи унда ўзининг камбағалпарварлиги ва адолатпарварлиги билан ҳақли равишда фахрланади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ, ЭРОН, ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

Яқин-яқинларгача “эстетик ғоялар ватани қадимги Юнонистондир” деган сўзларга ишонар эдик. Бироқ, нафосатшунослик ва бошқа фанлар юзасидан ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, эстетик ғоялар даставвал қадимги Шарқ ўлкаларида, жумладан, Миср, Месопотамия, Бобил, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Турон мамлакатларида вужудга келган экан. Юнонистон зиёлиларидан бўлмиш, тарих фанининг отаси деб ном қозонган Геродот Шарқ

мамлакатларининг кўпларида бўлиб, улар ҳақида ўз тарихий асарларида баён қилган. Қадимги Шарқ эстетик қарашларини ўрганиб, уларни умумлаштириб, назарий жиҳатдан янада бойитиб баён этиш орқали бошқа ҳаёт жабҳаларида бўлганидек, эстетик қарашлар тарихида ҳам қадимги Шарқ мамлакатлари эришган ютуқлар заминида Оврўпо мамлакатлари бадий маданияти таркиб топганлигини эътироф этиш вақти келди.

“АВЕСТО”ДА ГЎЗАЛЛИК ТУШУНЧАСИ - қадимги Туронзамин ва Эронзаминдаги ахлоқий ва эстетик тафаккур тараққиёти зардуштийлик динининг вужудга келиши билан боғлиқ. Тахминан бундан XXX аср муқаддам ёйила бошлаган бу диннинг Қадимги Хоразмда яратилган, “Авесто” деб аталган муқаддас китобида асосий ахлоқий ва эстетик фазилатлар ва иллатлар санаб ўтилади, талқин этилади. Унда зардуштийлик илоҳи Аҳура-Мазда - эзгулик, Аҳриман эса ёвузлик тимсоли сифатида намоён бўлади; эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва мамот ўртасидаги абадий курашнинг ибтидоси акс этади. “Абадий эзгулик”, “Эзгу ният”, “Эзгу тартиб”, “Илоҳий тобеълик”, каби эзгу тушунчалар реал маъно касб қилиб, инсонийлашган қиёфадаги маъбудлар сиймосида намоён бўлади, улар Аҳура-Мазда атрофида яхшилик уруғини сепаб юради.

Дунёнинг яратилиши, инсоннинг халқ бўлиб, камол топиши, эзгулик учун ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик, ижодкорлик, бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топган “Авесто” жаҳоншумул аҳамиятга молик бўлган китоб бўлиб, жаҳоннинг барча тилларига тўлиқ таржима қилиниши ва ўрганилиши зарур бўлган коинот ва замин, инсон ва ҳаёт, ўлим ва абадиёт сингари бутун инсониятга муштарак жумбоқлар, саволлар, савоблар ҳақида ҳикоя қилади. “Авесто”да ўтган давр ҳудудлари ҳақида, улуғвор тоғлар, сокин кўллар, тезоқар дарёлар, этник қабилалар, ҳатто қадимги давлатлар тўғрисида; диний насиҳатлар, гўзал олам, осмон, бепоён океан, ёруғлик ва зулмат, жаннат ва дўзах хусусидаги фикрлар ҳам ўз аксини топган.

ҚАДИМГИ ДУНЁНИНГ МУМТОЗ НАФОСАТШУНОСЛИГИ - қадимги Юнон нафосатшунослиги ҳақида гап кетар экан, асосан, тўрт буюк файласуфнинг номини тилга олиш одат бўлиб қолган; Сукрот, Афлотун, Арасту, Эпикур. Лекин, аслида, уларгача ҳам Қадимги Юнонистонда нафосатшунослик борасида анча-мунча ишлар қилинган. Чунончи, Демокрит, Пифагор, Гиппий, Георгий сингари софистлар (донишмандлар) оқимиға мансуб файласуфларнинг қарашлари диққатга сазовордир. Мисол тариқасида Демокритнинг қарашларини олиб кўрайлик. У донишмандликни энг юксак фазилат, ақлни эса ахлоқий хатти-ҳаракатнинг мезони деб билади ва донишмандни ахлоқли, нодонни ахлоқсиз одам сифатида таърифлайди. Демокритнинг фикрига кўра, инсон учун ҳаётдаги биринчи устоз эҳтиёж ва

тажрибадир. Айнан шулар инсонни фойдали ва зарарли нарсаларни фарқлаш даражасига олиб келади.

Демокрит Қадимги юнон файласуфлари ичида биринчи бўлиб инсоннинг ички дунёсига мурожаат қилди. У ниятни (хатти-ҳаракат сабабини) ҳаракатдан ажратади. Айни пайтда; “Номусли ва номуссиз одамни нафақат қилмиши, балки нияти орқали ҳам билиб олса бўлади”, дейди мутафаккир. Демокрит ҳаё ва ишончни кингир ишлардан қайтариб турувчи куч тарзида таърифлайди. Фақат руҳан заиф ва гумроҳ одамларгина ўз муваффақиятсизликларини маъбудлар, тақдир ва тасодифлардан кўрадилар. Нодон ва ёмон одам лаззат, бахт ҳамда ҳаётнинг мақсади ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлгани учун ўзини бахтсизликка мубтало қилади.

Сукрот қарашларига келсак, у, Конфуцийга ўхшаб, ахлоқ билан нафосатни бўлинмас яхлитликда олиб қарайди: “Нимаики қонуний бўлса, ўша адолатдандир”. Иккала мутафаккир ҳам ҳукмронликнинг яхши ёки ёмон деб баҳоланишини фуқаролар тарбияси билан боғлайди, жасорат ва бетаъма хизмат намуналарини ўз давлатлари ўтмишидан топади.

ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОНДА ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАР - қадимги юнон эстетик таълимотининг ибтидоси машҳур математик олим ва файласуф Пифагор (э.а. 6-5 асрлар) номи ва у яратган мактаб билан боғлиқ. Пифагор ва унинг шогирдлари барча нарсаларнинг моҳиятини рақамлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ташкил этади, коинот яхлитлигида ҳам рақам ақидаси ётади, деб уқтирадилар. Улар мазкур қарашларини нафосат оламига ҳам татбиқ этиб, эстетик тафаккурни бойитишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Пифагорчиларнинг нафосат асослари, мусиқавий ҳамоҳанглик асослари, яъни “хилма-хил овозли томонларнинг келишуви” умумбашарий ҳамоҳанглик (гармония) эканлиги ҳақидаги қарашлар ва ғоялари эстетик тафаккур тарихида муҳим ўрин тутади.

Қадимги эстетика тафаккурида моддийунчилик (материалистик) йўналишни Гераклит (э.а. 540-480-йиллар) бошлаб берган эди. У нафосат хоссалари моддий дунёнинг ўзидан келиб чиққан, нафосат ҳамоҳангликни англатади, ҳамоҳанглик эса қарама-қаршиликлар бирлигини ташкил этади деб кўрсатди ва нафосатнинг нисбийлиги ғоясини илгари сурди.

Демокрит (э.а. 460-370-йиллар) гўзалликни ҳамоҳангликда, бўлақларнинг тўғри мутаносиблигида, томонлар мослиги (симметрия)да деб билди ва уни меъёр тушунчаси билан боғлади, у санъат инсоннинг дастлабки эҳтиёжлари қондирилгандагина вужудга келади, деб уқтирди. Демокрит санъатнинг моҳиятини воқеликка тақлид қилиш (мимесис)да кўрди.

СУҚРОТНИНГ ЭСТЕТИК ҒОЯЛАРИ - (э.а. 470-399- йиллар) таълимотида гўзаллик коинотдан инсон турмушига, унинг ички кечинмаларига кўчирилган бўлиб, гўзаллик ва эзгулик бирлиги ёки ҳозирги таъбир билан

айтганда эстетика ва ахлоқ бирлиги етакчи ғоя сифатида баён қилинади. Сукрот эстетик тасаввурларнинг нисбийлиги ғоясини илгари суриб, эстетик ва манфаатли белгилар ўртасидаги яқин алоқадорлик мавжудлигини кўрсатиб берди.

АФЛОТУННИНГ ЭСТЕТИК ҒОЯЛАРИ - (э.а. 427-347- йиллар) Афлотун эстетикани ҳам гўзаллик фалсафаси, ҳам санъат фалсафаси сифатида таърифлайди. Афлотун фикрича, нафосат манбаини аввало ғоялар ташкил этади. Ҳис-туйғу берадиган барча нарсаларни абадий, ўзгармас ғоя “ёритиб турган”дагина гўзаллик кашф этилади. Унинг фикрича гўзаллик ўта ҳиссиётли бўлгани туфайли унинг моҳиятини ҳис-туйғу билан эмас, балки ақл-идрок билан англаш мумкин.

Афлотуннинг санъатга оид қарашларида ижодий жараёни илоҳийлаштириш, санъатни эса бутунлай ақл-идрокка тескари бўлган саъй-ҳаракат тарзида баҳолаш ўрин олган. У, қандайдир пасткашлик уринишлари сифатида таърифлаб, уни нарсалардан кўчирилган нусха, нарсаларнинг ўзи эса ғояларнинг хира нусхасидир, деб уқтиради.

Афлотун қарашларида эстетик тарбия назарияси муҳим ўрин тутади. У санъатнинг одамларга нисбатан ўтказа оладиган таъсир кучини тан олади, лекин бу таъсир кучи салбий, бузгунчи хусусиятга эга, деб таъкидлайди. Шу боис Афлотун истиқболда орзу қилган давлат мафкурасида мусиқадан бошқа барча санъат турларини тилга олмайди, мусиқанинг ҳам фақат “ҳарбийча жаранглайдиган”, “мардона” шаклларига ўрин ажратади. Шундай қилиб, Афлотуннинг санъатга ва эстетик тарбияга доир қарашлари таркидунёчилик, қаттиққўллик руҳи билан суғорилган.

АРАСТУНИНГ ЭСТЕТИК ТАЪЛИМОТИ - қадимги юнон эстетика назариясининг чўққиси ва якуни сифатида Арасту (э.а. 384-322- йиллар) эстетик таълимоти катта аҳамият касб этади. Арасту фикрича, нафосат асосини моддий дунёдаги нарсалар ташкил қилади, нафосат ана шу нарсаларнинг тартиблилик, мувофиқлик, аниқлик, уйғунлик, яхлитлик хоссаларида намоён бўлади.

Санъат амалиёти Арасту эстетикасининг ҳаётбахш манбаидир. Буюк мутафаккир ана шу амалиёт билан узвий боғланган назарий қоидаларни яратди.

Арасту эстетик таълимотида Демокритнинг воқеликка тақлид қилиш (мимесис) ҳақидаги ғояси янада ривожлантирилди. У санъатни воқеликка - одамлар, нарсалар ва инсон фаолиятига тақлид қилиш воситаси сифатида баҳолаб, санъатни идрок қилишда ҳосил бўладиган шодликни тасвирланган нарсаларни таниганликдан чиқадиган натижа билан боғлайди. Арасту санъатнинг инсон руҳига ўтказадиган таъсир кучига алоҳида эътибор бериб, унинг ахлоқий қудратини, олижаноб фазилатлар яратиш кучини, воқеликни англаш хизматини улуғлайди.

Фожиали воқеа-ҳодисалар заминиди Арасту ваҳима, даҳшат, раҳм-шавқат орқали инсон руҳини поклантириш (“катарсис”) таълимотини илгари суради. Бундан ташқари унинг эстетик қарашларида воқелик билан бадиий маданият мутаносиблиги муаммолари, инсон ва санъат, инсон ва бадиий ижод масалалари кенг ўрин эгаллаган. Шунини алоҳида таъкидлаш даркорки, Арасту эстетика назариясида биринчи бўлиб уни турлар, хиллар, кўринишларга ажратган олимдир.

Тўрт «сабаб» (ёки принциплар) ёрдамида Аристотель *табиий ва маданий* нарсалар ўртасида фарқ ўрнатади. Ўзида тўрт «сабаб»нинг барчасига, шу жумладан ҳаракатланувчи ва якуний сабабларга эга бўлган нарса (субстанция)лар табиий ҳисобланади. Бунга стандарт мисол бўлиб дон хизмат қилади; у нормал шароитда ўсиб ўзи бўлиши керак бўлган ўсимликка айланади. Бу инсоннинг ўсиш жараёнининг ҳаракатланувчи сабабига ҳам, мақсадли сабабига ҳам аралашувисиз рўй беради. Бошқа томондан, ўзининг ўзағариши учун ҳам ҳаракатланувчи, ҳам якуний сабаб нуқтаи назаридан инсоннинг аралашувини талаб қилувчи нарсалар маданий нарсалар бўлиб ҳисобланади. Стандарт мисол кўзага айлантирилган бир юмалоқ лой билан боғлиқ.

Маданий нарсалар, шундай қилиб, инсоннинг ижодий фаолияти билан боғлиқдир. У икки хил бўлиши мумкин. *Табиатда мавжуд бўлмаган*, аммо инсоннинг фаровонлиги учун фойдали бўлган нарсани яратиш, масалан, меҳнат қуролларини яшаш ҳақида гапириш мумкин. Шунингдек, *табиат имитацияси*, унда мавжуд нарсдан кўчириш ҳақида ҳам гапириш мумкин. Бунга чопиб бораётган ит тасвирланган сурат, яъни фойдали бўлмагани ҳолда, бизга лаззат бахш этувчи санъат асари мисол бўлади. Бу иккала фаолият тури ҳам грекча санъатни тушуниш – технэ (teshe) га киради. Аммо фақат охиригиси ҳозирги замондаги санъатни тушунишга мос келади.

Сўнгги маънодаги санъат, Аристотелга мувофиқ, икки ҳолат билан характерланади. У нусха яратиш, *имитациядан* иборат бўлади. У бизга ўз ҳолича, фойдалиликдан қатъи назар лаззат бағишлайди. (Фойдали нарса ўз ҳолича яхши бўлган нарса учун яхши ҳисобланади. Санъат эсап айнан ўх ҳолича яхши бўлган нарсаларни тасвирлайди.) Санъатнинг моҳияти – у ўз ҳолича лаззат бағишловчи нусха эканлигидадир.

Санъатнинг нусха кўчириш (имитация) сифатида тушуниш Платондан туртки олади. Аммо Аристотель ғоялар ҳақидаги таълимотни бошқача талқин қилгани туфайли, имитация (ва билиш)ни ҳам Платондан бошқача талқин қилади. Аристотель учун «шакл» алоҳида нарсаларда мавжуд бўлади. Бинобарин, Платондан фарқи ўлароқ, Аристотель учун ҳиссий нарсалар шаклларга нисбатан янада тенг ҳуқуқлироқ мақомга эга ҳисобланади. Шундай қилиб, санъат ҳиссий нарсалардан нусха кўчириш сифатида Аристотель учун Платонга нисбатан кўпроқ қадрли ҳисобланади. Шу билан бир вақтда

Аристотель жамият вав яхши Ҷазилатли ҳаётни бошқариш учун зарур бўган тушунишга нисбатан янада демократикроқ нуқтаи назарга эгадир. Натижада Аристотель санъатнинг ҳар хил турларига янада ижобий (маърифий ва сиёсий маъноларда) баҳо беради.

Аристотель Платонга нисбатан кўпроқ таҳлил қилиш ва дифференциациялаш қобилиятларига эга. Масалан, у назария (метафизика, математика ва натурфалсафа), праксис (этика ва сиёсат) ва пойезис (мақсади унинг ўзидан фарқ қилувчи фаолият)—ни ажратади. Бу фаолият турлари бири-биридан фарқ қилади. Уларнинг ҳар бири ўзининг шартлари асосида маълум даражада «ўз ўзидан детерминлашган» ҳисобланади. Масалан, эстетик нарсалар Платондагига нисбатан кўпроқ даражада эстетик деб баҳоланиши мумкин.

Санъатнинг нусха кўчириш сифатида тушуниш инсон табиатан билига интилиши ҳамда таҳсил олиш ва ҳиссий идрок қилишдан лаззат олиши ҳақидаги тасаввур билан боғлиқ. («Эстетика» сўзи грекча *fisthenesthai* сўзидан келиб чиққан бўлиб, «ҳиссий идрок этиш» деган маънони билдиради). Реал нарсалар имитацияси бизга ўзимизга маълум нарсаларнинг янги жиҳатларини пайқашимиз ёки аввал кўрган нарсаларимизни янгича идрок қилишимиз, ёки бўлмаса аввал кўрилган ва идрок қилинган нимадинидир билишимиз мумкин. Бу имитация ҳам «яратувчи» (санъаткор), ҳам «истеъмолчи» (санъат асарини идрок этувчи шахс) ҳисобланади. аммо санъаткор фақат реал мавжуд нарсанигина имитация қилиши шарт эмас. У, шунингдек, бўлиши керак бўлган ва бўлиши керак бўлмаган нарсаларни ҳам имитация қилиши мумкин. Масалан, шоир яхши ва ёмон одамлар, қаҳрамонлар ва муттаҳамларни тасвирлаши мумкин.

Кўриб, турганимиздек, Аристотель эстетика ва этикани боғлайди. Унинг учун санъат ахлоқий функцияга эга. У енгиллаштириш ёки тозалаш мумкин. Санъатнинг энг муҳим функцияси катарсис, яъни маънавий енгиллик ва тозаланиш ҳисобланади.

Санъатнинг катарсис сифатидаги ғояси грек маданиятида чуқур илдиз отган уйғунлик тушунчаси билан боғлиқ. Олам (космос) ўз моҳиятига кўа уйғун ва бинобарин, гўзалдир. (Дарвоқе, «косметика» сўзининг ўзаги ҳам шундан келиб чиқади). Хунук ва ёвуз нарсалар ноуйғун, номутаносиб ҳисобланади. Худди шу каби, касаллик ҳам турли тана флюидлари ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши сифатида тушунилади. Кўп микдорда қонга (*sanguis*) эга одам флегматик бўлади. Ҳаддан ортиқ совуққон (*flegma*) одамлар флегматик бўлади. Серсафро (*chole*) одамлар – холерик, қора сафроси (*melaina chole*) кўп одамлар – меланхолик ҳисобланади. Бинобарин, қон чиқариш маъкул даво усули бўлиши мумкин. Табиий уйғунлик ва мувозанатни бузишга уриниш йўл қўйиб бўлмайдиган манманлик (*hybris*) ҳисобланади ва худолар томонидан жазоланади. Яхши жамият ўзи билан ўзи уйғунликда бўлади, яъни ўзини ўзи қўллаб-қувватловчи ва ўзини ўзи бошқарувчи ҳисобланади. Бошқача айтганда, у ўзини *табиат ўзига белгиланган ўз табиий чегаралари доирасида тутиб туради.*

Яхши ҳаёт бизга хос бўлган хусусиятларнинг уйғун амалга оширилиши бўлиб, бунинг натижаси биз яхши фазилатларга эга бўламиз. Биз ўз потенциаларимизни мутаносиб равишда актуаллаштиришимиз керак. Шу туфайли биз бир сифатимизнинг бошқасига нисбатан ҳаддан ташқари ривожланиши натижасида рўй берувчи ёки ҳам бизнинг туғма қобилият ва имкониятларимиз, ҳам табиий ресурслар чегарасидан чиққанда юзага келувчи зиддиятлардан қочишимиз лозим.(Бундай қарашнинг экологик оқибатлари етарли даражада аниқ. Экспоненциал ўсиш бу ерда ҳалокатли нодонликка асосий мисол бўлар эди.)

Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Аристотель санъатга маънавий мувозанатни тиклаш функциясини юклайди. Санъат асари (масалан, муסיқий ёки драматик асар) билан танишар эканмиз, биз ўзимизда уйғунлик ва дунёни тиклашимиз ва, охир натижада, ақл (руҳ)имизни тўлдиришимиз мумкин. Шундай қилиб, икки хил талқин мавжуд.

1)Санъат шу маънода **катарсис** бўлиб ҳисобланадики, у бизнинг тозаланишимизга ёрдам беради.(Грекча “тозалаш”) Саҳна асарини томоша қилиш жараёнида унинг қаҳрамонлари билан бирга қайғуриб, юксак ҳиссиётларга берилиб, биз юкли эҳтирос ва бошқариб бўлмайдиган эмоциялардан халос бўламиз ва ҳаётимизни мутаносиб мўътадиллик идеалига мувофиқ давом эттирамиз. Бу – флюидлар ҳақидаги таълимотга асосланган тиббий терапия руҳидаги терапевтик талқиндир. Жуда кучли ва интенсив кечинмаларга эга бўлганлар улардан санъат ёрдамида халос бўлишлари ва, бинобарин , ўзига хос руҳий қон чиқаришни бошдан кечиришлари мумкин. (Хис-туйғулари ҳаддан ташқари заиф бўлганлар эса уларни эмоционал жиҳатдан кучайтиришлари мумкин.)

2)Санъат шу маънода **катарсис** бўлиб ҳисобланадики, биз санъатга ошно бўлишимиз натижасида инсон сифатида тозаланамиз ва тарбияланамиз. Бунда энг муҳими айрим эмоциялардан халос бўлиш эмас (руҳий қон чиқаришда бўлгани сингари!)Энг муҳими шуки, кечинмаларимиз ёрдамида биз ақл (руҳ)имизни тўлдирамиз. Бинобарин, бу ўринда бизнинг мақсадимиз оддийлик доирасидан чиқувчи шахсий етуклик ҳисобланади.

Аристотелга мувофиқ, санъат асари билан танишиб қайғураётган инсон учун санъат ўз ҳолича эзгулик (ёки мақсад) ҳисобланади. Шу билан бирга, ижод жараёни жараённинг ташқарисида бўлган мақсад билан белгиланади

Бу муносабат билан Аристотелнинг риторикани тинглашга эришиш воситаси сифатида тушунишини тилга олиб ўтиш жоиз. Аристотель риторикага ҳам, умуман санъатга ҳам Платонга нисбатан кўпроқ ижобий ёндашади. Аристотелнинг фикрича, риторикас оммавий мунозараларда ўзига тегишли бўлган ўринни эгаллаши мумкин.

Аристотель ўзининг Поэтика асари билан ҳам машҳур. Бу асарда у, бошқа нарсалар қатори, классик шартни ҳам муҳокама қиладики, унга мувофиқ драма ҳаракат, вақт ва жой бирлиги талаби билан характерланиши керак.

ҚАДИМГИ РУМО НАФОСАТШУНОСЛИГИ

Қадимги Юнонистон нафосатшунослари илмий анъаналарини Цицерон, Лукреций Кар, Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий, Секст Эмпирик сингари Қадимги Румо мутафаккирлари давом эттирдилар.

ТИТ ЛУКРЕЦИЙ КАР (э.а. 99-55-йиллар) "Нарсалар табиати ҳақида"ги асарида қадимги Рим эстетикасидаги модийунчилик санъатнинг "зарурият" (эҳтиёж)дан табиий келиб чиққанлигини уқтириб, унинг маърифатчилик аҳамиятини кўрсатиб берди.

Эпикур эстетик таълимотининг изчил ҳимоячиси сифатида, машҳур "Нарсаларнинг табиати ҳақида" деган достонида руҳ ва вужуднинг ажралмас алоқасини таъкидлайди, руҳнинг ўлиши тўғрисида фикр юритади, инсоннинг ўлим кўркувидан халос бўлишида ахлоқий маъно борлигини айтиб ўтади. Ўлим кўркувидан ва маъбудлар олдидаги кўркувдан халос бўлган киши бахтли яшаши мумкин, ақл-идрок ва ҳис-туйғулар шарофати билан нарсалар ҳақида у ҳақиқий тасаввурга эришади.

ЛУЦИЙ АННЕЙ СЕНЕКА ҳам ёзувчи, ҳам ахлоқшунос, ҳам нафосатшунос файласуф. Унинг "Ғазаб ҳақида", "Шафқат ҳақида", "Бахтли ҳаёт ҳақида" сингари нафосатшуносликка доир рисоалари кўпчиликка маълум. Сенеканинг фикрига кўра, дунё моддий, бироқ, унда қандайдир жонли ибтидо ҳукмрон: уни ақл-идрок деймизми, табиат, башорат ёки тақдир деймизми - аҳамияти йўқ. Муҳими шуки, унинг ёзиғи албатта амалга ошади. Файласуф фазилатларнинг маъносини тақдирдан розиликда, унинг зарбаларига инсоний қадр-қимматни йўқотмай, мардона ва чидам билан дош беришда кўради. У ўлимни совуқ, тунд, лекин озодликнинг қафолати сифатида талқин этади. Озодликни ўз-ўзини ўлдиришда кўриш, шубҳасиз, у яшаган даврнинг ғоятда фожиалилиги билан боғлиқ.

Яна бир Қадимги Румо ахлоқшуноси ва нафосатшуноси озод қилинган кул **ЭПИКТЕТДИР**. Унинг ахлоқий ва эстетик қоидалари қуйидагича: тақдир муқаррар; ақл-идрок ахлоқнинг ва нафосатнинг ягона ва ишончли мезони; ташқи дунё маъбудлар иродасига қатъиян боғлиқ, ички дунё инсоннинг ҳукми остида; ҳақиқий донишманднинг эрки шундаки, у ўзига боғлиқ бўлган нарсаларни ҳаётнинг мақсади ва маъноси шахсий ички эркинликни англаш ва уни қўлга киритиш; унга элтадиган йўл битта - маъбудлар иродасига сўзсиз итоаткорлик, эҳтиёжда мўътадиллик, бепарволик, совуққон ақл билан иш кўриш.

Шундай қилиб, Қадимги Румо нафосатшунослари ҳам инсон хатти-ҳаракатлари муаммосини ўртага ташлайди ва инсоннинг оламдаги ўрни ҳамда

ҳаётнинг мақсадини белгилашга интиладилар. Бундай интилиш, айти пайтда, бутун Қадимги дунёнинг мумтоз нафосатшуносларига хосдир.

Антик дунё нафосатшунослигининг жаҳоншумул аҳамияти - бу даврда эстетик ғоялар вужудга келди, шаклланди ва кейинги давр учун асос сифатида хизмат қилди.

4-МАВЗУ. УЙҒОНИШ, ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВР НАФОСАТШУНОСЛИГИ.

РЕЖА:

1. Уйғониш даври нафосатшунослиги.
2. Янги давр нафосатшунослиги.
3. Энг янги давр нафосатшунослиги.
4. Жадидлар ва маърифатпарварларнинг эстетик қарашлари.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Уйғониш даври нафосатшунослиги, Оврупо маърифатпарварлари нафосатшунослиги, Олмон мумтоз нафосатшунослиги, Кант эстетик қарашлари, Ҳегел эстетик қарашлари, Шопенгауэр эстетик қарашлари, Л.Толстойнинг эстетик қарашлари, Ф.Достоевскийнинг эстетик қарашлари, Анбар Отиннинг эстетик қарашлари, Хусайн Воиз ал-Кошифийнинг эстетик қарашлари, Махмуд Қошғарийнинг эстетик қарашлари, Фитратнинг эстетик қарашлари.

УЙҒОНИШ ДАВРИ НАФОСАТШУНОСЛИГИ

Уйғониш даври - маданияти, маънавияти ва маърифати, моҳияти-эътибори билан дунёвий, гуманистик дунёқараши, антик давр маданий меросига мурожаат қилиш, бамисоли унинг “қайта уйғониши” (номи ҳам шундан) ни англатади. Уйғониш даври намояндалари қарашлари инсоннинг чексиз имкониятларига, унинг иродасига, ақл-идрокига ишониб қараши билан ажралиб туради. Оврўпо Уйғониш даврида эстетик тафаккур капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг бевосита таъсири остида ривожлана бошлади. Тарихан мутараққий аҳамият касб этган буржуа инсонпарварлик ғоялари кенг тарқалиб боргани сари, табиий ва аниқ фанлар, адабиёт ва санъат буюк муваффақиятларга эришиб боргани сари эстетик қарашлар ва ғоялар ҳам шу қадар тез суръатлар билан ривожланиб борди.

Оврупо Уйғониш даври эстетикасининг муҳим хусусияти шуки, унинг моҳияти ва мазмуни юксак инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ва у бадий амалиёт билан чамбарчас боғланиб кетган эди.

Оврупо Уйғониш даврининг буюк ижодкорлари Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело, Дюрер, Севантес, Шекспир ва бошқалар эстетик тафаккур ривожланишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, буюк мусаввир, истеъдодли муҳандис, атоқли табиатшунос олим Леонардо да Винчи эстетик қарашларида боқий дунёни билишда санъатнинг аҳамиятига, унинг ўзига хос хусусиятларини эътибордан қочирмасликка даъват этди. Санъатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири -- нарсаларнинг ўзига хос сифатларини уларнинг гўзаллигини излаб топа

билиш ва оммалаштиришлардир деб таъкидлайди Леонардо да Винчи, ўзининг эстетик қарашлари баён этилган рисоаларининг бирида.

Леонардо да Винчи санъатга воқеликнинг инъикоси сифатида қараб, бу инъикос этиш шунчаки бир бўшанг уриниш эмас, ижодий қайта такрорлаш жараёни эканлигини уқтириб ўтади.

УЙҒОНИШ ДАВРИ ТУШУНЧАСИ

Ренессанс, яъни маънавият ва маърифатнинг гуллаб яшнаши учун қулай бўлган давр. Бу даврда қомусий илм эгалари, шоирлар, арбоблар етишиб чиққан. Масалан, Уйғониш даври Шарқда IX-XV асрларда, (Маъмун академиясининг ташкил этилиши, Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Наршахийларнинг етишиб чиқиши), Европада эса XV-XVII асрларни ўз ичига олади.

ОВРЎПО МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ (Э.Берк, Д.Юм, Д.Дидро)
нафосатшунослиги - инглиз публицисти ва нафосатшуноси, маърифат намояндаси Эдмунд Берк “Гўзаллик ва улуғворлик ғоялари ҳақида фалсафий изланишлар” (1757) асари замонавий инглиз эстетикасида кенг тарқалган одамларни ўраб турган атроф-оламни ҳиссий қабул қилиш тушунчаларини умумлаштириб, бир қатор эстетик ҳолатларни деизм ва материалистик талқин этувчи сенсуализмни ривожлантирди. Берк “гўзаллик” асосларини объектив нуқтаи назардан изоҳлаб, уни одамларда учрайдиан турли ҳиссиётлар: симпатия, беғараз севги ёки қувватнинг сусайиши “юмшоққўнгиллик”, “азоб чекиш” ёки “қийналиш” каби ҳиссиётларнинг пайдо бўлишини боғлаб изоҳлайди.

Улуғворлик категориясини изоҳлашда Бёрк ҳақиқатдан узоқлашган ҳолда талқин этган, яъни гўзаллик ҳақидаги эстетик нормалар орқали аниқланади ва у инсонларда туғилганидан бошлаб тарбияланади, жамият манфаатларига бўйсундирилади.

Берк эстетик қарашларида “Дид” муҳим ўрин эгаллайди. У эстетик дидни учта оддий ва табиий инсоний қобилият сифатида изоҳлайди. Булар: сезги, тасаввур ва идрок қилиш. “Дид”да инсонларнинг умумийлиги акс этса, шунинг билан бирга ҳар бир одамнинг алоҳидалиги кўзга ташланади деб таъкидланади.

Берк инсоннинг ақлий қобилияти анализ натижаларини умумлаштириб, уни бошқа одамларнинг қониқиш, аффектация, хатти-ҳаракат ва табиатини намоён бўлиши билан реакциясини тадқиқ этган. Бёркнинг эстетик ғоялари, Лессинг, Шиллер ва Кантнинг эстетик қарашларига таъсир қилган.

ДЭВИД ЮМ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

(1711-1776) - инглиз файласуфи, спектицизм ва агностицизм фалсафий оқими намояндаси. Унинг умумфалсафий ғоялари эстетик қарашларида ўз аксини топган. Юмнинг диққат маркази авваламбор эстетик муносабатларнинг субъектив томонига қаратилган эди. “Дид”нинг психологик томонини талқин этишда (эстетик дид) у гўзаллик қонунини топишга интилди, аниқроғи одамлар учун гўзаллик ва хунукликни фарқлашдаги принцип ва нормаларни қидирди,

бунинг натижасида юқоридаги категорияларга эстетик баҳо берилар эди. Диднинг руҳий механизмини эстетик тартибга солиш йўлидаги кузатишлари уни шундай хулосага келтиради, яъни инсоннинг бу қобилияти ташқи қўзғатувчига нисбатан оддий ҳиссий реакция бўлиб қолмай, балки унга тасаввур, ақл ҳам киради. Лекин барибир Юм эстетик муносабатларнинг субъектив томонини абсолютлаштиришга мойил эди, у “гўзаллик”ни унинг оқибатида пайдо бўлган “кечинма” билан тенглаштиради (ўхшашлаштиради, бараварлаштиради).

Инсониятнинг умумий дидига мос дадил ва объектив асос бўладиган далил топмаган Юм, олий маърифий инстанция фалсафаси - умумий ҳиссиётга ёки соғлом инсон ақлини унга қарши турадиган ҳар қандай ахлоқий ва эстетик йўлдан озишга (бузуқликка) киритади. Юмнинг эстетик қарашлари унинг “Инсон табиати ҳақида трактат” (1739-1740) ва “Эссе” (1741) асарларида ўз ифодасини топган.

ДЕНИ ДИДРО (1713-1784) француз маърифатпарвари, файласуф, материалист, ёзувчи, нафосатшунос олим ва санъат танқидчиси. Дидронинг хизмати туфайли француз маърифати анчагина чуқур эстетик принциплар ишланмасини топди. “Гўзаллик”нинг объектив асосини предметлар ўртасидаги муносабатлар тартибидаги пропорционаллик, симметрия ва уйғунлигида деб тушунтиради, лекин шу билан бирга, турли одамларнинг “гўзаллик” ҳақидаги фикр мулоҳазалари унинг қай шароитда ва қабул қилаётган субъектнинг хусусиятларига боғлиқ деб таъкидлайди. Тоинки, ҳиссий таассурот гўзаллик сифатида қабул қилинар экан, у ўзида муҳим ғояни акс эттирган бўлиб, ақл ва юракка таъсир этиши керак. Санъат миссияси Дидро таълимотида шундан иборатки, одамларни фуқаролик руҳида тарбиялашда уларга хайрихоҳларни севишни ва иллатлардан нафратланишни ўргатиш лозим. Рассом эса инсониятнинг устози деган номга сазовордир. Аммо санъат демократик мазмун ва шаклда халқ ҳаётига мурожаат этиб жамиятнинг ахлоқий ва фуқаролик тарбиясини амалга оширувчи восита.

ОЛМОН МУМТОЗ НАФОСАТШУНОСЛИГИ

Олмон мумтоз нафосатшунослигининг вакиллари И.Кант, И.Г.Фихте, Ф.Р.Шиллинг, Г.Ф.Хегель ва Х.Фейербахлар бўлиб, улар гарчи фалсафадаги турли оқимларга мансуб бўлсаларда, нафосатшунослик соҳасидаги қарашлари нисбатан яқиндир.

КАНТ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

Эстетик муносабатнинг мазкур қиррасини алоҳида ажратиб кўрсатган эди. Унинг “эстетик мулоҳазанинг беғаразлиги, эстетик лаззатланиш билан амалий мақсад бир-бирига мос келмаслиги” ҳақидаги фикрида оқил мушоҳада натижаси мавжуд. Мазкур мушоҳаданинг оқил томони шундаки, воқеликка эстетик

ёндашиш билан фойдали ёндашиш ўртасида фарқ бор. Кант эстетик ва фойдали тушунчаларни бир-бирига қарама-қарши қўяди. Бунда Кант эстетик тафаккурининг зиддияти томони ҳам акс этган. Унинг мазкур фикрига таянган шаклбозлар “Санъат мақсадсиз нарса, у фақат ўзи учун қадри, ижтимоий аҳамиятсиз соҳа” деб уқтирадилар. Аслини олганда, субъектнинг тор манфаати, соф моддий эҳтиёжлари фойдали тушунчани чеклаб қўйсагина эстетик тушунча фойдали тушунчага қарама-қарши туради. Агар фойда деб инсоннинг озод ва ҳамоҳанг ривожланишига хизмат қиладиган барча нарсаларни, воқеа-ҳодисаларни тушунсаккина, эстетик нарсалар фойдалидир. Шу тарзда ёндашганимизда эстетик муносабат фойда тушунчасига зид келмайди, балки унга тўла мос келиб, қўшилиб, уйғунлашиб кетади деган бирдан-бир тўғри ҳулосага келамиз.

ҲЕГЕЛ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

Мутлақ руҳ-ғоя гўзалликнинг намоён бўлишидир. Унинг фикрича, ҳис-туйғу қобиғи эга бўлган мутлақ руҳ-ғоя, яъни порлаб турган нарсагина гўзалдир. Гегел таълимотида гўзалликнинг маънавий мазмундорлиги, гўзалликка инсон муносабати масалалари акс эттирилган. Гегел улуғворликни, бошқа барча эстетик муаммолар қаторида, асосан санъат асарлари заминида мушоҳада этади. Унинг фикрича, улуғворлик санъатнинг тимсолий босқичи билан кўпроқ боғланган. Шу боис улуғворликнинг энг ёрқин ифодаси - бу диний ва илоҳий санъатдир.

Гегел таълимотининг оқиллиги кўрқув заминида юксак ҳис-туйғулар уйғотиш ҳақидаги кантча ғояни ривожлантиришда бўлиб, бу ғоя улуғворликка яки бўлган юксаклик ва қаҳрамонлик тушунчаларини чуқур таҳлил этишда ифодаланади. Гегел, энг қадимги Миср пирамидалари биринчи навбатда ўзларининг улканлиги билан одамларни ҳайратга солади, айни пайтда уларни куриш учун вақт сарфланганлиги, уни кўпгина матонатли инсон кучлари қурганлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиради.

ШОПЕНГАУЭР ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

Шопенгауэр таълимотига кўра, олам - инсон кўз очиши билан кўрган, хидлару рангларга, товушлару сукунатга, иссиғу совуққа тўла дунё фақат тасаввурдан иборат. “Олам - менинг тасаввурим”, дейди файласуф... “Оламга ҳозир келажакда нимаики тааллуқли бўлса, ҳаммаси субъект учун мавжуддир. Олам - тасаввур”. Шундай қилиб, олам субъект ва объектнинг ўзаро муносабати сифатида намоён бўлади. Чунки биз фақат кўзимизни, қулоғимизни, қўлимизни, тилимизнигина бевосита биламиз, оламни эмас. Олам, - мен уни ўз тасаввуримда қандай қабул қилаётган бўлсам, - у шундай. Бу масаланинг бир томони, иккинчи томони - ихтиёр. У тасаввурга ўхшамайди, бутунлай бошқа, сирли, ҳали кашф

этилмаган, эҳтимол, умуман кашф этиб бўлмайдиган нарса. У барча мавжудликнинг ибтидоси.

ЛЕВ ТОЛСТОЙ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

Лев Николаевич Толстой (1828-1910) - рус ёзувчиси, олими, публицисти. Толстойнинг эстетик қарашлари бир қанча ўзгаришларни бошидан кечирган бўлса-да, уларда маънавиятнинг машаққатли йўли акс этган бўлиб, ўз яхлитлигини сақлаб, янги ҳаёт қуриш йўлидаги уринишлари тан олинган ақлий-ахлоқий инсоний муҳитга лойиқ мазмун касб этади. Шу ердан Толстойнинг ёзувчи-реалист сифатидаги номи маълум бўлиб, асаридаги бош ва асл қаҳрамон ҳаётини ҳаққоний акс эттириш орқали намоён бўлади. Бу принцип Толстой эстетикасида ҳал қилувчи мазмун касб этган эди, чунки санъатга ахлоқий нуқтаи назардан ёндашишга: санъатда фақатгина ҳақиқат ахлоқий кадр-қиммат сифатида жамиятда ахлоқий ҳимоя воситасини ўташи мумкин.

60-йилларда Толстой учун санъат фақатгина бадий асарлардаги гўзаллик идеали сифатида ахлоқий томонини намоён этиши мумкин эди. Унинг эстетик қарашлари қуйидаги асарларида ўз аксини топган: “Шекспир ва унинг драмаси ҳақида” (1904), “Ги де Мопассан асарларига кириш сўзи” (1894). Шунингдек эстетик мавзуга оид қарашлари унинг “Қундаликлар”и, ёзишмалар, бадий асарлари, диний-фалсафий публицистикасида ўз аксини топган.

Ф.ДОСТОЕВСКИЙ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ - (1821-1881) рус ёзувчиси, публицист-олими. Ф.Достоевскийнинг эстетик қарашлари 40-йилларда Белинский реалистик эстетикаси таъсири остида шаклланди. Достоевский томонидан “халқ ҳаёти инъикоси”, “жамият ойнаси” ва “санъатга садоқат” критерийси сифатида ўзлаштирилган бўлиб, ўша даврда адабиётдаги санъат сифатида қабул қилинган эди ва булар “ҳақиқат ҳамма нарсадан устун” деган ғояси кейинги санъатнинг ҳаётга нисбатан муносабатини билдиришдаги концепциясида ўз таъсирини сақлаб қолди. Бироқ юқоридаги тушунчаларнинг реал мазмуни Достоевский маънавий эволюцияси процессида ўзгарди. Бу ўзгариш ёзувчининг қамоқда ва сургунда “ишончнинг қайта туғилиши” ва янги диний-фалсафий дунёқарашнинг христиан динига бўлган ишончга қайтиш асосида содир бўлди.

МАЪРИФАТПАРВАРЛАР ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

Замонанинг энг етук, онгли оқ-қорани таниган, фидойи, узоқни кўзловчи, элим деб, юртим деб ёниб яшовчи инсонларни англатади. Улар одатда давр, жамиятнинг бугуни ва келажаги учун ўта муҳим ғояларни кўтариб чиқадилар. Тарихдан маълумки, Туркистон маърифатчи-жадидлари ана шундай инсонларданлар. Булар А.Авлоний, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Абай,

Анбар Отин, Фитрат кабилардир. Уларнинг маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик қарашлари ҳозирги кунда ҳам улкан аҳамиятга эгадир.

АНБАР ОТИН ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

(1870) Туркистон маърифатпарварларининг йирик намояндаси, Дилшод Барнонинг шогирди. Унинг ахлоқий-эстетик қарашлари лирик-фалсафий шеърларида ўз аксини топган. Унинг “Фалсафаи сиёҳон” /Қоралар фалсафаси/ асари муҳим аҳамиятга молик бўлган фалсафий публицистик китобдир. Шоира бу илмий асарда Ўрта Осиё аёлларининг қисмати, ижтимоий ҳаётдаги роли, озодлик учун кураш йўллари хусусида ўткир қалам тебратди.

Анбар Отин шеъриятида муҳаббат, уруш ва тинчлик, бой ва амалдорлар танқиди, ахлоқий-эстетик таълимий масалалар қаламга олинади. Унинг “Алифбо” шеъри орқали янада аниқроқ кўриш мумкин.

Шоира одобли бўлишни, ўзига - ташқи суратига зеб бермасликни, Ватаннинг гўзаллигига гўзаллик қўшишини ушбу мисраларда таъкидлаб ўтади:

Улғаярсан санда бор ўлса адаб,

улғаярсан санга ёр ўлса адаб,

Одам зрсанг, ташқи сурат берма зеб,

Она юртингни ҳамиша айла зеб.

Бундан кўринадики, Анбар отин одамийликни, инсонийликни, буюкликка даъватни улуғлайди:

Одам эрсанг, кўнглинг - этгил пок-пок,

Сандин этмасдин ўзини улки пок

Ҳар нафас мазмун ила ўтса керак

Гар ҳаёт мазмунини билса юрак.

МАҲМУД ҚОШҒАРИЙ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

XI асрда яшаган қомусий олим Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” (туркий сўзлар девони) асари Ўрта Осиё халқларининг заковати, донолиги, гўзал ҳаётдан завқлана олинишини содда, таъсирчан шеърий мисраларда бадиий ифодалаган. Асарда келтирилган шеърий парчалар, мадҳиялар, марсия ва дostonларда қабилавий ҳаёт, ов овлаш, кундалик турмуш, меҳнат, ҳаёт завқи ўз ифодасини топган. Қолаверса, ўтмиш авлодларимизнинг гўзаллик, яхшилик, мардлик, қаҳрамонлик, дўстликни шарафлаш, душманга ёвузликка нисбатан қаҳр ва ғазаблари, нафрати билан яқиндан танишар эканмиз, дилимизда ажиб хис-туйғулар туғён уради.

Бу асарнинг аҳамияти шундаки, одамларга яхшилик қилиш, олийжаноб хулқ ва фазилатларни эгаллаш, бечора, ғариб меҳмонга шафқат, кўни-кўшниларга мурувват, дўстликка риоя қилиш, омонатни ўз вақтида қайтариш, кенгаш билан иш тутиш, илм-ҳикмат ўрганиш, донишмандларни ҳурмат қилиш, сўз ва муомалада ёқимли бўлишга даъват “Девони луғотит турк” асарида яққол кўзга ташланади.

КАМОЛИДДИН ҲУСАЙН ИБН АЛИ ВОИЗ АЛ-КОШИФИЙ тахминан 1440 йилларда Хуросон вилоятидаги Сабзавор шаҳрининг Байҳақи кентига дунёга келди. У бошланғич маълумотни Сабзаворда олади. Ёшлигидан воизлик - нотиклик билан шуғулланди. Айти пайтда Сабзаворда кўзга кўринган воиз бўлиб танилди. 1455-1468 йилларда Машҳадда яшаб, ўша ерда воизлик қилди, 1468 йилнинг охирида эса ўша даврнинг энг катта маданият марказларидан ҳисобланган Ҳирот шаҳрига келди. Бу ерда Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий ва бошқа санъаткорлар билан танишиб, ижод билан машғул бўлди ва 1505 йилда Ҳиротда вафот этди.

Ҳусайн Воиз Кошифий машҳур ёзувчи, шоир, теолог, олим, энг асосийси воиз бўлиб танилган эди. Бу ҳақда Алишер Навоийнинг шогирди тарихчи Хондамир “Хулосат ул-ахбор” асарида шундай дейди: “Мавлоно Камолиддин Ҳусайн Воиз маъқул ва махсус илмларнинг барчасидан тўла нафланган ва баҳраманддир. Ҳозирги вақтда Шарқда Хуросон диёрида ул жанобга тенг келадиган киши топилмайди... Ул жаноб нужум илмида ҳам зўр маҳоратга эга эди, чунки унинг табирлари казо ўқи сингари беҳато бўларди. Унинг балоғатоётлик (сўзни гўзал ифодалаш) ҳамда фасоҳатсифатлик (сўзни баён қилиш услубининг чиройлилиги) китоблари кўп ва беҳисоб бўлиб, уларнинг кўпи олиймаком амир Алишернинг атоқли номи билан зийнатланган. Амир Алишернинг инояти ва илтифоти ул жанобнинг ҳол саҳифасига ҳамма вақт тушиб туради...”

Алишер Навоий “Мажолисун нафоис” асарининг тўртинчи мажлисида: “Мавлоно Ҳусайн Воиз - “Кошифий” таҳаллус қилур. Сабзаворликдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳрдадур ва мавлоно зуфунун ва рангин ва пуркор возово бўлибтур. Оз фан бўлғайким, дахли бўлмағай. Хусусан ваъз иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутааййин ва машҳур ишлари...” деб тилга олади-лар.

Алишер Навоий ва Хондамирнинг юқоридаги юксак баҳоларидан англашиладики, Ҳусайн Воиз Кошифий бутун Хуросон вилоятида ўткир сўзли, ҳозиржавоб, билимли, машҳур воиз, олим сифатида танилган. Ҳусайн Воиз Кошифий сўз санъати, мусиқа, астрономия, кимё, диншунослик, фалсафа, ахлоққа оид 200 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган. Турк олими Сом Мирзонинг айтишича, у форс ва турк тилларида иккита девон ҳам тузган. Лекин ҳозирча бу девонлар топилган эмас. Воиз Кошифий асарлари араб, немис, инглиз, ҳинд, япон, француз тилларига таржима қилинган. У нотиклик санъати назариясига

оид “Саҳифаи Шоҳи”, “Да мажлис”” “Махзан ул-иншо” каби қўлланмалар ҳам ёзган. Бундан ташқари XV асрда Хуросон вилоятлари мадрасаларида дарслик сифатида кенг қўлланилган “Ахлоқи Муҳсиний”, “Рисолати Ҳотамнома”, “Анварии Сухайли” каби асарларида ҳам сўз, нотиклик санъатларига алоҳида тўхталиб ўтади. Бу даврда воиз - нотиклар бир мавзу бўйича ваъз айтганлар.

Хусайн Воиз Кошифий Хондамир таъкидлагани каби барча соҳалар бўйича ваъз айта оладиган воиз бўлган. Лекин у асосан илмий-сиёсий, тарғиб ва ташвиқ руҳидаги ҳамда хатиблик соҳасида кўпроқ ваъз айтган.

ФИТРАТНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

Абдурауф Фитрат “Ўзбек мусиқаси ва унинг тарихи” асарида қадимда хонақоҳларда айтиладиган “Нақши мулло” куйи Жомий асари, “Шашмақом”даги “Қари Наво” куйи эса Алишер Навоий асари эканини эслатиб шундай ёзади: “Бу кун Ўбекистоннинг кўб ўринларида “Қари Наво” исмли бир куй бор. Бу куйнинг жуда эски бир куй экани ҳар томонда сўйланиб турадир. Бухоронинг эски мусиқашунослари орасида бу куйнинг Навоий асари бўлгани сўйланадир. Мана шу маълумотлардан сўнг “Қари Наво” куйининг Алишер Навоий асари бўлгани эҳтимоли кучланиб қоладир. Ҳар ҳолда биз шу эҳтимолни кўзда тутуб “Қари Наво” куйининг нотасини асаримизга илова қилишни муносиб кўрдик. Навоийнинг мусиқага хизмати ёлғуз куйлар басталамак билан қолмайдир. Навоий энг буюк мусиқий устодларини, энг истеъдодли мусиқий талабаларини ўз тарбиясига олди. Туркистон маърифатпарварлари ахлоқшунослиги ва нафосатшунослигида том маънодаги миллий қаҳрамонимиз Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” (1914) китоби алоҳида ўрин тутди. Аввало, шуни айтиш керакки, “Оила” ўзгача бир шиддатли услуб билан ёзилган. Унда ҳам танқидий руҳ, ҳам даъват руҳи кучли Фитрат она Туркистонни озод кўришни истайди, бунинг учун ҳар бир туркистонлик оила билим, ахлоқ, аъмол ва эрк ўчоғи бўлмоғи лозим. У ихтиёр эркинлиги муаммосини майл тушунчаси орқали ўртага ташлайди: бахт майли, фаолият майли, алоқа майли, бошқаларга меҳр-муҳаббат майли ва ҳ.к. Буларнинг ҳаммасида ҳам инсонни жамият аъзоси сифатида, ҳам ижтимоий мавжудот сифатида олиб қарайди. Шунингдек, у иззат-нафс, айниқса ирода масаласига алоҳида тўхталиб ўтади. “Ирода ва ихтиёр” сарлавҳаси остидаги кичик бобда Фитрат фарзандни иродали қилиб тарбиялашга даъват этади, ирода тарбиясининг тўрт банддан иборат қоида-босқичларини таклиф этади. Болани иродали қилиб тарбиялашда ота-онанинг зўри эмас, балки болага бериладиган муайян эркинлик муҳим эканини таъкидлайди. “Ота-оналарнинг ҳақ-хуқуқлари” бобида ҳам балоғатга етган фарзанднинг эркинлик даражаси ҳақида фикр юритилади.

**9-10 - Машғулот. Нафосатли англаш, нафосатли фаолият.
Эстетиканинг асосий тушунчалари (4 соат)**

Режа:

1. Нафосатли англаш ва унинг асосий унсурлари.
2. Нафосатли фаолият. Меҳнат ва санъат.
3. Дизайн.
4. Эстетик категориялари ҳақида умумий тушунча.
5. Гўзаллик ва хунуклик.
6. Улуғворлик ва тубанлик.
7. Фожиавийлик ва кулгилилиқ.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Нафосатшуносликнинг қадриятшунослик табиати, эстетик англаш, эстетик онг, эстетик эҳтиёж, эстетик муносабат, эстетик туйғу, эстетик дид, эстетик баҳо, эстетик қарашлар ва эстетик назариялар, эстетик фаолият, меҳнат ва санъат, меҳнат гўзаллиги, дизайн, табиат нафосатшунослиги, гўзаллик, улуғворлик, табиатдаги улуғворлик, фожиавийлик, фожиавий зиддият, фожиавий қаҳрамон, кулгилилиқ, кулгили ҳолат, ҳазил-ҳажв, кулги (комедия);





Эстетика фанининг асосий тушунчалари

Гўзаллик

- инсон ва
нарсаларнинг бир-
бирига мувофиқлиги,
лойиқлиги
ҳамоҳанглиги

- коникиш асосид
эстетик лаззат бахш
этувчи нарса ва
ҳодисадир.

Улуғворлик

- инсонга ҳис туйғули
таъсир этувчи уни
қувонч ва ҳайратга
солувчи куч.

Фожиавийлик

- воқеий ҳаётнинг чуқур
зиддиятлари ва
тўқнашувлари: ҳаёт ва
ўлим, озодлик ва зарурият,
ақл ва туйғу, қонун ва
бурч, шахсий ва ижтимоий
хусусиятларнинг намоён
бўлишидир.

Кулгилилилик

- хунуклик ва
гўзаллик ўртасидаги
зиддиятнинг
ифодаланишидир.
- гўзаллик даъво
қилиши ва ўзини
гўзаллик ўрнига
қўйишга уринишдир.

НАФОСАТШУНОСЛИКНИНГ ҚАДРИЯТШУНОСЛИК ТАБИАТИ -

Инсон амалий фаолияти жараёнида одамларнинг хилма-хил ва ранго-ранг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган қадриятлар, воқеа-ҳодисалар дунёси билан бир қаторда инсоннинг табиий ва ижтимоий объектлар қадрига етиш, уларни баҳолаш қобилияти ҳам шаклланади. Баҳолаш - воқеа-ҳодисаларнинг қадрини ёки ижтимоий аҳамиятини англашнинг махсус шаклидир. Инсоннинг воқеликка эстетик муносабати аслида воқеликка баҳо беришнинг алоҳида тури, воқеа-ҳодисаларни эстетик қадрлаш усулидир.

ЭСТЕТИК АНГЛАШ - ҳар бир мавжудотнинг, ўсимликнинг, буюмнинг ички ва ташқи гўзаллигининг диалектик бирлигини юксак дид билан англаш. Инсон онгли мавжудот сифатида ўзини қуршаб турган воқеликка фаол муносабатда бўлади, нарсаларнинг хоссаларини ҳам инобатга олади. Инсон ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, ҳар бир нарсага ўзига хос мезон нуқтаи назаридан ёндашади. Агар инсон мезон туйғусидан маҳрум бўлганда, воқеа-ҳодисалар, нарсалардаги гўзалликни идрок этиш қобилиятига эга бўлмаганда, унинг фаолияти бунёдкорлик билан бирга вайронагарчиликка қаратилган бўларди. Нафосат қонунларига риоя қилиш, яъни яратиш қобилияти инсон фаолиятининг моҳият ва мазмунини ташкил этади. Асалари ўзининг мум уяларини кура билиши билан баъзи меъморлардан ҳам “ақлли”дирлар. Лекин энг лаёқатсиз меъмор ҳам энг моҳир асаларидан шу билан фарқланадики, у ўз уяларини қуришдан аввал уларни аллақачон ўз миясида қуриб қўйган бўлади. Бу табиий майл билан онгли фаолият ўртасидаги туб фарқдир.

Инсоннинг ҳар қандай фаолиятида эстетик манба мавжуд: инсон ўз фаолияти давомида моддият билан бирга маънавиятга шодлик - севинч, орзу-умид, эрк-озодлик туйғуларига суяниб яшайди, моддий самаралар билан бирга ўзи ва бошқалар фаолиятининг нафосат мезонлари билан ўлчанадиган ижтимоий баҳоланишига ҳаракат қилади. Бинобарин, инсон ўзининг бу моҳиятли хусусиятини йўқотиб қўйса, унинг фаолияти ўзининг инсоний табиатидан ҳам маҳрум бўлиб қолади.

ЭСТЕТИК ОНГ - объектив дунёга нисбатан бўлган инсон эстетик муносабатининг субъектив томонидир. У ижтимоий онг шаклларида бири сифатида сиёсий онг, ҳуқуқий онг, диний онг каби ижтимоий ҳодисалар билан бир қаторда туради. Ижтимоий ҳаёт - ижтимоий онг барча шаклларида умумий пойдеворидир.

Эстетик онг - маънавий-руҳий воқеа-ҳодисалар мажмуи бўлиб, улар ижтимоий ҳаёт заминида вужудга келадиган эстетик ҳис, эстетик дид, эстетик фикр, эстетик орзу, эстетик қараш, эстетик назария тизимини англатади.

Эстетик онг жамият ҳаётида гуруҳий манфаатлар ифодаси тарзида ҳам намоён бўлади. Лекин бу ҳол жамиятнинг турли соҳаларида турлича, масалан,

мафкура соҳасида эстетик қарашлар, орзу-умид назарияларида ўзига хос акс этади.

ЭСТЕТИК ЭҲТИЁЖ - мураккаб, кўп қиррали ҳодиса. Эстетик фаолият асосини инсоннинг муайян талаб ва эҳтиёжлари ташкил этади. Инсон фаолиятининг хусусияти ана шу талаб ва эҳтиёж табиати билан белгиланади. Рухшунос олимлар эстетик эҳтиёжларни инсон талаб-эҳтиёжларининг энг олийси сифатида таърифлаб берганлар. Чунки, эстетик эҳтиёжларда барча моддий ва маънавий эҳтиёжлар жамлангандир. Гарчанд бу дунёда мавжудотларнинг энг ақллиси инсон экан, гўзалликни чуқур англаш ҳам инсонга хосдир. Шу боис инсон ҳамиша гўзалликка ташна бўлиб яшайди. Эстетик эҳтиёж моҳияти ана шулар билан изоҳланади.

Эстетик эҳтиёжда бошқа маънавий эҳтиёжларга қараганда кўпроқ ва кучлироқ яратиш эҳтиёжи ёрқин намоён бўлади. Ривожланган эстетик эҳтиёж ҳеч вақт тайёр эстетик қадриятларни фақат истеъмол қилиш билан чекланиб қолмай, янгиларини яратиш, ижод қилишга рағбатни вужудга келтиради.

Эстетик эҳтиёж - эзгуликка, гўзалликка интилишдир. Бу эҳтиёж меҳнат, санъат, ахлоқий муносабатлардаги гўзалликни тақозо этади. Инсоннинг жамики фаолият қирралари борлиққа эстетик муносабати орқали намоён бўлади.

ЭСТЕТИК МУНОСАБАТ - фалсафий тушунча маъносида ўзаро ҳаракат демакдир. Лекин ижтимоий ҳаёт жабҳасида амал қиладиган ҳар қандай ўзаро ҳаракат инсоний муносабатни англатавермайди. Инсоний муносабат - бу субъект ва объект ўртасидаги ўзаро ҳаракат бўлиб, у йўналганлик табиатига эга бўлади. Муносабат фақат инсонга хосдир ва у фақат жамият бағрида амал қилади. Шу маънода воқеликка эстетик муносабатда бўлиш субъект билан объект ўртасидаги ўзаро ҳаракатнинг махсус туридир. Эстетик муносабат хусусиятларини очиш, идрок қилиш бу унинг объекти, субъекти ва ўзаро ҳаракатлари табиатини очиш, идрок қилиш демакдир.

Борлиққа - воқеа-ҳодисаларга эстетик муносабатда бўлиш тарихий ҳодиса бўлиб, унинг вужудга келишида одамларнинг моддий-амалий фаолиятлари муҳим аҳамият касб этган. Энг аввал воқеликка фойдали-амалий, кейин эса эстетик муносабат шаклланган. Эстетик муносабат ижтимоий муносабатлар таркибидан ўрин олиб, у фақат инсонга хосдир. Унинг жамият ҳаётида амал қилиши, моҳият-мазмун, инсоний муносабатлари тизимидаги ўрни ижтимоий тараққиёт эришган даража билан чамбарчас боғлиқдир. Эстетик муносабат эстетик объект ва эстетик субъект мавжуд бўлишини тақозо этади.

Эстетик муносабат - субъект билан объект ўртасидаги ўзига хос алоқалар тури билан тавсифланади. Гўзалликни идрок этиш жараёнида содир бўладиган ўзаро эстетик муносабат заминидир.

Эстетик муносабатда ҳис-ҳаяжонлар махсус ўрин эгаллайди. Ҳис-ҳаяжон эстетик муносабатнинг барча поғоналарида амал қилиб, лаззатланиш, ҳаяжон ҳолати билан якунланади.

ЭСТЕТИК ТУЙҒУ

Инсон онгининг ажралмас қисми бўлиб, эстетик онг соҳасида алоҳида ўрин тутади. Улар эстетик онгнинг асосий қатламини ташкил этиб, унинг пойдевори бўлиб ҳисобланади. Эстетик туйғулар эстетик онгнинг барча жабҳаларини безайди ва бойитади. Эстетик туйғулар ақлий ва ахлоқий туйғулар билан бир қаторда энг олий, ижтимоий туйғу туркумига мансубдирлар. Эстетик туйғулар мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида нафосат, ҳамоҳанглик, оҳанг, шакллар, уйғунлик, мослик каби тушунчалар билан бирга шодлик, ҳайратланиш, ажабланиш, роҳатланиш, лаззатланиш, эҳтиром, шавқ-завқ, нафрат каби тушунчаларни ҳам қамраб олади.

ЭСТЕТИК ДИД

Инсоннинг фикр-мулоҳазалари, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари моддий ва маънавий ижодкорлиги орқали намоён бўлади. “Дид” ибораси одамларнинг айрим соҳаларга мойилликларини ифодалайди. Илмий фаолият билан шуғулланишга мойил одамни “фанга диди (фаҳми) бор” деб, ихтирочини “ихтирочиликка диди зўр”, деб гапирадилар. Шу боис “дид” тушунчасини инсоннинг аниқ йўналган қобиляти, воқеликнинг у ёки бу томонларини афзал кўриш муносабати сифатида баҳолаш ўринлидир. Воқеликка эстетик муносабатда бўлиш тизимида киритилган эстетик дид мазкур муносабатнинг яқка шакли бўлиб хизмат қилади.

Эстетик дид воқеа-ҳодисаларнинг эстетик сифатларини инсон томонидан идрок этмай ва баҳоламоқ жараёнида олинадиган қониқиш ёки қоникмаслик туйғуси орқали ифода топади. Эстетик дид заминида гўзалликни хунукликдан ажрата билиш ва ундан беғараз шодланиш, лаззатланиш қобиляти ётади. Эстетик дид ҳис-туйғулар билан иш кўради, яъни ҳаёт гўзалликлари ва фожиаларини ҳис эта билиш, фожиали тўқнашувларни кулгили номутаносибликлардан фарқлай олиш қобиляти орқали намоён бўлади.

Ҳар қандай эстетик дид мазмунига умуминсоний мавзу сингдирилган бўлади. Воқеа-ҳодисалар моҳиятидаги мақсадга мувофиқлик, ҳамоҳанглик, уйғунликни идрок этиш ҳар қандай одамда у ёки бу даражада эстетик туйғулар кўзгатади. Эстетик дид инсоннинг энг муҳим туйғуси ҳисобланади. Эстетик дид асосини орзу-умид ташкил қилади.

ЭСТЕТИК БАҲО

Дунёни эстетик идрок қилиш ва баҳолаш қобилияти нафақат биологик, балки ижтимоий қобилиятдир. У жамият бағрида амал қилар экан, инсондан биологик жонзот сифатида ўз ҳаётини ташвишлардан маълум даражада нисбий озод бўлишини тақозо этади. Қўпол амалий эҳтиёж асоратидаги ҳиссиёт фақат чекланган маънога эга. Чунки ғам-ташвишлар остида қолган муҳтож инсон ҳатто энг гўзал томошага ҳам бефарқ бўлиб қолиши мумкин.

Моддий ғам-ташвишлар ва манфаатлар гирдобига бутунлай ғарқ бўлиб қолиш инсонни орқага судрайди, таҳқирлайди, уни ижодга лаёқатсиз қилиб кўяди, бундай ҳол эса уни воқеликка бўлган эстетик муносабатини сўндиради. Эстетик муносабат субъекти - бу ҳиссий ва ақлий тараққиётнинг маълум даражасига эришган, аниқ ижтимоий муносабатлар тизимига киришган, яъни барча ижтимоий муносабатлар йиғиндиси бўлган Инсондир.

ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАР ВА ЭСТЕТИК НАЗАРИЯ

Эстетик онгнинг таркибий қисмидир, улар эстетик онгнинг ғоявий соҳасини ташкил этади ва улар табиат, ҳаёт, санъат моҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва ғоялар тизимини англатади.

Эстетик қарашлар, эстетик ҳис-туйғулар ва дидлардан кейинги ўринда туриб, улар воқеликнинг эстетик томонларини ҳис-туйғу ёрдамида идрок этиш, уларни тушунчали англашдан олдин содир бўлади. Эстетик қарашлар ва назариялар у ёки бу эстетик ҳодисаларга тааллуқли ғоялар ва тушунчалар, таълимотлар кўринишида намоён бўлади. Эстетик назария - бу эстетик объектни бутунлайича қамраб оладиган тамойиллар, қарашлар, тушунчалар, қоидалар, ақидалар, билимлар тизимидир. Эстетик назария мантиққа, тамойил-тизимларга, далил-исботларга, фалсафий услубиётга асосланади.

ЭСТЕТИК ФАОЛИЯТ

Инсон фаолиятининг барча турлари ижтимоий ҳаёт жабҳаларида намоён бўлади. Эстетик фаолият инсон моддий ёки маънавий фаолиятининг ўзаги, мағзи бўлиб, унинг барча шакллари инсон куч-қудрати моҳиятининг эркин ифодаси бўлиб боргани сари эстетик мазмун касб этаверади. Шундай қилиб, эстетик фаолият инсон фаолияти бошқа шаклларининг “инсонийлик” мезонига айланади.

Эстетик фаолият нисбатан бадиий фаолиятда, яъни санъатда энг “тоза” ҳолда кўринади. Шу боис санъат эстетик фаолиятнинг ихтисослашган кўринишидир. Инсон фаолиятининг асл хусусиятларини англаш учун санъатга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ келади. Чунки, санъат ўз табиатига кўра ижодий мақсадга қаратилган, “нафосат қонунларига риоя қилинган” бўлиб, унда инсон фаолиятининг энг муҳим белгилари яққол кўринади.

МЕҲНАТ ВА САНЪАТ

Инсоннинг жисмоний ва маънавий куч-қудратининг моҳиятини кўпроқ ифодаласа, унинг эстетик аҳамияти ҳам шунчалик кўпроқ ортиб боради. Зўравонлик, куч, мажбурлаш асосида меҳнат Нафосатдан бегоналаштиради. Бундан бошқа хулоса ҳам келиб чиқади: меҳнат эстетикаси даражасини ошириш кўп жиҳатдан меҳнат ижодийлигини таъминлашга, ижтимоий адолатсизликнинг ҳамма кўринишларини бадий ижод воситасида бартараф этишга, бинобарин, ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва янги технологияларни жорий этишга хизмат қилади.

Эстетик фаолият моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини - меҳнат шaroитларини ҳам, меҳнат самараларини ҳам қамраб олади. Ижтимоий шарт-шaroитлар меҳнатнинг эстетик жиҳатлари ривожланишига хизмат қилади. Ноқулай ижтимоий шaroитлар меҳнатнинг эстетик ижодий табиатини мавҳ этади.

Меҳнат гўзаллиги

Инсонда ижодий куч уйғотади. Меҳнат - кишининг ҳаёти. Одамлар учун ҳақиқий хазина меҳнат қила олишдир. Меҳнат мия ва мушаклар фаолиятидир, у табиий, ички эҳтиёждан келиб чиқади. Инсоният фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш қанчалар буюк ишдир!

Есам арпа нонини меҳнат билан,
Шириндир бировларнинг оқ нонидан.

Саъдий.

Меҳнат унумдорлигини ошириш энг асосий вазифалардан бирини ташкил этади ва ходимнинг маҳоратигагина эмас, шунингдек, унинг меҳнат курулларининг такомиллашганлигига ҳам боғлиқдир. Биз ҳар қандай меҳнатни, у қанчалик оғир ва қийин бўлмасин, шундай ташкил этишимиз керакки, ҳар бир ишчи ва деҳқон ўзига:

мен - озод меҳнат буюк армиясининг бир қисмиман, деб қарасин.

Меҳнатни халқ қадрлар, муқаддас у, дўстлар, бас,
Усиз бизнинг умрда муҳаббат йўқ, бақо йўқ.
Қайда меҳнат бўлмаса у ерда боғ гулламас,
Қайда ишга меҳр йўқ, у ерда ҳеч вақо йўқ.

Меҳнатсевар қалб доимо ўз касби билан машғул бўлмоғи лозим, бинобарин, танага бадантарбия зарур бўлганидек, унга ҳам сурункали машқ ҳаётбахш таъсир кўрсатади.

ХУНАРНИНГ НАФОСАТЛИ ВАЗИФАЛАРИ

Малехо Самарқандий (1692) ўзининг «Музаккирул асҳоб» асарида хунарнинг нафосатли вазифалари хусусида фикр юритиб

ДИЗАЙН Бу ишлаб чиқаришда рассомлар, “дизайнерлар” томонидан бўлажак буюм лойиҳасининг яратилишини ҳам ўз ичига оладиган эстетик фаолиятнинг тури, ҳамда ижод натижаси эстетик сифатга эга бўлган тайёр саноат буюми. Предметлар тартибсизлигига барҳам бериш ва предметлар оламини тартибга келтириш техника эстетикаси ва дизайн, унинг назарияси ва амалиётининг вазифаси ана шундай.

Ҳар қандай техник шаклга дизайн томонидан қўйиладиган асосий талаб - фойдалилик, қулайлик ва гўзалликдир.

Дизайн моҳияти

Инсон бадиий-техник фаолиятининг хусусиятлари ва қонуниятларини очиб бериш техника эстетикасидир. Дизайн моддий ишлаб чиқариш муҳитини эстетик қайта қуришга, уни инсоннинг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келтиришга хизмат қилади. Дизайн саноатни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни уюштиришда нарсалар - чизмалар, расмлар, моделларнинг мақсадга мувофиқлигини ва технологик фойдалилигини ҳисобга олиш фаолиятининг ажралмас қисмидир.

ТАБИАТ - ГЎЗАЛЛИК МАНБАИ - инсоният ҳозир табиатни, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш заруриятини чуқур англаб бормоқда. Инсон табиат ҳақида қайғуриб, ундан оқилона фойдаланиб, айни вақтда табиий ҳамоҳанглик сирлари ичига янада чуқур кириб бориши айни пайтда унинг янгидан-янги мўъжизаларини очиб бериши билан бирга ундан таълим-сабоқлар ҳам олмоқда. Инсоният табиат устидан қозонган “ғалабалар”ини мутлақлаштириб макташдан кўра табиат билан ўзаро алоқада, иттифокда бўлишга интилмоқда. Кўпинча табиатнинг у ёки бу ҳодисалари турли мазмундаги белгилари, тамғалар босилгани туфайли гўзал ёки хунук бўлиб кўринади. Табиат ҳодисаларини санъат асарлари орқали мушоҳада этиш қадимги замонлардан бери инсонга ўзини қуршаб турган табиатга, янгича, очиқ кўз билан қарашига, унда доимо гўзаллик кашф этиб завқланишига ёрдам бериб келган. Инсон куч-қудратига нисбатан табиат кучларининг қудратлилиги табиатни эстетик ўзлаштиришнинг дастлабки босқичини бошлаб берди. Одамлар қурғоқчиликка қарши машаққатли кураш олиб борган ер юзида сув билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса гўзаллик касб этади. Йил давомида кўп ёғингарчилик бўлган ерларда эса қуёш энг гўзал ҳодиса сифатида инъикос этилади. Ҳамма вақт ҳам табиатга эстетик муносабат ва табиатни эстетик ўзлаштириш, уни “инсонийлаштириш”, табиат ҳодисаларига инсон талаб-эҳтиёжларини, мақсад-орзуларини ўтказиб татбиқ этиш билан боғланиб кетган.

ГЎЗАЛЛИК - эстетиканинг асосий тушунчаси. Аслида эстетиканинг барча муаммолари гўзаллик муаммоси билан у ёки бу даражада боғлиқдир. Гўзаллик нафосат оламининг мағзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий моҳиятини ташкил қилади. Шу боис эстетикани гўзаллик ҳақидаги фан, гўзаллик фалсафаси

ҳам деб айтадилар. Гўзаллик - бу асосий эстетик қадрият бўлиб, уни идрок этиш қобилияти эса эстетик субъектнинг асосий хоссасидир. Бу хусусият эстетик онг ва унинг асосий қисмларига ҳам тааллуқлидир. Эстетик ҳис-туйғу, энг аввало гўзалликни ҳис этиш жараёнини англатади. Эстетик орзу эса гўзалликни инсон хоҳлаган у ёки бу тасаввурлар тарзида ифодалайди. Гўзаллик - бу аниқ турдаги ҳодисалар камолотининг намунасидир. Гўзаллик хилма-хил даражада намоён бўлади. Табиатдаги гўзаллик ижтимоий ҳаёт гўзаллигидан, фойдали-амалий фаолиятдаги гўзаллик бадиий ижоддаги гўзалликдан фарқ қилади. Лекин гўзаллик ўзининг хилма-хиллиги, ранго-ранглиги билан бир-биридан қанчалик фарқ қилмасин, барчаси қандайдир умумий белгига эгадир. Мана шу умумий белги туфайли ҳодисаларни гўзаллик тушунчаси тарзида инъикос этамиз.

Инглиз файласуфи Д.Юм гўзаллик нарсалар сифатини билдирмайди, балки нарсаларни мушоҳада қилаётган инсон руҳи даражасида амал қилади, деб уқтиради. Бунда ҳар бир одам руҳи ўзи белгилаган, таниган, англаган гўзалликни кўради. Юм таълимотига кўра, инсон ўзининг ҳис-туйғулари билан ташқи дунё ҳодисаларини баҳраманд қилади. Афлотун, Фома Аквинский, Гегел, Юм таълимотларида гўзалликнинг маънавий мазмундорлиги, гўзалликка инсон муносабати масалалари акс эттирилган.

Қадимги юнон мутафаккири Арасту гўзалликни реал воқелик инъикоси сифатида талқин этади. Арасту гўзалликни моддий оламнинг мослик, аниқлик, ҳамоҳанглик, мезон-ўлчовлик каби миқдорли ва маконли тавсифлари билан боғлаб мушоҳада қилади. Арасту асосий эътиборни мезон-ўлчовлик тушунчасига қаратиб, бу тушунча нафақат нарсалар ёки санъат асарлари, балки инсонга ҳам тааллуқлидир. Шундай ҳодиса гўзалки, агар унинг мезон-ўлчовлари инсон имкониятлари ва улар қўламига мос келса.

Арасту фикрига кўра, гўзаллик заминида инсон ва нарсанинг бир-бирига мувофиқлиги, лойиқлиги, мослиги ақидаси ётади. Ўзининг мазкур ғоясини асослаш учун у: "... ўта кичик нарса гўзал бўла олмас эди, чунки жуда оз вақт ичидаги тасаввур қоришиб кетади, ўта улкан нарса гўзал бўла олмасди, чунки уни идроклаш бирданига содир бўлмай, унинг бирлиги ва яхлитлиги йўқолиб кетади", - деб уқтиради.

ГЎЗАЛЛИК ЯРАТИШ - бошқалар фаҳмлай олмаган гўзалликни ҳамма ерда кўра олиш, фаҳмлаш, сезиш, ҳис қилиш қобилятидир. Гўзал, ижобий ҳис-туйғу уйғотадиган нарсани кўрсатиш анча осон. Лекин ўша нарса нима учун гўзал эканлигини тушунтириб бериш қийин. Гўзалликнинг табиати ва моҳияти ҳақидаги саволга аниқ жавоб бериш жараёнида жуда кўп фикр-мулоҳазаларнинг вужудга келиши гўзалликни умуман билиш мумкин эмаслигида бўлмай, балки унинг мураккаблиги кўп қирралилигидадир.

ГЎЗАЛЛИК ВА ХУНУКЛИК - ўртасидаги зиддият ифодаси (Арасту), кутилаётган воқеликнинг аҳамиятлилиги ва натижанинг арзимаслиги (Кант), моҳияти жиҳатидан пасткаш, сохта, аҳамиятли ва шакли жиҳатидан аҳамиятли

(Гегель), тимсол ва ғоя (Фишер), бехосдан содир бўлган ва жонли мулоқот натижаси (Бергсон) каби таърифлар ва ана шундай бир томонлама хусусиятларга эга бўлса-да, уларнинг оқил томони кулгилиликини қарама-қаршилик билан боғлаб мушоҳада этишга интилишдадир.

ГЎЗАЛЛИК ВА САНЪАТ - санъат гўзалликнинг асл маконидир. Гўзаллик ўзининг ифодачиси бўлган санъат каби ривожланиш хусусиятига эга. Бу талқинда оқил мағиз бор. Мазкур таълимотга кўра, гўзаллик - бу аниқ турдаги ҳодисалар камолотининг намунасидир. Гарчанд камолот тушунчаси гўзаллик тушунчасини бутунича ифода эта олмаса ҳам, бу иборадаги оқил маъно шундаки, гўзаллик ҳақиқатда ҳам мукамаллик, камолот билан боғлиқдир. Шундай нарса гўзалки, агар ундаги туғма белгилар тўла тарзда намоён бўлса. Шундай дарахт гўзалки, агар ундаги туғма белги (олма, анор, анжир ва ш.к.)лари тўла ва бевосита кўринса. Шундай инсон гўзалки, агар унда яхши инсоний фазилатлар ва сифатлар мужассамлашган тарзда ифодаланса ва ҳоказо. Санъатда гўзаллик ифодасининг таҳлили санъат табиатини англашнинг энг муҳим омилдир. Санъатда гўзаллик - ҳаётдаги гўзаллик инъикоси бўлиб, унинг битмас-туганмас манбаи - воқелик, унинг ўнг муҳим бадиий истеъдод таркиби эса гўзалликка ташналик, сезгирлик, синчковликдир. Санъатдаги гўзаллик кўп қиррали бўлиб, унда эстетик орзу муҳим аҳамият касб этади. Санъат гўзал ва хунук ҳодисаларни акс эттириши мумкин. Лекин санъатнинг ўзи ҳам вақт ҳам гўзалдир! Чунки у ўз таркибига эстетик орзу, яъни гўзалликнинг зарурий хоссасини сингдиргандир.

ХУЛҚИЙ ГЎЗАЛЛИК - одоблилик, ҳурматпарварлик ва хулқий гўзаллик бебаҳо фазилатлардан бўлиб, умуман инсон гўзаллигининг таркибий томонларидан, яъни инсон гўзаллик дафтарининг салмоқли бобларидандир. Таниқли шоиримиз Собир Абдулла ўзининг “Ёшларга муҳаммас” номли шеърида инсоннинг хулқий гўзаллигини улуғлаб, ёшларни ўз қалбини инсоний ҳуснга ошиён этишга ундайди.

Одоб - киши ҳусни, обрў ҳам,
Ахлоқ ила бўл ҳамиша маҳрам,
Виждон сабаби азиздир одам,
Қалбингни аларга ошиён қил!

Шоирнинг таъкидлашича, инсоннинг хулқий гўзаллиги ва шу хулқий гўзаллик туфайли инсон кадр-қиммати ҳам доимо ортиб боради, яъни:

Ҳақиқий, чин гўзалларнинг яна ҳусни: одоби,
Бу ҳусни ортса ортарки, кадри кам бўлмас.

Шуни махсус таъкидлаймизки, инсон гўзаллигини фақат одоб ва хулқдангина қидириб бўлмайди. Инсоннинг инсонлигини, аввало, унинг меҳнат қила олиши, меҳнат қуроли ясай олиши, нутқ тили ва тафаккури белгилаб беради. Бироқ, бу хусусиятлар ёмон ва хунук одатларга эга бўлган одобсиз кишиларда ҳам мавжуддир. Айтайлик, бирор безорининг аниқ иш жойи ҳам, ақли ҳам, нутқ

тили ҳам бор. Шароит бўлса, у меҳнат қуролини ҳам ясай олади. Бинобарин, юқоридаги хусусиятлар инсоннинг инсонлигини белгиласа-да, инсоннинг гўзаллигини, одамнинг одамгарчилигини белгилай олмайди.

УЛУҒВОРЛИК - эстетик ва ахлоқий сифатлар касб этиб, амалиётда кўп қўлланиладиган эстетик тушунчадир. Улуғворлик кўлами гўзаллик кўламидек чексиздир. Улуғворлик табиатда, жамиятда, инсон фаолиятида мавжуд бўлиб, унинг хусусиятига эга бўлган барча нарсалар ва ҳодисаларда меъёр бўлиши тақозо этилади.

Улуғворлик ҳодисаларда шу қадар кенг кўламлики, уларни ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида тўла ўзлаштириб бўлмайди. Шу боис улуғворлик одамларни фаол ҳаракатга, ўзларидаги ижодий имкониятларни ишга солишга рағбатлантиради.

Улуғворлик меъморчиликда алоҳида аҳамият касб этади. Миср пирамдалари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги меъморчилик обидалари, юнонларнинг Парфенони, римликларнинг Колизейи, ўрта аср готик бош черковлари, рус черковлари меъморчилигининг энг яхши намуналари Растрелли каби меъморлар яратган гўзал бинолар ўзларининг салобати, улуғворлиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

XXI аср инглиз олими Э.Бёрк эстетик қарашларида улуғворликнинг гўзаллик сингари объектга боғлиқлиги таъкидланади. Унинг фикрича улуғворлик туйғусининг манбаи - даҳшат ёки шунга ўхшаш туйғулар қўзғатадиган барча нарсалар, воқеа-ҳодисалардир. Бёрк улуғворликнинг инсон руҳига таъсир кучи ҳақида гапириб, уни инсонга ҳис-туйғули таъсир ўтказиш шакллари ичида энг кучлиси бўлган қоникмаслик туйғуси билан боғлайди.

Бёрк улуғворликни гўзаллик билан узвий боғлиқ равишда мушоҳада этиб, уларнинг бир-бирига яқинлигини эмас, балки уларнинг қарама-қаршилигини таъкидлайди: гўзаллик қоникиш асосидаги эстетик лаззат бахш этса, улуғворлик даҳшат ва қоникмаслик туйғусини вужудга келтиради.

Бошқа инглиз эстетик тадқиқотчиси Г.Хоум улуғворлик ва гўзаллик мутаносиблиги масалаларида Бёркка қарама-қарши мавқеда туради. Унинг фикрича улуғворлик гўзалликдан фақат ўзининг кўлами билан фарқ қилади ва ижобий ҳис-туйғулар уйғотади.

Э.Кант ижодида улуғворлик назарияси янада ривожлантирилди. У улуғворликка эстетиканинг бошқа тушунчалари тизими доирасида қараб, гўзаллик ва улуғворлик барча ўхшашликлари ҳамда фарқлари билан бир бутун умумийликка эга эканини асослаб берди. Унинг фикрича гўзаллик ҳам, улуғворлик ҳам кўпол, соф фойда маъносидаги манфаатдан холи бўлиб, ҳамма учун умумий аҳамиятли, мақсадга мувофиқлик ва зарурлик тасаввурларини ўзида мужассамлаштиргандир. Шу билан бирга Кант улуғворликнинг гўзалликдан муҳим фарқи борлигига эътиборни қаратиб, агар гўзаллик сифатдан олинган қоникиш орқали вужудга келса, улуғворликнинг заминида микдор тасаввури

ётади, деб кўрсатади. Улар ўртасидаги фарқ бу билан чекланмайди: гўзаллик ҳамма вақт жозибали, улуғворлик эса гоҳ ўзига тортади, гоҳ ўзидан қочиради ва нисбий ҳис-туйғулар кўзғайди.

Кантга қарама-қарши ўлароқ, Гегел улуғворликни, бошқа барча эстетик муаммолар қаторида, асосан санъат асарлари заминида мушоҳада этади. Унинг фикрича, улуғворлик санъатнинг тимсолий босқичи билан кўпроқ боғланган. Шу боис улуғворликнинг энг ёрқин ифодаси - бу диний ва илоҳий санъатдир.

Улуғворликнинг меъморчиликда намоён бўлишини биз тарихий ёдгорликлар тимсолида кўришимиз мумкин. Узоққа бормайлик, кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоройи шарифда қад кўтарган бир қатор иншоотлар фикримизнинг яққол далилидир. Жаҳон меъморчилигининг шоҳ асарларидан бири IX-X асрлар чегарасида вужудга келган Сомонийлар мақбараси Бухоронинг ўрта аср иншоотлари орасида алоҳида ўрин тутаяди.

Сомонийлар мақбараси бутун композициянинг **улуғвор** соддалигини олд ва ички қисмлари умумий ишланмаларининг уйғунлигини ўзида намоён этади. Ундаги нақшларда ётиқ, тик, диагональ-чалқанчасига ёки девор юзасида арчасимон терилган пишиқ ғишт. Ушбу нақшларда биз нафосатнинг икки мезоний ўлчами **улуғворлик** ва **гўзалликнинг** уйғунлашганини кўриб лол қоламиз. Ота-боболаримиз қўли билан яратилган бундай нафис санъат асарлари асрлар оша салобат ва кўрк билан улуғворлик рамзи сифатида эъзозланиб келади. Таажжубки шундай гўзаллик яратган халқ негизда собиқ “қизил империя” даврида 98% авом-саводсиз халқ деб таҳқирланган. Шу ўринда Амир Темурнинг “Бизнинг қудратимизни кўрмоқчи бўлсангиз, биз қурган иншоотларни, иморатларни кўринг” деган тузуклари ҳамиша ёдимизда бўлиши керак.

Улуғворлик тушунчаси ғоят кенг кўламли бўлиб, буни биз нафақат меъморчиликда, балки атрофимизни ўраб турган табиатда ҳам учратамиз. Тасаввур қилинг баҳайбат уммон, салобатли тоғлар, сершовқин шаршаралар, фикримизнинг яққол далилидир. Шу ўринда Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” шеърдан мисол келтирсак:

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим
Сенга тенгдош Помир-у Оқсоч Тяншон ўзбегим
Сўйласун Афросиёбу, сўйласун ўрхун хати
Кўҳна тарих шодасида битта маржон ўзбегим

Ушбу шеърини парчада сўз санъати саналмиш бадиий адабиётда улуғворлик гўзаллик билан қоришиб кетган. Салобатли тоғлар-у, қадимги Ўрхун Энасой тошбитиклари орқали ўзбек миллатини “маржон”га қиёслаган шоир нақадар ҳақли. Ёки Чўлпоннинг “Гўзал” шеърини олсак:

Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен

Ул шамол уялиб, юзларин ёпиб
Айтадир мен уни тушда кўрганмен
Мен тушда кўрганда шунчалар гўзал
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал.

Заминни туну-кун мунаввар айлагувчи “Ой” ва “Қуёш” каби улуғвор мўъжизадан ёрнинг гўзалроқ эканлигини кўрсатиш бетакрор ташбеҳ санъатидир.

Гарчи улуғворлик гўзаллик билан ажралмас тушунчалар экан, гўзалликнинг ўзи ҳақида фикр юритсак Гўзаллик - нафосатшуносликнинг асосий категорияларидан бўлиб, бу фаннинг номи ҳам “гўзаллик фалсафаси” деб аталиши бежиз эмас. Зеро, “дунёни гўзаллик кутқаради” деган нақл бор.

Ривоятларга кўра, Оллоҳ Таоло кўркни барчага тақсим қилганида юздан тўқсон тўққизини Момо Ҳаввога, қолган бир улушини яна ўн улушга бўлиб, тўққизини Юсуфга, бир улушини эса қолган одамларга берган экан. Шундан буён гўзаллик тимсоли Юсуф алайҳиссалом номида мужассамдир.

Тасаввуф адабиётида “гўзаллик” тушунчаси ахлоқ билан боғлиқ равишда акс эттирилади. Қодирия тариқатининг асосчиси “Ғавсул-аъзам” номи билан машҳур улуғ мутасаввиф олим Саййид Абдулқодир Гилоний ҳазратлари ўзларининг “Тунятун ли толиби тариқил Ҳақ”, яъни “Ҳақ йўлини истовчи учун бой ва мукамал манба” китобида “Гўзал ахлоқ” ва “Гўзал табиатли бўлмоқ” бобида гўзал ахлоқ ҳақида ажойиб ҳадис келтирилганлар:

- Жунайд Бағдодий раҳматуллоҳ айтдилар: “Ҳориси Муқосибийдан эшитдим, у киши: “Биз уч нарсани уч нарса билан яъни **гўзаллик** ва **жамолни** - муҳофаза қилиш билан, **гўзал сўзни** - омонат билан, **гўзал биродар** ва **дўстни** - вафо билан истадик” - деган эди. Баъзилар эса: “Гўзал ахлоқнинг аломати зулм этмаслик, етишмовчилик ва қийинчиликларга сабр этмоқдир”, деганлар.

Улуғвор тоғлар бағридан отилиб чиқиб қайларгадир шошиб чопадиган шаршаралар суви, елиб-югуриб телбаларча сарсон кезадиган шамол, осмон бағридан ерга интиладиган ёмғир-у қор қайга шошилади биласизми ?! Буларнинг бари яратувчи пок зотнинг гўзал жамолини кўришга ошиқаркан шоир Чўлпон шеърига кайтиб, фикримизни исботини кўрсатсак:

Мен йўқсил на бўлиб уни суюбмен
Унинг чун ёнибмен, ёниб куюбмен
Бошимни зўр ишга бериб кўюбмен
Мен суюб, мен суюб, кимни суюбмен
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал
Биздан-да гўзалдир, кундан-да гўзал

Биздан ҳам, ой-у қуёшдан ҳам, шамолдан ҳам гўзал албатта халлоқи Оламдир.

Меъморчилик, бадий адабиёт гўзалликни тасвирлашда ажойиб омил бўлса табиатнинг ўзи унга керакли ва бой манбадир.

Оддий ҳунармандчиликда зардўзлик ёки патдўзликни олсак. Ушбу боқий санъат турида “гўзаллик” учун нусха табиатдан олинади. Зардўзликдаги такрорланмас гўзал нақшлар ҳам патдўзликдаги чиройли безаклар ҳам айнан табиатдан олинади. Ёки гиламлару, турли рўзгор буюмлари дейсизми, деворларга солинадиган нақшлар барчасининг гўзаллик манбаи табиатдандир.

Инсон қалби ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди. Гўзаллик бизнинг кўнгилларимизни нозик ҳис-туйғуларга тўлдириб уни дағаллашишига йўл қўймайди. Эзгулик, поклик, ҳалоллик борингки барча яхши қувватли ҳиссиётлар гўзалликка ошно қалбдан ҳосил бўлди. Шундай экан ўсиб келаётган авлодни ҳамиша эзгуликка, покликка, гўзалликка ошуфта қилиб тарбиялаш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

УЛУҒВОРЛИКНИНГ САНЪАТДА НАМОЁН БЎЛИШИ - улуғворлдик санъатда ҳар томонлама ифодаланади, чунки у санъатнинг барча кўринишлари учун асосий мавзудир. Шубҳасиз, санъатнинг турли шаклларида улуғворлик хилма-хил тасвирланади: қаҳрамонлик дostonлари, лирик дostonлар, қаҳрамонлик фожиаси, қаҳрамонлик мусиқа асарлари, меъморчилик каби саъат муждалари улуғворлик мавзуини бадий ўзлаштириш жараёнида вужудга келгандир.

ТАБИАТДАГИ УЛУҒВОРЛИК - табиатдаги баланд тоғлар, қудратли шаршаралар, чексиз океанлар, мовий денгизлар, тубсиз осмон ва ш. к. улуғворлик тимсоллари бўлиб, улар улканлик, буюклик, кенг кўламлик, туганмаслик жиҳатдан умумийликка эга. Табиатдаги улуғворлик инсонни заифликка эмас, балки унда табиат билан қўшилиб кетишга интилиш ҳиссини уйғотади. Улуғворлик ҳисси ўзича эстетик мазмунга эга бўлмаган қувонч, ҳайратланиш, эҳтиром, тан бериш туйғуларни қамраб олади. Буларга баъзида кўркув ҳисси ҳам қўшилади. Кўркув ҳисси инсонни камситмайди, балки тўсиқларни енгиб ўтишга туртки бўлади.

ФОЖИАВИЙЛИК - эстетик тушунчалари ёрдамида ҳаёт зиддиятлари ва тўқнашувлари баҳоланади ва мушоҳада қилинади. Улар орқали инсоннинг ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига нисбатан эстетик муносабати ифодаланади ва мустаҳкамланади. Айтиш жоизки, фожиалилик гўзаллик тушунчасидан торроқ доирада амал қилади.

Фожиалилик - ижтимоий хусусиятга молик тушунча сифатида ёлғиз инсонга хос ҳис-туйғу эканлиги, фақат ижтимоий муносабатлар жараёнидагина намоён бўлишлари билан изоҳланади.

Фожиалилик бошқа эстетик тушунчалардан қанчалик фарқ қилмасин, уни гўзаллик ва хунуклик каби ижтимоий эстетик орзулар билан боғлиқ ҳолда, унинг тарихий ва нибий табиатини инобатга олган ҳолда мушоҳада қилиш зарур бўлади. Фожиалилик муаммоси ҳар доим фалсафий ва эстетик тафаккур эътиборни ўзига жалб қилиб келган. Фожиалилик табиати тўғрисида жуда кўп

мутафаккирлар фикр-мулоҳаза билдирганлар. Зеро, фожиалиликда воқеий ҳаётнинг чуқур зиддиятлари ва тўқнашувлари: ҳаёт ва ўлим, озодлик ва зарурат, ақл ва туйғу, қонун ва бурч, шахсий ва ижтимоий хусусиятлар намоён бўлади.

ФОЖИАВИЙЛИКНИНГ САНЪАТДА НАМОЁН БЎЛИШИ - санъатда фожиалилик акс эттиришда реалистлар кейинги қадамни босиб, улар бу тушунчаларни ягона эстетик яхлитликда кўрдилар. Санъат асарларида фожиалилик яхлит намоён бўлади. Фожиали ёки кулгили ҳолат инсоннинг у ёки бу хатти-ҳаракати натижасида пайдо бўлади, бу хатти-ҳаракат турли-туман ҳаётий кучлар тўқнашуви жараёнида вужудга келади, ривожланади. Шу тариқа улар воқелик ва инсон орзулари ўртасидаги низоли муносабатларни очиб беради.

Санъатдаги фожиалилик ҳақида гап кетганда, “фожиали оҳанглар”, “фожиалилик санъати”, “фожиалилик санъат тури” каби атамалар алоҳида мушоҳада қилиниши лозим.

ФОЖИАВИЙ ЗИДДИЯТ - ҳар қандай фожаа заминида алоҳида фожиали тўқнашув ётади ва бу тўқнашув, зиддият кенг кўламлик, ижтимоийлик касб ётади. Фожиалилик бу моҳиятли кучлар тўқнашувлари натижасидир. Бу тўқнашувларнинг қандай тугалланиши билан инсоният истиқболи, тараққиёт тақдири боғланган бўлади. Бу ҳол фожиани фалсафий жиҳатдан санъатнинг йирик турига айлантирадики, ижодкорга инсониятнинг бутун тарихи давомида ҳаяжонлантирган туб масалаларни ҳал қилиш заруриятини илгари суриш имкониятини беради.

ФОЖИАВИЙ ҚАҲРАМОН - кўпинча ижобий тарзда тасвирланади. Қаҳрамонлар ўз даврининг орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган кучли, ёрқин, улуғвор шахс қиёфасида намоён бўладилар. Одатда фожаа мазмунида қаҳрамоннинг мавжуд шарт-шароитларни тубдан ўзгартиришга фаол интилиш намоён бўлади. Бу ерда фожаа қаҳрамони фожиали драматик ҳаракатнинг асосий субъекти сифатида амал қилади. Шунинг учун фожаа қаҳрамонининг фаоллиги ҳатто ўзини қурбон қилиб бўлса ҳам ўз орзу-умидларини барқарор этишга интилиши намоён бўлади.

КУЛГИЛИЛИК - инсоннинг дунё воқеа-ҳодисаларига муносабатларидан биридир. Кулгилилик ҳам иқтисодий-моддий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ҳаёт жабҳаларида доимий равишда намоён бўлади. Кулгилилик тушунчаси талқини ўзининг аниқ, оқил мазмунига эга бўлиб, ҳақиқатда ҳам кулгилиликка хос бўлган баъзи томонларини очиб беради.

Кулгилилик бошқа эстетик ҳодисалар сингари ташқи ва ички томонларни ўзида бирлаштиради. Кулгилиликнинг ички томони - кенг маънодаги ҳазил (юмор) туйғусидир.

Жиддийлик кулги билан, кулги эса жиддийлик билан енгилади. **Кулгиликнинг ифода шакллари** - турли-туманлигини англаш учун комик ва

кулгили тушунчалари моҳиятини бир-биридан фарқлай билиш мақсадга мувофиқдир. Кулгилилик тушунчаси комик тушунчадан анча кенг бўлиб, ҳар қандай комик ҳодиса кулгили, лекин ҳар қандай кулгили нарсa комик бўлавермайди. Комик воқеа деганимизда ижтимоий ва эстетик аҳамиятга эга бўлган ҳодисани англаймиз. Кулгили ёки энг содда комик воқеа латифа мавзуи бўлиб хизмат қилиши мумкин ва унда ҳажвий ўхшатма (пародия), ҳазил (шарж) каби санъат кўринишлари ўрин олган. Бу ерда комик усуллар ножўя хатти-ҳаракатларга тақлид қилиш билан чегараланган бўлади.

Кулгилиликнинг санъатда намоён бўлиши - кулгилиликнинг ҳар хил кўринишлари санъатнинг меъморчиликдан бошқа деярли ҳамма турларида намоён бўлади ва комедия шаклида эса ўзининг тўла эстетик ифодасини топади. Комедия мавзуини беўхшовликлар, мувофиқсизликларнинг турли-туман кўринишлари ташкил этади. Кулгилиликнинг хилма-хил шаклда намоён бўлиши уларнинг санъатда ҳам турлича акс этишини тақозо этади. Комедия асарларининг хилма-хиллиги, ранг-баранглиги мана шундадир. Кулгилиликнинг барча шакллари қанчалик эркин намоён бўлиш имкониятларига эга бўлиб борсалар, шунчалик кўп аҳамият касб этадилар.

КУЛГИЛИ ҲОЛАТ - даврнинг ижобий томонларини акс эттириб, шунчаки қиёфага кирган одамларга тааллуқлидир, дейиш ҳам хато. Бунда комик тасвир кўпроқ мувофиқсизлик асосига қурилиб, у мазкур одамнинг чин гўзал моҳияти билан бошқа одамлар ҳақидаги ўзининг сохта, ёлғон тасаввурлари ўртасидаги қарама-қаршилик тарзида намоён бўлади.

ҲАЗИЛ-ҲАЖВ - ҳаётдаги салбий, хунук ҳодисаларни масҳара кулгисидан кам бўлмаган даражада очиб беришга қодирдир. Ҳазил-ҳажв кулгининг ғазабнок қоралашдан кўра, кўпроқ ёрдам кўрсатишга мўлжалланишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳаёт икир-чикирлари, камчиликларини танқид қилаётган ижодкор ҳазил-ҳажв туйғуси орқали инсонни маънавий комилликка эришувига ёрдам беради, унда кулгили жиҳатларни кўра билиш қобилиятини тарбиялайди. Ҳазил-ҳажв туйғуси воқеликка ҳиссий муносабатнинг алоҳида шакли сифатида масҳара ва комедиянинг таркибий қисми ва ифода воситаси бурчини ҳам бажаради. Беозор ҳазил-ҳажв туйғуси инсон ҳаётининг кулгили томонлари, унинг барча қирра ва зарраларини илғаб олиш ва фаҳмлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради ва у борган сари шахснинг маънавий-руҳий камолоти кўрсаткичи бўлиб бораверади.

КОМЕДИЯ - кулги билан бир-бирини изоҳлайдиган тушунчалар бўлиб, кулги комедияда тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини очиб бериш воситаси, тасвирланаётган объектга нисбатан эстетик баҳолашнинг ва муаллиф муносабати ифодасининг асосий шакли бўлиб хизмат қилади. Комедия, энг аввало, ўз-ўзини танқид қилишнинг махсус шакли сифатида амал қилади.

Комедия ўзининг ижтимоий вазифасини ўта соддалаштириб, у ёмон хулқ, ёмон одам, ёмон ҳодисаларни тўғридан-тўғри, бевосита тузатишга, яхшилашга олиб келади, деб тушунадилар ва тушунтирадилар.

КУЛГИ - катта ижтимоий маънога эга бўлиб, турли тарихий даврларда турлича аҳамият касб этган, Масалан, феодал тарқоқлик, ўзаро тинимсиз уруш-жанжаллар, у ёки бу диний, фалсафий, ахлоқий чекланишлар ҳукм сурган шароитларда кулги кенг ўрин эгаллай олмаган. Лекин энг оғир моддий-сиёсий, маънавий-ахлоқий шароитларда ҳам оддий халқ ўз орасидан етишиб чиққан ўткир сўзли, ҳозиржавоб, зукко вакиллар воситасида кулги қуроли билан ижтимоий иллатларга қарши курашиб турмуш икир-чикирлари, ҳаёт камчилик-нуқсонлари устиданкулиб келди. Ўзбек халқининг миллий-маънавий мулки бўлган аския воситасида кулиш ҳам ўзининг ижтимоий мазмундорлиги билан катта аҳамият касб этади.

Кулги ўз хусусиятига кўра, демократик мазмунга эга бўлиб, у барча одамларни бир-бирига қовуштиради. Улар кулги воситасида ўзаро тенглашадилар. Кулги ноинсоний, ноахлоқий иллатлар билан курашнинг омилкор воситасидагина бўлиб қолмай, балки инсоннинг куч-қудрати ва озодлиги тимсоли ҳамдир. Кулги ранг-баранг ва хилма-хил қирраларга эга бўлиб, майин рағбатлантирувчи, хушфёъл ҳазил-мутойиба ҳиссиётдан тортиб, то аёвсиз, аччиқ истехзо ҳиссиёти доирасигача ҳам амал қилади.

6-МАВЗУ. САНЪАТНИНГ ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ, УНИНГ ТУРЛАРИ, БАДИЙ ИЖОД ЖАРАЁНИ, ЭСТЕТИК ИДРОК ЭТИШ ВА ЭСТЕТИК ТАРБИЯ.


РЕЖА:

1. Санъатнинг вужудга келиши ва унинг эстетик моҳияти.
2. Санъат турлари ва бадиий ижод жараёнининг ўзига хослиги.
3. Эстетик идрок этиш.
4. Эстетик тарбия ва эстетик камолот.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Санъат, санъат турлари, бадиий адабиёт, халқ амалий санъати, меъморчилик, рассомлик, ҳайкалтарошлик, театр, мусиқа, бадиий сураткашлик, хаттотлик, цирк, кино, аския, қўшиқчилик, ракс, нотиклик, истеъдод, санъаткор, реализм, модернизм, санъат эстетик тарбия воситаси сифатида, эстетик тарбия услуб ва йўллари, эстетик маданият.

Қадимги Шарқ эстетик тафаккур манбалари.



САНЪАТ - кенг маъноли тушунчадир. Масалан, қадимги юнонлар мусиқа, рақс, назмни санъат деб билар эдилар. Ўрта асрларда эса санъат таркибига тасвирий санъат, касалларни даволаш ва дорихона ишлари ҳам киритилган. Бугунги кунда “санъат” сўзи “воқеликни бадиий тимсоллар воситасида ижодий акс эттириш”, “ишнинг кўзини билиш ва маҳорат кўрсатиш жараёни”, “ҳар қандай ишнинг ўзи ва у талаб қиладиган маҳорат даражаси” маъноларида қўлланилади.

Санъат тушунчасининг талқин этилиши бежиз эмас. Зеро, санъат инсон меҳнати, ақл-идрок, шуури билан яратилган, вужудга келган, ижод қилинган нарсалардир. Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлик турини англатиб, ҳар бир санъат асаида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади.

Санъатнинг моҳияти - кенг маънода санъат асарлари (бадиий қадриятлар) билан бирга уларни яратиш (бадиий ижод қилиш) ва истеъмол (бадиий идрок этиш) жараёнларини ҳам қамраб олади. Санъатнинг моҳияти инсон меҳнати, ақл-идроки, шуури билан яратилган, вужудга келган, ижод қилинган нарсалардир.

Санъат ва билим - воқеликни алоҳида нозиклик, сезгирлик, самимийлик руҳида инъикос этишда мусиқанинг аҳамияти катта, у одамларнинг руҳий ҳолатини, ички дунёсини, кечинмаларини, ҳис-туйғуларини бетакрор нозик оҳанг-куйларда ифодалайди. Санъат ўз мавзуи доирасида бўлса ҳам фан сингари беқиёс билиш-англаш имкониятларига эга. Лекин санъатнинг бадиий билиш-англаш жараёни ўзига хос хусусиятлар доирасида содир бўлади. Санъат инсон кўз ўнгида жамият маънавий ҳаётининг барча мураккаблиklarини, эҳтирослар ва қарашлар жозибасини зиддиятли кайфиятларни ўзига хос тарзда гавдалантиради.

Санъатда шакл ва мазмун - эстетик назарияда муҳим ўрин тутди. Санъатда шакл ва мазмун асарни бадиий идрок этиш хусусиятлари, маҳорат масалалари каби бадиий маданият назарияси ҳамда амалиётининг ўзак масалалари билан чамбарчас боғланиб кетгандир.

Санъатда мазмун ва шакл бир-бирини изоҳлайди; шакл муайян бир мазмунни ифодаласа, мазмун ҳам муайян шаклда намоён бўлади. Ҳар бир нарсанинг ўзгариши, аввало, мазмун ўзгаришидан бошланади. Мазмунга бўйсунадган шакл бирлигида мазмун етакчилик қилади. Мазмунга бўйсунадиган шакл ҳам нисбий мустақилликка эгадир.

Санъат мавзуи муайян асар мазмунига манба бўлиб хизмат қилади. Санъат мазмуни ёки бадиий мазмун мавзудан фарқли равишда бутун воқеликни эмас, балки акс эттирилган воқелик бўлагини англатади.

САНЪАТ ТУРЛАРИ - санъатга хос бўлган умумий белгиларга эга бўлган ҳолда уларнинг ҳар бири: адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъат ва ш.к.лар ўзига хос муҳим кўринишда намоён бўлади. Санъат турларида

хусусийнинг умумийга нисбатини кўрамиз. Эстетик тафаккурнинг тур ҳосил қилиш манбалари икки йўналишда вужудга келган. Манбанинг биринчи йўналиши - воқеликнинг мураккаблиги, кўп қиёфалиги, ҳар томонламалигидир. Масалан, санъат у ёки бу турининг вужудга келиши унинг воқеликни қайси томонини акс эттиришга қаратилганлигидир. Иккинчи йўналиш - инсон ҳис-туйғуси бойлиги, идрок этиш хусусиятлари, инсон маънавий қобиляти билан боғлиқ.

Санъат турлари бир-бирининг ўрнини босолмайди: уларнинг ҳар бири, мустақил ўзича нодир ва бетакрор бўлиб, воқеликнинг бир томонини бевосита акс эттиради, ўша тур у ёки бу инсоний ҳис-туйғуларни ифодалашда бошқа турларга нисбатан устувор ўрин эгаллайди ва муайян чекланганлик хусусиятига эга бўлади.

Санъат турлари тизимида бадиий адабиёт муҳим ўрин тутиб, у бошқа турлар ривожига ҳам таъсир ўтказади. Бадиий адабиёт театр ва кино санъатининг илк асосини ташкил этади. Унинг мусиқа ва тасвирий санъатга ҳам сезиларли таъсири сезилиб туради.

БАДИЙ АДАБИЁТ - санъат турлари орасида бадиий адабиёт алоҳида ўрин эгаллайди ва сўз орқали намоён бўлади. Бадиий адабиётни сўз санъти деб ҳам атайдилар. Бадиий адабиётнинг воқеликни ҳар томонлама акс эттириш имкониятлари кенглиги туфайли инсон маънавий дунёсини бутунлайича, энг муҳими, унинг ҳаракатдаги ва ривожланишидаги ҳолатлари билан бирга қамраб олади.

Инсон маънавий олами ўзига хос яхлит бирликни ташкил этган бўлиб, унинг доирасида фикр ва туйғу, оқиллик ва сезгирлик томонлари чамбарчас чирмашиб кетган бўлади. Бадиий адабиёт бу алоқадорликни сезгирлик билан фаҳмлаб олади ва одамларга бадиий ифода воситаларида етказиб беради. Бадиий адабиётнинг таъсир куч-қудрати шундаки, кечинмалар ва ҳис-туйғулар оқимини ҳаммадан олдин фаҳмлаб олади, уларни умумлашган, сараланган ва мужассамлашган тарзда намоён қилади. Адабий асарнинг қиймати фақат унда муайян кечинмалар акс эттирилиши билан чекланмайди, балки уларнинг бой мазмуни ва улкан аҳамиятлилиги билан ҳам ўлчанади.

Бадиий адабиёт санъат тури сифатида ўзининг ички тизимига, ўзига хос тур, хил кўринишига, услубига эга.

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ - халқ яратган ва истеъмол қилинадиган бадиий фаолият турлари ва кўринишларига халқ ижоди дейилади. Халқ оғзаки ижоди, халқ мусиқаси, халқ рақслари, халқ амалий санъати, халқ бадиий хунармандчилиги, халқ меъморчилиги ва бошқалар халқ амалий санъатининг хиллари ва кўринишларидир. Одатда бу хил санъат асарлари муаллифсиз, жамоавий ҳолда яратилган бўлиб, уларда анъаналар, расм-русумлар, урф-одатлар катта аҳамият касб этади. Халқ ижоди ижтимоий тараққиётнинг

бошланғичларида санъатнинг ягона шакли сифатида амал қилган. Унда санъатнинг халқчил табиати нисбатан содда тарзда намоён бўлиб, халқ турмуш тарзининг хилма-хил қирраларини қамраб олган.

МЕЪМОРЧИЛИК - санъат турлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Меъморчилик инсон яшаш муҳитини уюштиришда, унинг ҳаёт фаолиятида улкан аҳамият касб этади. Унда санъат ва бошқа фаолият соҳалари ўртасидаги чекланганлик йўқ. У икки томонлама бўлиб, ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятга тааллуқлидир.

Меъморчиликнинг бадий томони амалий томонига бўйсундирилган бўлади. Меъморчиликда бадий (қиёфали ифода), аввало, бинолар ёки улар мажмуининг ижтимоий аҳамиятлилигида кўринади. Бу ҳол унинг бадий имкониятларини янада оширади ва меъморчилик хусусиятларини белгилаб беради.

Меъморчилик асарларини идрок этиш орқали одамлар турмуш тарзини, маиший ҳаёти ва ҳаёт фаолияти хусусиятларини, ижтимоий тузум табиатини, эстетик орзуни, у ёки бу давр ижтимоий руҳияти ва мафкурасини инъикос этамиз. Меъморчилик ҳосил қиладиган билимлар мажмуининг аҳамияти шундаки, одаиларда у яратилган маданий муҳити, ҳаёт тарзи, фикр ва туйғулари тўғрисида тасаввур пайдо қилади.

РАССОМЛИК - кўз кўриб турган моддий оламни ижодий тасаввурда қайта ишлаб, текисликда тасвирлашдир. Бўёқлар, чизиклар ва улар аралашмасидан фойдаланиб, дунёнинг барча манзараларини акс эттириш, унинг марказида эса инсон туради. Мусаввирликда инсон қиёфаси тўғридан-тўғри ҳамда унинг атрофидаги моддий дунёга муносабати ифодаланади.

Мусаввирликда дунёнинг кўриниб турган ранго-ранг бойлигини алоҳида сезгирлик ва эркинлик билан акс эттирилади. Агар ҳайкалтарошликда ҳодисаларнинг нисбий мўътадиллиги ва муайянлиги акс этса, мусаввирлик оламнинг ўзгаришларини, ҳаёт оқимини тасвирлайди.

Мусаввирликда кўз илғамайдиган қиёфалар ўзига хос санъат “тили” - ранг ёрдамида яратилади. Мусаввир ранг орқали дунё бўёқлари мутаносиблигини, унинг моддий моҳиятини, одамлар ҳис-туйғусини, ирода кучини, хатти-ҳаракатларини хилма-хил кўринишларда ифодалайди.

Мусаввирликнинг илк асоси - расмдир. Расм суратининг ўзига хос умуртқасини, синч-устунини англаиб, жисм шаклини, атроф чизикларини, бадий тизимини белгилайди, жиҳозлар ва одамлар ҳар бирининг ўз ўринларини, асосий белгиларини кўрсатиб беради. Бир қатор буюк мусаввирлар ўз асарларини дастлабки кўмир ва қалам билан туширилган расмларсиз яратганликлари расмнинг мусаввирлик санъатидаги аҳамиятини камситмайди. Улар мазкур асарларни яратиш жараёнида мўйқаламларини шу қадар юксак маҳорат билан ишга солганларки, бир вақтнинг ўзида ҳам расм солганлар, ҳам сурат яратганлар.

ХАЙКАЛТАРОШЛИК - тасвирий санъатнинг энг муҳим турларидан бири. У жонли мавжудотлар, воқеа-ҳодисаларни ҳажмли шаклларда акс эттиради. Мрамртош, оддий тош, харсангтош, ёғоч, металл, гипс ва бошқалар ҳайкалтарошликка моддий ашёлар бўлиб хизмат қилади. Қадимги ҳайкалтарошлик асарлари нарсалар ранги билан мос бўёқларда бўяларди. Кейинчалик ҳайкалтарошлик мустақил санъат тури сифатида рангдан халос бўлди. Ранг ишлатилган тақдирда ҳам у тасвирланаётган нарса рангдан тубдан фарқ қилади. Ҳайкалтарошликда ҳажм асосий тасвирий-ифодали восита, ранг эса ёрдамчи восита вазифасини бажаради.

Ҳайкалтарошликда асосан инсон ташқи қиёфаси, унинг моддийлиги яратилади. Лекин унда инсоннинг ички дунёси, кечинмалари, фикр-туйғулари ҳам ўрин олади. Ҳайкалтарошлик асарлари турғун, ўзгармас хусусиятга эга. Ҳайкалтарош ҳаракатсиз ҳолатда ҳаракат таассуротини ярата олади ёки унинг бир лаҳзаси орқали ҳайкалга ҳаракат ифодасини бахш этади. Унда ҳаракатни кўрсатиш анча қийин. Халқ қаҳрамонлари, тарихий ҳукмдорлар, фан ва маданият арбоблари, фидойи кишиларга қўйилган ёдгорлик ҳайкаллари тарихий воқеаларни акс эттириб, тарғибот-ташвиқот, ахборот, тарбия, эстетик ва бошқа жуда кўп вазифаларни бажаради.

ТЕАТР сўзи юнонча “тетрон” сўзидан олинган бўлиб, қадимги юнонлар оммавий томошалар бўладиган жойларни “театрон” деб атаганлар. Театр, очиқ сахна, цирк, кино, “ойнаи жаҳон” кўринишларини қоришмалилик билан бирга “ўйин” ҳам бирлаштириб туради. Театр санъатининг шаклланиши босқичида ижрочи билан томошабин ўртасида муайян чегара пайдо бўлади.

Театрнинг ўзига хос “тили” ҳаракатдир. Театр санъати, энг аввало, сахна ҳаракати санъатидир. Театр драматик ҳаракатни сахна ҳаракатига айлантиради.

Театр санъати фазо ва вақт белгиларига эга. Спектаклда жуда кўп фазолди томонлар мавжуд. Ундаги буюм-жиҳозлар муҳити, сахна безаклари, кийим-кечак ва ниҳоят, актёрнинг ўзи муайян фазоли хусусиятга эга. Спектаклда вақт мезони ҳам муҳим ўрин тутди. Сахна асари доимо бирор вақт оралиғида содир бўладиган алоҳида ҳаракатни намойиш этади. Ўзида фазоли ва вақт мезонларини мужассамлаштирган театр фазо ва вақт узвий бирлиги амал қиладиган санъат кўринишидир. Театрнинг фазо вақт томонларини актёр бирлаштириб туради. Актёрдан алоҳида истеъдод, хотира, эҳтирос, маъноли тасаввур ҳаёли, ифода этиш маҳорати талаб этилади. Актёр маҳорати театр санъатнинг барча шакллари учун муҳим хусусиятдир.

Актёр маҳорати театр санъатнинг туб ва нодир хусусиятидир. Театр санъатнинг бошқа қисмлари актёр ижодига хизмат қилади. Актёр сахнада бир вақтнинг ўзида ҳам ижодкор, ҳам қиёфав (образ) яратувчи, ҳам ижрочи бўла олади.

Актёр сахна қиёфасини яратаётганидан драматик сюжетга асосланади. Бу ўринда актёр санъати драматург яратган ролни ижодий талқин қилиш санъатига айланди. Аммо, асл санъаткор актёр учун драматик қиёфа янги сахна қиёфасини яратиш учун асос бўла олади, холос. Актёр мазкур ролни ҳар сафар ижро этганида, уни янги ҳаётӣ кузатишлар, ўй-хаёллар, ифода воситалари билан тўлдириб, сайқал бериб, бойитиб боради.

МУСИҚА - санъатнинг ифодали тури тизимига киради. Муסיқа ҳам воқеа-ҳодисаларни ифодали акс эттиради. Муסיқа эшитиш воситасида идрок қилинади. Муסיқа мураккаб ижтимоӣ туйғулари, энг аввало, ҳаётдаги нутқ оҳанглари ёки ҳаракат вазнлари акс этадиган ахлоқӣ (севги, нафрат,ғурур,кўрқув), эстетик (санъат ёки табиат нафосати, улуғворлик, фоживли, кулгили) туйғуларни ифодалайди.

Муסיқа товуш товланишлари орқали фикр ва туйғуларни акс эттиради, ҳаёт босқичларида инсониятни тўлқинлантириб келган ахлоқӣ муаммоларни баён қилади. Муסיқа ҳам бошқа санъат турлари каби ижтимоӣ ҳодисадир. Аммо унинг ижтимоӣ мазмуни ниқобланган тарзда бўлиб, у халқ ва маиший ҳаёт муסיқа намуналарида ёки муסיқа ижодига мойил, лирика эса муסיқанинг эстетик асосини ташкил этади.

Муסיқа нафосат оламининг инсонпарвар орзу-умидларини тўғридан-тўғри ва бевосита акс эттиради, у инсондаги энг яхши хислат ва фазилатларни намоиш этишга қодирдир.

Муסיқа ашула ва рақс таркибида ҳам вужудга келади ва кейинчалик бадий ижоднинг мустақил турига айланади, ўта ўзига хос бадий ифода “тили”га эга бўлиб, махсус ишлаб чиқилган ва танлаб олинган товушлар ана шу “тил”нинг манбаидир.

Муסיқа ижро этиладиган санъатдир. Муסיқа санъати ижро этилиши жараёнидагина жонланади, “тилга киради”.

БАДИЙ СУРАТКАШЛИК - тасвирий санъатнинг энг ёш туридир. Суратга олиш техникаси билан боғлиқ ҳолда, нарсаларни икки ўлчамли текисликда суратга олишнинг техник воситаси сифатида бошланиб, кейин санъат турига ўсиб чиқди. Бадий суратга олиш қисқа даврда ўзининг қиёфа “тили” ва мазмунини очиш усулини ишлаб чиқди. Тасвир объектини танлаш, фототехникани тайёрлаш, тасвирлашда ҳужжатлилиқка эътибор бериш, йирик ва кичик кўзланган (ракурс) суратларни тушириш бадий сурат “тили” нинг энг муҳим қирралари ҳисобланади.

Бадий суратга олиш тасвирий санъатнинг тур ва кўринишларига, айниқса мусаввирлиқка катта таъсир қилади. Бир томондан унинг ўзи ривожланади, иккинчи томондан, янги қўлланаётган усулларни “кўчириб” ўтказади.

Ҳозирги кунда фото санъати бадиий маданиятнинг ажралмас қисмига айланиб қолди, жамоа бадиий қиёфасини яратишда ҳам беқиёс аҳамият касб этмоқда.

ХАТТОТЛИК - санъат тури сифатида китобхонга эстетик завқ бағишлаши лозим бўлиб, бу соҳада машҳур хаттотлар, наққошлар етишиб чиққан эди. Моҳир хаттотлар ва наққошларнинг ўз усул ва анъаналари қарор топган эди.

Султон Али Машҳадийнинг 1514 йилда ёзилган “Хаттотлар ва мусаввирлар ҳақида рисола”сида айтилишича, ҳуснихат (хаттотлик) санъатининг ўзига хос маҳсус мактаби бўлган. Ўша даврда забардаст ижодкорлар асарлари мусаввирлар томонидан ранго-ранг безатилиб, унинг матнлари ҳуснихат орқали маҳсус хаттотлар томонидан битилган. Бу эса ўша асарларнинг халқ орасида кенг тарқалишига ва севиб ўқилишига сабаб бўлган. Машҳур хаттот, наққош, шоир бўлган Султон Али Машҳадий кўчирган Низомий, Аттор, Саъдий, Жомий, Навоийнинг нафис китоблари жаҳон кутубхоналарида ҳозир ҳам нодир санъат асарлари сифатида эъзозланиб сақланади.

ЦИРК - санъатининг асосий хусусияти шуки, у томошабин билан тўғридан-тўғри ва бевосита, енгил ва самимий мулоқотда содир этилади. Цирк томошаси энг қадимий санъат турларидан бўлиб, улар кенг халқ оммаси эъзозига сазовор бўлган.

Цирк артисти қиёфа мағзига кириб борнишга интилмайдиган, баъзи “хавф-хатар”ларни енгиб ўтиш орқали маҳоратини намойиш этади. Цирк санъатида ғаройиб мосламаларда ҳунар кўрсатиш (эксцентрик) ва қизиқчилик-масҳарабозлик, мураккаб бадантарбия санъати (акробатика) ва жониворларни ўргатиш (дрессировка) бир-бири билан чатишиб кетади. Булар цирк артистидан эпчиллик талаб этади. Бу санъат тури ажойиб-ғаройиб ҳунар кўрсатиш ва воқеликни муболағалар тарзида ўзлаштиришга мойилдир.

КИНО - адабиёт заминида вужудга келади. Шу маънода у “иккиламчи” (адабиёт бирламчи) санъат тури, дейиш мумкин. Кино овоз билан тирик. Кино учун томошали ҳаракат энг муҳим хусусиятдир. Кинода қаҳрамоннинг нигоҳи, йирик тасвирда кўрсатилган аёлнинг сезилар-сезилмас елка қисиши ёки бармоқларининг титраб туриши, ички кечинмаларини ҳар қандай сўз - иборалар орқали ифодалашдан кўра, тасвир орқали кўрсатиш афзалдир. Кино санъатидан тасвирий санъатнинг мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, меъморчилик турларида ҳам кенг фойдаланилади. Кино ўз мавзуига, ифода воситаларига эга бўлиб, унинг асосий ўзагини кинематографик ҳаракат ташкил қилади. Бу ҳаракат кинокадр ичидаги ва кадрлар бирикмаси (монтаж) орқали ҳосил қилинган ҳаракат мажмуи ҳисобланади. Кино жамоавий ижод маҳсули бўлиб, унда сценарий муаллифи, режиссёр, оператор, мусаввир, бастакор, “кадр бирикмасини” яратувчи (монтажи)

ва бошқалар меҳнати ишлаб чиқариш жамоаси меҳнати билан қўшилгандан сўнг кинематография маҳсулоти яратилади. “Ойнаи жаҳон” эстетик фаолиятининг алоҳида соҳаси сифатида қарор топди. Ойнаи жаҳон (телевидение) моддий ва маънавий маданият таркибида ўзига муносиб ўрин эгаллашга қодир бўлган эстетик фаолият тури сифатида намоён бўлаётир. Санъат турлари ва кўринишларининг деярли ҳаммаси “Ойнаи жаҳон” бағрига сингиб, эстетик таъсир этишнинг самарали воситасига айланмоқда.

АСКИЯ - ўзбек халқ миллий маданияти таркибида ҳали ҳам салмоқли ўрин эгаллаб турган оғзаки адабиёт шакли, даъфатан ижод қилинадиган латифа, лавҳа, кизиқчилик кўринишлари оғзаки сўз баҳси, ўткир сўз ва ҳозиржавоб ҳажв, ҳазил, интермедия ва бошқалар жамоа ижоди содир бўлишини тақозо этади ва бу жанрлар жамоа идрок қилишига мўлжалланган бўлади.

ҚЎШИҚЧИЛИК - инсон фаолиятининг энг муҳим соҳалари билан алоқага киришади, меҳнат жараёнлари ва маросимларида қатнашади. Маиший ҳаётнинг муҳим қисми сифатида одамларни бирор мақсад-ниятга сафарбар этади, уларни ягона туйғу ва ғайрат атрофида бирлаштиради. Қўшиқчилик инсонни тарбиялаш воситаси бўлиб, унда юксак фикр ва туйғулар, нафосат диди ва орзулар ҳосил қилади, инсоннинг ижодкорлик қобилиятини оширади.

РАҚС - ифодали санъат тизимида ҳам муҳим ўрин тутади. Рақс қадим замонларда вужудга келган бўлиб, даставвал у маиший турмуш билан боғланган ов, жанг, эътиқод тимсоллари эди. Рақс қадимги одамларни бирлаштиришга, уюштиришга ҳисса қўшган бўлиб, унинг бу хусусиятлари ҳозирги кунда ҳам халқ рақсларида сақланиб қолган.

Рақс ихтисослашган бадий фаолиятининг нозик ва мураккаб кўринишига, касб-корига айланган бугунги кунда у санъат турлари билан ҳамкорликда амал қилади. Рақс мусиқасиз, қўшиқсиз намоён бўла олмайди. Рақс санъати театр билан ҳам чамбарчас боғлиқ, у томошали театр санъатининг муҳим белгиларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда бадий қиёфалар яратади.

НОТИҚЛИК - санъати барча замонларда ёнма-ён яшаб келган. Нутқ қудратли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур этади. Нотиқликдан мақсад одамларни ишонтиришдир. Нотиқнинг энг улуғ фазилатларидан бири зарур нарсани айтишдагина эмас, балки нозарур нарсани айтмаслигида ҳамдир.

Нотиқлик қадимда, айниқса, Шарқ мамлакатларида умумдават аҳамитига молик иш ҳисбланиб, бир неча турга ажратилган. Илмий-сиёсий нутқ, баҳс-мунозарали нутқ, тарғиб ва ташвиқ қилиш руҳидаги нутқ, марсия нутқи, табрик нутқи ва бошқалар.

Нотиқлик санъати қадимда воизлик деб юритилган. “Қомуси усмоний” номли луғатда ваъз “кишиларнинг қалбини юмшатадиган панд-насихатлар” деб

таъриф берилади. Нотиклик санъати қадимда дабирлик, хатиблик, музаккирлик кўринишларига эга бўлган. Баъзи воизлар дабирлик - давлат аҳамиятидаги ёзишмаларни ўқиб бериш, яна бирлари хатиблик - жума, миллий байрам кунлари одоб-ахлоққа оид масалаларини шарҳлаш, яна баъзилари эса музаккирлик - тарихий воқеа-ҳодисаларни гапириб бериш билан шуғулланишган. Нутқ матни, материали ҳам тингловчиларнинг касб-кори, амалига қараб бир неча хилга бўлинган:

1. Юқори табақа вакиллари учун мўлжалланган нутқ; 2. Жанговор нутқ; 3. Оддий меҳнаткашларга мўлжалланган нутқ.

БАДИЙ ИЖОД ТУРЛАРИ - хилма-хиллиги, улар ўртасидаги умумийлик ва хусусийлик уларни туркумлаш заруриятини туғдиради. Туркумлаш - санъат қонуниятларини билишнинг ва уни ўрганишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. У бадий ижоднинг турли бўлаклари ўртасидаги алоқадорликни ва мавжуд фарқларни аниқлаб, уларни бир тизим ҳолига келтиришга ёрдам беради.

Бадий ғоя - асарнинг ижтимоий мазмунини англатади, мавзу билан бир бутун ҳолда намоён бўлади. Буюк санъаткорлар ўз асарлари ғоясини санъат воситалари (сўз,мўйқалам) орқали ифодалаш истеъдодига ҳам эга бўладилар. Бадий асарнинг ғоявий мазмуни санъаткорнинг воқелика муносабати асосида унинг орзулари нуқтаи назаридан яратган ҳаёт ҳақиқатидир. Асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар қанчалик сермазмун, бой, ёрқин,кўп қиррали бўлса, унинг ғоявий мазмуни шунчалик ишонарли ва жозибали бўлади. Бадий асар ғояси ҳамма вақт яхлит хулоса бўлиб, уни ўқувчи, томошабин, эшитувчи тайёр ҳолда эмас, балки асарни идрок этиш жараёнида ўз фаҳм-фаросати билан ўзлаштиради.

Санъат асарининг умрибоқийлиги унинг ғоясига ҳам боғлиқ. Бадий асар тўқимасидаги сохта ғоя асарнинг бадий кучини қисқартиради, буюк истеъдод соҳибини ҳам “уят”га қўяди.

ИЛМИЙ ИШ ЭСТЕТИКАСИ - эстетик фаолият илмий ижоднинг ҳам эстетик томонини ташкил қилади. Лекин, эстетик омиллар илмий ижодга таркибан хос бўлиб, унга ёрдамчи омил вазифасини ўтайди. Жуда кўп илмий тадқиқотлар ва атоқли олимлар гувоҳлик беришларича, олимнинг салоҳияти, ижодий меҳнати натижалари ва самарадорлиги унинг эстетик маданияти даражасига бевосита боғлиқ экан. Оламнинг эстетик маданияти деганда унинг эстетик ҳис-туйғуси, илмий фарази (интуиция) кўргазмали рамзий тасаввурларни ҳосил қилиш қобилияти, тафаккурининг ўзига хос тасвирий умумлаштиришларга мойиллигини тушунамиз.

Илмий ижод жараёнида ҳис-туйғу, шодлик, беғараз қониқишга интилиш каби эстетик омиллар муҳим аҳамият касб этади. Илмий ижоднинг эстетик мазмуни қувонч, шодлик, қониқиш ҳиссини қондиришгина эмас, балки илмий изланишлар натижалари ва уларга эришиш усулларида ҳам ифодаланади.

Энг яхши санъат асарлари илм-фан кишисида ҳаёл фараз вужудга келтиради ва яхлитлик, нафосат ҳис-туйғусини уйғунлантиради, ғайритабиий тафаккур

килиш қобилиятини оширади, эркин дунёқараш бахш этади, юксак мулоқот маданиятини шакллантиради, ҳозирги фан равнақи учун жуда муҳим аҳамият касб этадиган барча қобилият имкониятларини сафарбар қилишга ундайди.

Бадий ғоя санъаткорнинг воқеликка бўлган “шахсий” ҳис-туйғулари орқали муносабат билдириши бўлиб, у ғоя-туйғу, ғоя-эҳтирос, шавқ-завқни ўз ичига олади. Шавқ-завқ тушунчаси асар мазмунидаги ақлий ва ҳиссий, руҳий ва ахлоқий томонлар узвий бирлигини ифодалайди.

БУНЁДКОР БАДИЙ ҒОЯЛАР - бадий асар ва қаҳрамонлари орқали китобхонларни меҳнатга, яратувчанликка, адолатга чақирувчи, маърифатга асосланган жамият яратишга даъват этувчи, хуллас инсонни эзгуликка бошловчи ғоялар. (Масалан, А.навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” асаридаги Фарҳод).

ВАЙРОНКОР БАДИЙ ҒОЯЛАР - бошқа ҳудудларни босиб олишга рағбатлантирувчи, инсониятни қирғинларга, урушларга, ноинсоний хатти ҳаракатларга чорловчи ғоялар.

ИСТЕЪДОД ВА МЕҲНАТ - ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилият **истеъдод** бўлиб, уни тинимсиз **меҳнат** туфайли такомиллаштириш мумкин.

САНЪАТКОР - ўзининг фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғулари, кечинмалари бошқаларнинг ҳам фикри, туйғуси, кечинмасига айланиб кетишига, ўзи кўрганини бошқалар ҳам кўришига, ўз маънавий мулки бошқаларнинг мулки бўлиб қолишига интилади.

Санъаткорнинг вазифаси тайёр тимсоллар - нусхалар излаб топиш ва уларни адабиёт ва экранда беихтиёр ифодалашни англамайди.

Санъаткор дунёни, аввало, эстетик нуқтаи назардан идрок этади ва баҳолайди, воқеликдан нафосат излайди. У бошқалар кўрмаган ёки фаҳмлай олмаган нафосатни кўради ва идрок этади, нарсалардаги гўзалликни севади, ардоқлайди, уни ўзгалар билан баҳам кўришга ошиқади.

РЕАЛИЗМ - бадий усул турлари мавжуд бўлишини тақозо этади. Бадий усулнинг ҳам, бадий ижод йўналишларининг ҳам шаклланиши ва ривожланишига сиёсий, фалсафий, эстетик ва диний-эътиқодий қарашлар улкан таъсир ўтказди. Янги ижод усулларининг қарор топиши эса инсоният бадий онги тараққиётида содир бўладиган туб силижишларни акс эттиради. Воқеликни муаммолар ва зиддиятлар тарзида бадий акс эттириш йўлида маърифатчилик санъати муҳим аҳамият касб этди. Уни одатда “маърифатчилик реализми” деб атайдилар. Ҳар қандай асл санъатда бўлганидек, танқидий реализмда ҳам ҳаёт ҳодисаларини ўз даврининг илғор ғоя-орзулар, эзгулик, бахт-саодат, нафосат нуқтаи назаридан акс эттириш мақсад қилиб олинди. Танқидий реализм тарихийлик ва ижтимоийлик хусусиятларига эгадир. Шахсни бадий англаш классицизмда ҳам, романтизмда ҳам мавжуд эди, лекин танқидий реализмда шахс

асарининг асосий мазмунини ташкил қилиб, ҳаққонийлик қиёфаларида, воқеа-ҳодисалар таҳлилида ифодаланиб, муаллиф асл мақсадлари, режалари, интилишлари ҳам унда ошкор кўриниб туради. Реалистик ижод усул-йўналиши “социалистик реализм” деган кўринишда ҳам намоён бўлганлиги ҳаммага маълум. Реалистик ижод усули ва йўналиши санъаткор эстетик орзусининг воқеликка муносабатида намоён бўлади.

МОДЕРНИЗМ - асли французча “модерн” сўзидан олинган бўлиб, “замонавий” деган маънони билдиради. Бу истилоҳнинг биз учун бир қадар нотаниш бўлиб келганининг сабаблари бор. Бу сабаблар, биринчидан, мафкуравий характерга эга ва шўро даври адабий сиёсати билан чамбарчас боғлиқ.

XIX аср охири ва XX аср бошларида жаҳонда ижтимоий ҳат соҳасида тараққиёт суръатлари мислсиз тезлашиб кетди. Бу фикрда, қарашларда ҳам кўплаб янгича фикрларни вужудга келтирди. Улар адабиётда ҳам инсонга янгича муносабатда бўлишни тақозо эта бошлади. Бошқача айтганда, адабиётда кўп вақтлардан бери амал қилиб келган реализм методи қай бир жиҳатдан эскиргандек, янги мазмунларни ифодалашга торлик қилиб қолаётгандек кўринди. Ва айрим санъаткорлар замон талабларига мувофиқ равишда ҳаётни акс эттиришнинг янги йўллари, шакллари излай бошладилар. Шу тарзда бутун жаҳон бўйлаб турли-туман модернистик, яъни замонавий оқимлар пайдо бўла бошлади. Албатта, буларнинг ичида самаралилари ҳам бор эди. Ва шунчаки тажриба тариқасида ўтказилган, лекин амалда катта муваффақиятларга эришмаганлари ҳам бор эди. Бу изланишлар, тажрибалар мутлақо табиий ва қонуний эди. Лекин шўро мафкураси нуктаи назаридан ҳар қандай модернизм ёки санъат ва адабиётдаги ҳар қандай изланиш социалистик реализмдан чекиниш деб қаралар ва шунинг учун у қораланишлари керак эди.

Модернизмни ёқлаган, модернистик оқимларни маъқул кўрганлар мафкуравий душман сифатида талқин қилинди. Фақат аср охирига келгач, ўзбек адабиётшнослари ичида бу масалаларни қаламга олиб тўғри талқин қилишга ҳаракат бошланди.

САНЪАТ - ЭСТЕТИК ТАРБИЯ ВОСИТАСИ СИФАТИДА - ҳар бир шахс мўлжалланганлиги билан дунёга кенг ва очиқ кўз билан қараш туйғусини шакллантириш, нафосатни бевосита мушоҳада этиши, юксак орзу-умидлар йўлини ижодкорлик қобилиятини вужудга келтириши билан изоҳланади.

Эстетик тарбиянинг энг муҳим воситаси сифатида санъат нафақат бадий қадриятларни идрок қилиш, балки уларни яратишни ҳам ўз ичига олади.

ЭСТЕТИК ТАРБИЯ УСЛУБ ВА ЙЎЛЛАРИ - умумий мақсад ва вазифанинг таркибий қисми сифатида амал қилиб, тарихий-ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик ҳодисани англатади. Таълим-тарбиянинг бошқа шакллари каби

эстетик тарбия ҳам ўз диққат-эътиборини якка одамга ва ижтимоий гуруҳга қаратади. Эстетик тарбия ҳам умуминсоний ва миллий кадриятларни қарор топтиришга хизмат қилади. Аёнки, тарбия инсон онгига, ҳис-туйғуларига, тасаввурига, эътиқодига, дунёқарашига, хатти-ҳаракатларига, хулқ-атворига таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад ва вазифа қилиб қўяди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида қарор топаётган ҳозирги пайтда эстетик тарбиянинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Биринчидан, мустақиллик шароитида инсон омилининг ортиб бориши учун шарт-шароитлар вужудга келаяпти, ҳаётнинг барча жабҳаларида фаолият кўрсатаётган одамларнинг эзгу хислат-фазилатлари, онглилиги, фаоллиги, ижодий яратувчи қобилиятлари сезилиб турибди.

Иккинчидан, Ўзбекистон аҳолисининг аксарият кўпчилигининг умумий маданияти юксалиб бориши жараёнида янги техника ва технологиялар, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш иши тобора такомиллашиб бораёпти.

Учинчидан, янги ишлаб чиқариш муносабатларининг, бозор иқтисодиётининг кенг ўрин эгаллаб бораётганлиги қонунчиликнинг кенг тарзда ўрин эгаллаб ривожланиб, амал қилаётганлиги фуқароларнинг умумий маданияти, айниқса, эстетик маданияти даражасининг ҳам юксалиб боришини тақозо этади.

Тўртинчидан, ҳозирги давр илмий-техник инқилоби шароитида электроника, автоматика, кибернетика, информатика каби фанлар ишлаб чиқариш соҳасини тубдан қайта қуришга имкониятлар яратиб бераёпти. Бу ҳол ишлаб чиқаришда банд бўлган одамларнинг руҳий ҳолатини ҳам тубдан ўзгаришини, касб-корлик, ижтимоий-руҳий, ахлоқий-эстетик ҳолатнинг вужудга келишини тақозо этади.

Бешинчидан, радио, кино, айниқса, “ойнаи жаҳон” каби оммавий ахборот воситаларининг турмушдан кенг ўрин олиши натижасида бадиий ахборот ҳажмининг ҳам кескин ортиб бориши эстетик тарбия аҳамиятининг тез суръатларда ўсишини таъминлайди.

ЭСТЕТИК МАДАНИЯТ - илмий изланишларнинг ҳамма босқичларида илмий муаммоларнинг қўйилиши, уларнинг ечими, олинган илмий натижаларни баҳолаш жараёнида катта аҳамият касб этади. Аксинча, эстетик ривожланмаганлик, лоқайдлик олимнинг ижодий куч-қудратини сўндиради, илмий-ижодий жараёнда жуда муҳим бўлган шахсий қониқиш ҳиссидан маҳрум этади, ақлий равнақига салбий таъсир ўтказади. Илм-фан билан бир томонлама шуғулланиб, санъатдан лаззатланиш ҳиссини йўқотиб қўйган ва бу йўқотиш шахсий бахтни йўқотганлик билан салбий таъсир қилгани ҳақида тарихда мисоллар кўп.

1.Ахлоқшунослик фанини ўқитиш ҳамда ўрганишнинг мақсади ва вазифалари -----	4 бет
1-Машғулот.Қадимги дунё ахлоқшунослиги. 2 соат.-----	7 бет.
2-Машғулот. Ўрта асрлар мусулмон шарқи мутафаккирларининг ахлоқий таълимотлари. 2соат. -----	26 бет.
3 - Машғулот.Янги давр ахлоқшунослигидаги асосий таълимотлар ва йўналишлар. -----	42 бет.
4-Машғулот.Энг янги давр ахлоқшунослиги. 2 соат. -----	50 бет.
5-Машғулот.Туркистон маърифатчи-жадидларнинг ахлоқий қарашлари. 2 соат. -----	54 бет.
6 - Машғулот: Ахлоқнинг асосий мезоний тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар. -----	61 бет.
7 - Машғулот.Нафосатшуносликнинг тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари (2 соат) -----	84 бет.
8 - Машғулот: Эстетик таълимотлар тарихи. (2 соат) -----	94 бет.
9-10 - Машғулот. Нафосатли англаш, нафосатли фаолият. Эстетиканинг асосий тушунчалари (4 соат) -----	129 бет.

Босмахонага берилди: 29.01.04. Босишга рухсат этилди 3.02.04. Бичими 60x84, Офсет қозози. Босма тобоғи 3.5. Буюртма №598. 30 саҳифа. Адади 100 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

***Ризограф хусусий босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шағри Саноатчилар кўчаси, 2 – уй Тел: 222-22-87.***

